

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ноибжон Худоёров
Абдумухтор Ҳакимов

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК

(ўқув-услубий қўлланма)

АНДИЖОН - 2017

Ушбу ўқув-услугий қўлланма З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети илмий кенгашининг 2017 йил 6 ноябрдаги 3-сонли йиғилиши қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

доц. М.Ғ.Абдуллаев

Такризчилар:

доц. С.А.Хошимов

доц. Д.Собирова

Ушбу ўқув-услугий қўлланма ўлка тарихини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, у асосан тарихий манбалар, адабиётлар ва матбуот материалларидан эълон қилинган маълумотлар асосида тайёрланган.

Қўлланма университет талабаларига тарихий ўлкашунослик фанини ўргатишда, шунингдек, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига махсус курс сифатида ўқитилишида кўмак беради.

КИРИШ

Мустақиллик шарофати туфайли ўзбек халқи ўзлигини том маънода англаб, жаҳонга юз тутди, ўзи белгилаб олган истиқболли тараққиёт йўлидан жадал илгарилаб бормоқда. Истиқлол йилларида Ўзбекистон тарихининг кўпгина масалалари ўзининг янги, илмий жиҳатдан холис ва ҳаққоний ечимини топа бошлади. Жумладан, тарихий ўлкашунослик фанининг олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида фан сифатида ўқитила бошланиши бу фанга бўлган эътиборнинг янада кучайиб бораётганидан далолат беради.

Жамият қурилишининг ҳозирги босқичида ўлкашуносликнинг роли ва аҳамияти бекиёсдир. Бугунги кунда талаба ёшларни тарбиялаш, маънавий савиясини янада ошириш, ўз тарихини чуқурроқ билиши ҳамда ўз навбатида келажак авлодга маданий меросимизни ўргатиш ва етказиш ўлкашунослик фанининг мақсадларидан бири ҳисобланади.

Бизга маълумки, Ватанимиз жуда қадим тарихга эга бўлган ўлкалардан бири саналади. Демак бу ерда қадимги даврлардан буён турли урбанистик жараёнлар, маданий алоқалар, шаҳар ва давлатлар пайдо бўлган ҳамда ривожланиб келган. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши унинг ўз тарихини холис, ҳаққоний ёритишга кенг йўл очиб берди ва бу давлат миқёсида ҳатто қонун билан белгилаб қўйилди.

Давлатимизнинг асосий қомуси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам Ўзбекистон фуқароларининг республика ҳудудида жойлашган маданий ёдгорликларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, асраб авайлашлари шартлиги таъкидлаб ўтилган. Бугунги кунда ўлкашунослик фани Ўзбекистон тарихини ҳамда маданий ёдгорликларини ўрганишнинг энг муҳим воситаларидан биридир.

Ўлкашунослик фани маҳаллий аҳоли томонидан ўз она юрти ҳисобланган муайян ўлка, шаҳар ёки қишлоқлар тарихини, табиатини, аҳолиси ҳўжалигини ва маданиятини ўрганади. Хусусан, олий ўқув юртлари

ва ўрта махсус таълим тизимида ўқитилаётган ўлкашунослик фани маълум икки мақсадни:

1) Ўз ўлкаси ўтмишини ва ҳозирги ҳаёти тарихини ҳар томонлама илмий асосда ўрганиш йўли билан тўпланган археологик, этнографик, топонимик, нодир қўлёзмалар, архив ҳужжатларини саралаш, тартибга солиш ва таҳлил қилишни;

2) Тўпланган ўлка материалларидан ўқув тарбиявий ишларда ўринли ва самарали фойдаланиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кўзда тутди.

Тарихий ўлкашунослик фани ҳозирги кунда Ўзбекистон халқларининг қадимий тарихини, унинг жаҳон тарихий тараққиётига қўшган катта ҳиссасини, ўз бағридан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд аз-Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби буюк қомусий олимларни етиштириб, жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасини далилий ашёлар воситаси билан исботлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг доимий эътибори туфайли мустақиллик йилларида жаҳон илм-фани, маданияти ривожига, инсоният маънавияти такомилига улкан ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг биз учун ардоқли бебаҳо меросини ўрганиш, шу билан бирга, уларнинг ибратли ҳаёти ва ижоди, беназир кашфиётларининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақидаги билимларни оммалаштиришга қаратилган ҳаракат бугун ўз самарасини бермоқда.

2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида **«Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти»** мавзуида халқаро анжуман ташкил этилди. Халқаро анжуманда жаҳоннинг элликка яқин мамлакатидан, шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Ҳиндистон, Миср, Индонезия, Саудия Арабистони, Қувайт, Россия, Озарбайжон каби давлатлардан таниқли

олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, жаҳоннинг машҳур олий таълим муассасалари профессорлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этди. Мазкур халқаро анжуманда Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг қадимий цивилизация марказларидан бири эканлиги, бу ўлкада етишиб чиққан алломалар ўз даврида жаҳон тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшганлиги яна бир бор эътироф этилди. Бу муносиб эътироф бизни фахрлантириш билан бирга, ўз навбатида маълум масъулият ҳам юклайди. Бугунги ёш авлод аجدодлар меросига, тарихий қадриятларга муҳаббат руҳида тарбияланиши даркор. Бу муҳим тарбияда тарихий ўлкашунослик фани ҳам муайян ўрин эгаллайди.

Ўзбек халқининг тарихий маданий ва меъморчилик ёдгорликлари жаҳон маданий меросининг таркибий қисми бўлиб, жаҳон тараққиётига қўшилган ғоят катта улушдир. Мана шундай муҳим нодир қимматли аҳамиятга молик бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларни ҳар томонлама илмий ва амалий жиҳатдан ўрганадиган ва таҳлил қиладиган фан - тарихий ўлкашунослиқдир.

Тарихий ўлкашунослик фани бўйича тайёрланган ушбу ўқув-услубий қўлланма асосан қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

1. Тарихий ёдгорликлар. Бунга инсоният ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалар, жамиятнинг ривожланиш босқичлари, атоқли саркардалар, йирик давлат, фан ва маданият арбобларининг номлари билан боғлиқ воқеа жойлари, ўтмишдан қолган қўлёзма асарлари ва шу қабилар қиради.

2. Археология ёдгорликлари. Бунга қўхна шаҳарлар, қўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истехкомлар, қорхоналар, каналлар, шунингдек, йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дафн жойлари, тош ҳайкаллар, қоялардаги тасвирлар ва бошқалар қиради.

3. Шаҳар қурилиши ва меъморчилик ёдгорликлари. Буларга меъморчилик ансамбллари ва комплекслари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларнинг

қолдиқлари: фуқаро, саноат, ҳарбий, диний, халқ меъморчилиги иншоотлари киради.

4. Санъат ёдгорликлари. Бунга монументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарлари киради.

5. Ёдгорлик ҳужжатлари. Мазкур ҳужжатларга марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларидан қолган турли ҳужжатлар, бошқа ёзма ва чизма ҳужжатлар, кино-фото ҳужжатлари ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий қўлёзмалар ҳамда архив материаллари, фольклор ва мусика ёзувлари, нодир босма нашрлар киради.

6. Этнографик ва топонимик материаллар. Бунга халқ урф-одатлари, моддий ва маънавий маданият, халқларнинг эртак, фольклор, мифологияси ҳамда жой номларининг илмий жиҳатдан келиб чиқишини ўрганиш киради.

Булар билан бир қаторда тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки бошқа хил маданий қимматга эга бўлган объектлар ҳамда музейда сақланадиган экспонатлар ва улардан ўқув, таълим-тарбия ишларида фойдаланиш услублари, намунавий дарс режалари ўз аксини топган.

Юқоридаги манбаларни ўрганиш ва умумлаштириш илмий ўлкашунослик тадқиқотчилари, жамоат ўлкашунослиги ва ҳаваскорлари учун ҳам, у ёки бу воқеаларга тавсиф бериш, турли тарихий тушунчаларга аниқлик киритиш учун ҳам кўп зарур маълумот бўлиб хизмат қилади.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмани ёзишда имкон қадар маҳаллий материалларидан, хусусан, Ўзбекистон Республикаси турли ҳудудларига доир ўлкашунослик ҳужжатларидан, етук тарихчи олимларнинг асарларидан, архив материаллардан фойдаланилди. Айрим масалаларни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ходимлари томонидан тайёрланган картотека ва кўрсаткичлардан, музей экспонатлари мавзусини ёритишда эса Ўзбекистон тарихий музейи материалларидан фойдаланилди.

1-Мавзу. Тарихий ўлкашуносликнинг вужудга келиши ва ривожланиши

Режа:

1. Ўзбекистоннинг географик ҳолати ва табиий шароити.
2. Ўлкашунослик турлари.
3. Тарихий ўлкашуносликнинг ривожланиш тарихи.
4. Ўрта Осиё тарихини ўрганишда рус шарқшунос олимларининг роли ва уларнинг маҳаллий тарихчиликка таъсири.
5. Тарихий ўлкашуносликнинг 1917 йилдан кейинги аҳволи.

1. Ўзбекистоннинг географик ҳолати ва табиий шароити.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган. Шарқ ва шимолий-шарқда Қирғизистон, шимол ва шимолий-ғарбда Қозоғистон Республикалари, жануб ва жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси, жанубий-ғарбда Туркменистон, жанубда қисман Афғонистон билан чегарадош. Ўзбекистоннинг энг шимолий чекка нуқтаси шимолий-шарқда - Устюрт платосида Орол денгизининг ғарбий соҳилида ($45^{\circ}36'$ шимолий кенгликда), энг жанубий нуқтаси - Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ёнида (37° шимолий кенгликда), шарқий нуқтаси-Фарғона водийсининг шарқида, Қирғизистон Республикаси билан чегара жой ($37^{\circ} 10'$ шарқий узунлик)да Шимолий ва жанубий чекка нуқталари ораси - 925 км, ғарбдан шарққа - 1400 км. Ўзбекистон Республикасининг майдони 448, 9 минг км².

Республика ҳудуди жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга чўзилган ва юзаси ҳам шу йўналишда йирик дарёлар оқимига мос равишда пасайиб боради. Мамлакатнинг шимолий-ғарбий чеккасида, Кизилқум билан Устюрт оралиғида Орол денгизи жойлашган. Ўзбекистон Республикаси майдонининг қарийб 4/5 қисми текислик, оз қисми тоғ, адир ва тоғ олдидан иборат. Республика ҳудудидан Ўрта Осиёнинг энг катта дарёлари - Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади ва Орол денгизига қуйилади. Қизилқум чўли, Амударёнинг аллювиал текислиги, Зарафшон ва Қашқадарёнинг субэрал дельтаси, Устюрт

платосининг берк шўрхок ботикларидан иборат жанубий-шарқий қисми ташкил этади, баъзи жойларда қирлар учрайди. Республиканинг шарқий ва жанубий-шарқий қисмида Тяньшан, Олой, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғлари бор. Бу тоғлар орасида Фарғона, Зарафшон, Китоб, Шаҳрисабз, Сурхон-Шеробод, Чирчиқ-Оҳангарон каби кагга чўкмалар - водийлар жойлашган. Водийлар суғориладиган ерлар бўлиб, аҳолининг асосий қисми шу водийларда яшайди. Айрим тоғ чўққилари музликлар, доимий қор қатламлари билан қопланган. Мамлакатнинг ғарбий ва шимолий-ғарбий қисмига борган сари улкан тоғлар пасайиб, тоғ олди бағри текисликлари гўзал, хушманзара водийларга айланади. Водийлар тугагач, аста-секин чўл ва қумликлар бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон-суверен демократик республикадир. Ўзбекистон Республикаси 12 вилоят, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ ва овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Давлат бошлиғи - Президент, сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Президент Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Ўзбекистон парламенти)дир. У қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Олий Мажлис икки палатадан: Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата) дан иборат. Ижро этувчи ҳокимият - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Пойтахти - Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 31021300 минг киши (2016). Ўзбекистонда 125 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, шу жумладан, ўзбеклар (80,0%), қорақалпоқлар (2,2%), тожиклар (4,9%), руслар (3,8%), қozoқтар (3,6%), татарлар (1,0%), қирғизлар (0,9%), корейслар (0,6%), украинлар (0,3%) ва бошқа миллат вакиллари (2,7%) яшайди.

Ўзбекистон ҳудудида энг кенг ёйилган дин - исломдир. Шунингдек, христианлик, иудаизм, буддизм динлари ҳам тарқалган. Расмий давлат тили - ўзбек тили. Пул бирлиги - сўм.

2. Ўлкашунослик турлари. Тарихга назар ташласак, ўз ўлкасини севмаган ва унинг тупроғини ардоқламаган бирон ҳам зотни учрата олмаймиз. Шунинг учун ҳам биз Ватанни севмоқ иймондандир, деймиз. Зотан, она-юрт фарзандлари учун Ватанни севиш, унинг тарихини ўрганиш, дилга жо этиш мукаддасдир.

Ўлкашунослик уч турга бўлиниб, улар қуйидагилар:

- 1) илмий, яъни давлат ўлкашунослиги;
- 2) жамоат ўлкашунослиги;
- 3) мактаб ўлкашунослиги.

1. Илмий, яъни давлат ўлкашунослиги — бевосита давлат илмий ташкилотлари, илмий тадқиқот институтлари, Республика тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, регионал, махсус музейлар, Республика Фанлар академияси қошидаги тарих, археология илмий тадқиқот институтлари, илмий ходимлари томонидан республика ва вилоятнинг ўлкашунослик музейларида экспозиция сифатида намоиш қилинади.

2. Жамоат ўлкашунослиги — халқ депутатлари, ижроия қўмиталарининг бевосита раҳбарлигида тегишли жойдаги археологик, этнографик, топонимик ва архив ҳужжатлари мутахассислари ёрдамида ўрганилади.

Жамоат ўлкашунослиги қишлоқ, овул, қўрғон, туман, шаҳар ва вилоят ҳудудидаги тарихий обидаларни сақлаш ва асраш ишларига бошчилик қилиш билан бирга жойларда истиқомат қилиб турган халқларнинг келиб чиқишлари, урф-одатларини ўрганади ҳамда илғор меҳнаткашлар, Меҳнат Қаҳрамонлари хотирасини абадийлаштириш учун ҳайкаллар, мангу оловлар, ҳурмат тахталари ташкил қилади. Бундан ташқари жамоат ўлкашунослигига мустақил равишда танга пулларни ўрганувчи мутахассислар — нумизматлар, муҳрларни ўрганувчилар — сфрагистлар, тамға (герб) ларни ўрганувчилар —

гералдистлар, тош, металл, сопол ва ёғочдаги ёзувларни ўрганадиган олимлар – эпиграфистлар, осори-атикаларни тўпловчи хаваскорлар ҳам уюшади.

3. Мактаб ўлкашунослиги – мактабларда тарих ва жамиятшунослик (инсон ва жамият, шахс ва жамият) фани ўқитувчиларининг бевосита раҳбарлигида ташкил қилинади.

Мактаб ўлкашунослиги иккига бўлиниб, ўқув жараёнида (ўқув дастури асосида) ва дастурдан ташқари (мактабнинг тарбиявий ишлар режасига асосланган ҳолда) амалга оширилади.

Ўқув жараёнида (синфда) олиб бориладиган ўлкашунослик ишлари ҳам 2 (икки) мақсадни кўзлайди:

1) ўз ўлкасининг ўтмишини археологик, этнографик, топонимик, кўлёзма асарлар ва архив ҳужжатлари асосида ўрганиш ва ўлкашунослик материалларини бир тизимга солиш;

2) тўпланган ўлкашунослик материалларидан тарих ҳамда инсон ва жамият дарсларида фойдаланиш.

Мактаб ўлкашунослиги мактабни, яъни таълим-тарбияни турмуш билан, ишлаб чиқариш билан узвий боғлашдаги энг муҳим воситаларидан биридир. Ўқитиш жараёнида ўқув материалларидан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг ўз ўлкасининг тарихини билиб олишга, мустақил ижод қилишга бўлган қизиқишини орттиради ва келгуси ҳаёт йўлини танлаб олишга ёрдам беради.

Мактаб ўлкашунослиги предметлараро алоқани мустаҳкамлайди. Мактаб ўлкашунослиги ўқувчиларда ўз Ватанига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат уйғотиш билан бирга уларни эстетик руҳда тарбиялашга ҳам муносиб ҳиссасини қўшади.

3. Тарихий ўлкашуносликнинг ривожланиш тарихи. Ўлкани ўрганиш масаласи Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида Россиядан анча кейинроқ, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Рус олими М.В. Ломоносов ўз ўлкасини мукаммал ўрганиш мақсадида 1761 йилда 30

саволдан жавоб варақаси тузиб, аҳоли ўртасида тарқатган эди. Айни вақтда бу билан ўлкашунослик фанига асос солинган эди. Тарихдан бизга маълумки, XIX асрнинг биринчи ярмидан тарих фани ҳам, бошқа фанлар сингари ҳукмрон синфнинг манфаати учун хизмат қилди.

XIX асрнинг 30-йилларида Бухоро сарой тарихчиси Муҳаммад Ёқуб ёзган «Гулшан ул-мулк» номли асар ўша давр тарихий манбаларидан бири ҳисобланади.

Муҳаммад Ёқуб Кенжа ибн Али Мирзо Бухорий (тахминан 1771-1831 йй) – бухоролик тарихчи, манғитлар сулоласинининг иккинчи ҳукмдори Дониёлбий оталиқ (1758-1785 йй.) нинг ўғли.

Асар 1825-1831 йилларда ёзилган бўлиб, ўз мазмуни ва ёзилиш услуби билан XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярмида яратилган тарихий асарлардан фарқ қилади. Бу асар форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, унда қадимги замонлардан то XIX асрнинг 30-йилларигача бўлган Бухоро амирлигидаги сиёсий воқеалар баёни берилади.

Асарда сарой воқеликлари, ҳукмрон синфлар тарихи, ўзаро урушлар, унда эришилган ғалабалар, хонликнинг кейинги сулоласининг генеологияси (насабномаси) ифодаланиб, жамиятни ривожлантиришда асосий куч бўлган халқ ҳаракатлари ва бу ҳаракатнинг туб моҳиятини ёритишга бўлган интилишни деярли кўрмаймиз.

Яна ўша даврда форс-тожик тилида ёзилган иккинчи манбаа Бухоро саройи тарихчиси Муҳаммад Мир Олимнинг «Тарихи амир Насрулло» номли асаридир. Бу асар Бухоро амири Насруллонинг (1826-1860) топшириғи билан ёзилган, асар XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида юз берган сиёсий воқеаларни, ички ва ташқи воқеликларни тасвирлаш билан бошланиб, амир Насруллонинг ҳокимиятга келиши, унинг дастлабки, йиллардаги давлат бошқаришда юритган сиёсати билан тугалланади. Асарда Бухоро амирлигидаги 1821-1825 йилларда бўлиб ўтган хитой-қипчоқлар қўзғолони ва унинг бостирилиши ёритилган. Аммо бу асарда ҳам

қўзғолоннинг асосий сабаблари ва моҳияти очиб берилмаган, бу табиий ҳол бўлиб, сарой тарихчисидан буни кутиш мумкин эмас эди.

Яна шу йўналишда ёзилган тарихий манбалардан бири Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шарифлар томонидан форс-тожик тилида яратилган «Тарихи амир Ҳайдар» номли асаридир. Асарда Аштархонийлар билан манғитлар сулоласи тарихи амир Ҳайдарнинг отаси Шохмуроднинг туғилишидан бошлаб, то амир Ҳайдарнинг ўлими (1826 йилгача) Бухоро амирлигида бўлиб ўтган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий воқеликларга ҳам тўхталиб ўтилган. Шу билан асарда 1820 йилда А.Ф.Негри бошлиқ Россиядан Бухорога юборилган элчилик ташрифи тўғрисида ҳам маълумотлар берилган.

Муҳаммад Шарифнинг худди ўша даврни акс эттирувчи «Тожи таворих» (Тарихлар тожи) номли асари майдонга келади. Асарда манғитлар Чингизхон ва унинг авлодлари, Шайбонийлар, Аштархонийлар сулоласининг тарихлари берилган (икки нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сафланмоқда).

XIX асрнинг 40-йилларида ёзилган йирик тарихий манбалардан бири Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ут-таворих» номли асаридир. Асарда XVIII асрнинг 70-йилларидан то Қўқон хони Умархоннинг вафоти (1822 йил) ундан сўнг тахтга ўтирган Мадалихонгача (1822-1842 йй.) бўлган даврдаги Қўқон хонлиги тарихига доир сиёсий воқеалар тасвирланган. Асарнинг қиммати шундаки, Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан тутган сиёсати ва ўша вақтдан маҳаллий аҳолининг Россияга нисбатан тутган позициясини аниқлашда муҳим ўрин тутди. Чунки, муаллиф Россияда бўлиб, у ердаги ҳаёт билан бевосита танишган, Россия билан боғланиш масаласида ўзининг шахсий хулосаларини баён қилган. Муаллиф ўз асарида 1821-1825 йилларда Бухорода бўлиб ўтган хитой-қипчоқлар қўзғолонида қатнашганларни «хоин кишилар» деб қоралайди. Бу эса муаллиф тутган йўлни яққол кўрсатиб турибди.

Қўқон хонлиги тарихига оид манбаларидан яна бири Мулла Аваз Муҳаммаднинг форс-тожик тилида ёзилган «Тарихи жаҳоннумаи» асари

бўлиб, ўз кўзи билан кўрганларини баёни ҳамда тарихий манбалар асосида ёзилган икки китоб ва географик қўшимчадан иборат. Асарнинг биринчи қисмида инсоннинг пайдо бўлишидан бошлаб то XVI асргача бўлган ҳукмдорлар тарихи берилган. Асарнинг иккинчи қисмида Қўқон хони Олимхон (1798-1810) ва Умархон (1810-1822) ҳукмронлиги даври сиёсати тўлиқ берилган.

Қўқон хонлиги тарихчилигида Мулла Ниёз Муҳаммаднинг «Тарихи Шоҳрухий» деган асари ҳам диққатга сазовордир. Муаллифнинг бу асари Қўқон хонлигининг XVIII аср ва XIX асрнинг 70 йилларигача бўлган тарихига оид муҳим маълумотларга эга бўлиб ва шу даврни ўрганувчи тадқиқотчилар учун жуда қимматлидир.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигида ёзилган тарихий манбалардан энг муҳими Мунис, Огаҳий асарлари ҳисобланади. Мунис Элтузарнинг топшириғи билан ўзининг «Фирдавс ул-иқбол» номли машҳур асарини ёзди. Мирхонднинг машҳур асари «Равзат ус-сафо»ни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиш топширилади. Мунис бу китобнинг биринчи қисмини тамомлаб, иккинчисини ёзаётганида тўсатдан вафот этади. Муҳаммад Ризо Огаҳий Хива хони Оллоҳқулихон топшириғи билан бу асарни давом эттириб, 1827 йилгача бўлган воқеаларни ёзади.

Огаҳий бу асарни тугатганидан сўнг ўзининг қуйидаги асарини ёзади: «Риёз уд-давлат» асарида 1826-1842 йиллардаги воқеаларни, «Зубдат ут-таворих» 1826-1845 йиллардаги тарихий воқеаларни, «Гулшани давлат» 1856-1865 йиллардаги воқеаларни ўз ичига олади. Огаҳий «Шоҳиди иқбол» номли бешинчи асарини Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II даврига бағишлайди. (1864-1910). Аммо бу асар тамомланмай, 1872 йилги воқеалар билан тугайди. Мунис ва Огаҳийлар сарой тарихчилари бўлсаларда, уларнинг асарлари ўзининг далилларга бойлиги, хронологик изчиллиги, ўзида акс эттирилган сиёсий воқеаларнинг тўлиқ баёни жиҳатидан ўша даврдаги Бухоро ва Қўқон сарой тарихчиларидан бирмунча юқорида туради. Бу хусусиятни ўз вақтида В.В.Бартольд ҳам «История культурной жизни

Туркестана» деган асарида таъкидлаб: «Мунис ва Огаҳийнинг китоблари адабий ва тарихий асар сифатидаги камчиликларига карамай, баён қилишнинг тўлиқлиги ва далилий маълумотларнинг сони жиҳатидан бизгача етиб келган Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихи бўйича битилган асарларни орқада қолдиради» – деб ёзган эди.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг биринчи ярмида маҳаллий тарихчилар томонидан яратилган тарихий асарлар, мамлакатнинг ҳўжалиги, иқтисодий муносабатлар, синфий кураш, халқ ҳаракатлари ва сиёсий воқеаларнинг ижтимоий-иқтисодий илдишларини очиб бера олмаган бўлса ҳам, тарихчиларимиз ўлкани ўрганишда, солномалар тузишда этнографик ва топонимик материаллар тўплашда бу нодир асарлардан, танқидий нуқтаи назардан қараб фойдаланишлари мумкин.

4. Ўрта Осиё тарихини ўрганишда рус шарқшунос олимларининг роли ва уларнинг маҳаллий тарихчиликка таъсири. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё чор аскарлари тарафидан босиб олинган бу ерга рус олимлари келиб, кўплаб тадқиқот ишларини олиб бордилар. Шундай мураккаб ва оғир шароитда ҳам ўлкашунослар ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин баён этишга ҳаракат қилганлар. Ўрта Осиёга келган олимлар ўлкадаги илғор маҳаллий зиёлиларнинг намоёндалари билан яқин алоқада бўлардилар.

Табиий бойликлари, маданий мероси ғоят бой бўлган ва кам текширилган бу ўлка рус зиёлиларининг тараққийпарвар қисмини жуда қизиқтирарди. Машҳур рус зоологи, зоогеографи ва сайёҳи, дарвинизмни эътиқодли тарафдорларидан бўлган Н.А. Северцов (1827-1886) Туркистоннинг кўп жойларини физик-географик жиҳатдан ўрганишда, жумладан Помир тизма тоғларининг орфографиясини ўрганишда кўп меҳнат ва куч сарф қилди. Зоология, ботаника минералогия ва палеантологияга оид жуда қимматли коллекциялар тўплади.

Машҳур рус географи П.П. Семёнов – Тяньшанский (1827-1914) Ўрта Осиё, айниқса Тяньшан тизма тоғларини географик ўрганилишига асос солди.

Рус табиатшуноси ва сайёҳи А.П.Федченко (1844-1873) Туркистон табиатини ўрганишда катта рол ўйнади. У Фарғона водийси билан Олойни биринчи марта текшириб чиқди. Олой тоғи орасидаги тизма тоғлар ва унинг энг баланд чўққисини очиш шарафи ҳам унга насиб бўлган.

Геолог ва географ И.В. Мушкетовнинг (1850-1902) илмий хизматлари ҳам катта. Шимолий Тяншан тизма тоғи орфографиясининг геологик асосларини дастлаб у кўрсатиб берди. 1877-1879 йилларда Мушкетов геологик текшириш ишларини бажариш мақсадида Олой, Помир, Бухоро, Хисорга, Амударё бўйлаб ва Қизилқумга саёҳат қилди. 1881 йилда (Г.Д. Романовский билан) Туркистоннинг биринчи геология харитасини тузди.

Ўлкани ўрганишда статистика кўмиталари ҳам муҳим рол ўйнайди. 1868 йил январ ойида Туркистон статистика кўмитаси тузилди. Унинг ташаббуси билан 1872 йилдан «Туркистон ўлкаси статистикаси учун материаллар» номли тўплам чиқарила бошлади: (1872-1876 йиллар ичида ҳаммаси бўлиб 5 тўплам чиқарилди) 1887 йил 1 январдан бошлаб Сирдарё (Тошкентда), Самарқанд, Фарғона (Янги Марғилон) вилоятлари статистика кўмиталари тузилди.

Ўрта Осиё халқларининг турмушига бағишланган, илмий ва ўлкашуносликка доир турли хабарлар ва мақолалар «Туркестанский ведомости», ҳамда «Туркистон вилоятини газетаси» (Тошкент 1870-1917 йиллар), шунингдек бошқа маҳаллий матбуотларда ҳам мунтазам босилиб турган.

1870 йилда Тошкентда очилган Туркистон халқ кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий кутубхонаси) ўлкани ўрганиш билан шуғулланувчи барча тадқиқотчилар, айниқса маҳаллий ходимлар учун катта аҳамиятга эга бўлди. Кутубхона очилиши вақтида фақат 1700 жилд китоб бор эди, 1917 йилга келиб ундаги китоблар сони 80 минг жилдга етди.

Кутубхона фондида сақланаётган адабиёт ва манба мажмуаларидан Ўрта Осиёга айниқса Туркистон ўлкасига тааллуқли «Туркистон асарлар ва мақолалар тўплами» жуда ҳам қимматли асар бўлиб, шу кунларда ҳам ўз

аҳамиятини йўқотмаган. Бу тўпламни тузиш ишларини кўзга кўринган рус библиографи В.И. Межов Петербургда 1868 йилдан бошлаб, 20 йил давомида олиб борган эди. 1888 йилда «Туркистон тўплами»га кирган катта-катта жилдларнинг сони 416 га етганда (1867-1887 йилларда тўпланган материаллар эди) ўлкадаги чор маъмуриятининг буйруғи билан «маблағ йўқлиги сабабли» бу ишлар тўхтатилган эди.

1872 йилда А.А. Кун ва бошқа Шарқшунослар машҳур «Туркистон альбоми» ни (Туркистон ўлкасининг этнография, археология, касб-хунар ва тарихига доир суръатли альбомни) тузиб тамомладилар. Альбом 1262 донрангли ва рангсиз фотосуръатлар ёпиштирилган 447 картондан иборат бўлиб, Россияда фақат уч кутубхона император кутубхонаси, Фанлар академияси кутубхонаси ва Туркистон кутубхонасигина фахрлана оладиган, бадий жихатдан ғоят ноёб асар эди.

Ўрта Осиё тарихига оид энг муҳим манбалардан бири Х аср муаллифи Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари Н.С. Ликошин томонидан рус тилига ўгирилиб, 1897 йилда нашр этилиши (В.В. Бартольд таҳрири остида) жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Қисқа муддат ичида Ўрта Осиё олимлари жамияти пайдо бўлди. Бу жамият ўз олдига Ўрта Осиё тарихи, географияси, этнографияси, статистикасини, иқтисодига оид маълумотларни тўплаш, ишлаш ва тарқатишни мақсад қилиб қўйган эди. Унинг очиқ мажлиси 1871 йил 28 январда бўлди.

Ўлкада ишлаб турган хаваскор археологлар 1875 йилда Туркистон археологияси хаваскорлари тўғарагига аъзолари томонидан Фарғона тоғ тизмаларидаги Саймалитош деган жойда тошга ўйиб солинган жуда кўп суръатларни топиш фанга муҳим илмий кашфиётлар бўлиб кирди.

Ўрта Осиё тарихи ва археологияси XIX аср бошидан чуқурроқ текширила бошланди. Бунда шарқшунос олим В.В.Бартольднинг ўрни бениҳоя каттадир. У шарқ тилларини жуда яхши билганлигидан, ҳамиша унинг илмий фаолияти марказида турган Ўрта Осиё тарихчилиги эмас, шу

билан бирга бутун «Мусулмонлар Шарқи» тарихига ҳам оид жуда кўп бирмунча манбаларни ўрганиш имкониятига эга бўлди. Унинг 1898-1900 йилларда ёзилган «Туркистон мўғиллар ҳужуми даврида» асари пухталиги, маълумотларга бойлиги жихатидан Ўрта Осиёнинг ўтмишини ўрганишда қимматли манба саналади.

В.В. Бартольднинг «Улуғбек ва унинг замони», «Туркистоннинг суғорилиш тарихига оид» деган тадқиқотлари ва бошқа кўп китоб , мақола, тадқиқот ва мулоҳазали, ғоят қимматли ўз аҳамиятини йўқотмаган асарлардир. В.В. Бартольдда катта ташкилотчилик илмий қобиляти ҳам бор эди. Дарҳақиқат, Ўрта Осиёни тарихи ва археологиясини ўрганиш соҳасидаги бирон каттароқ тадбир Бартольднинг иштирокисиз бўлмаган. Маҳаллий археологлардан В.П. Вяткиннинг (1869-1932) қилган ишлари ҳам диққатга сазовордир. Бу олим 1908 йилда Самарқандаги машҳур Улуғбек расадхонасининг қолдиқларини ўрганиш ва сақлаш билан шуғулланган.

В.В. Бартольд ўзининг 1894 йилда босилиб чиққан «Туркистонда археологик тадқиқотлар масаласига оид» китобида ўлкани жиддий равишда ўрганиш ҳали олдимизда турибди, бу ишда бош ролни маҳаллий илмий кучлар ўйнамоғи лозим деган эди. Унинг таклифи билан 1895 йил октябрь ойида Туркистон археологияси хаваскорлар тўғараги ва унинг Низоми тасдиқланди. Низомда жумладан:

1. Туркистон ўлкасини қадимги ёдгорликларини ўрганиш;
2. Тўғаракни фахрий ва ҳақиқий аъзоларидан тузишади;
3. Тўғаракнинг ҳақиқий ва хаваскорлик аъзолигига маҳаллий археологик масалалари билан қизиқувчи, унга аъзолик бадалларини тўлаб турувчи ҳар бир киши сайлана олади, сайловчининг унвонига, келиб чиқишига, миллатига ва жинсига қаралмайди;
4. Ҳақиқий аъзолар ўз ичидан бир йил муддатга бошқарма сайланади;
5. Бошқарма тўғарагидаги ишларни олиб боради, қайси ёдгорликларни қазиб, тадқиқ қилишни аниқлайди. Маҳаллий идоралар ва Россия археология комиссияси билан алоқа ишларини олиб боради;

6. Тўғаракнинг умумий мажлисларига ҳар бир қизиқувчи киши қатнаша олади;

7. Тўғаракнинг бўлимларини бошқа шаҳарларда ҳам очиш;

8. Тўғарак маблағи ҳақиқий аъзоларидан ҳамда археология хаваскорлари томонидан бериладиган хайриялардан ташкил топади.

Рус шарқшунослиги ўзининг ғоят катта илмий фаолияти билан маҳаллий тарихчиликка шак-шубҳасиз катта таъсир кўрсатди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, рус шарқшунослари Ўрта Осиё тарихи юзасидан жиддий тадқиқот ишлари олиб бориб, бу ишга ерли тарихчи хаваскорларни ҳам жалб қилиш, улар билан бирга ҳамкорликда иш олиб боришга ҳаракат қилдилар. Туркистонга келган шарқшунос олимлар маҳаллий тарихчи ва хаваскорлар ўртасида юриб ва яшаб, Ўрта Осиё тарихи ҳақида муҳим маълумотлар ва асарларни тўпладилар. Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли ўзининг «Тарихи жадиди Тошкент» деган асарида Искандар тўра исмли бир рус олимнинг уйига келгани, у билан суҳбатлашгани ва Ўрта Осиё тарихига оид кўп саволлар бериб баҳслашгани ҳақида ёзади. Искандар тўра аслида Александр Кун бўлиб маҳаллий халқ қадимдан Александр исмини Искандар деб аташади. Фақат А. Куннинг эмас, балки Ўрта Осиёга келган барча шарқшуносларнинг ҳам халқ орасида юриб тарихга оид саволлар бериши, айрим масалалар юзасидан баҳслашишлари ҳамда уларга йўл-йўриқлар кўрсатишлари, шубҳасиз, ерли халқлар ўртасида тарихга қизиқиш ҳиссини оширди.

Ўша вақтда нашр қилинган «Туркистон вилоятининг газети» «Туркестанский ведомости» ва бошқа газета саҳифаларидаги маҳаллий тарихчи ва хаваскорлар томонидан ёзилган ёдномалар, ёдгорликлар ҳақидаги кичик-кичик хабарлар ва мақолалар, археологик коллекциялар рус шарқшуносларининг маҳаллий тарихчиликка самарали таъсир кўрсатганлигини ва ерли халқ орасида ҳам тарихга қизиқиш авж олганлигини кўрсатди.

Сатторхон Абдуғоффоров – рус шарқшунослигининг бевосита таъсири остида тарихчилар каторидан ўрин олган. У 1876 йили Петербургда чақирилган III халқаро шарқшунослар съездига А. Кун, Жўрабек Тошкентлик Муҳаммадқулов, Абдулла Ниёзов, Бухоролик Мўсажон Саиджоновлар билан бирга Туркистон вакили бўлиб қатнашди.

Рус шарқшунослари, жумладан, Н.И. Веселовский раҳбарлигида Ақром полвон Асқаров каби ҳаваскор тарихчи ва археологлар етишиб чиқди. У ўзининг ҳаракатчанлиги ва ишчанлиги билан Туркистондаги фан аҳилларига танила бошлайди. «Туркестанский ведомости» газетасининг 1892 йида босилиб чиққан саҳифасида Ақром Асқаровнинг 1370 дона кумуш пул, 13274 дона мис пул, неолит даврига оид тош болға, жездан ясалган сулуғ, жез ойна каби турли буюмлар тўпланганлиги ҳақида маълумот беради. Улар орасида сополдан ясалган одам ҳайкаллари, бир бўлак нефрит, исирға, тумор, мис ва сопол идиш ҳамда шунга ўхшаш тарихий буюмлар бор. Ақром Асқаровнинг фан учун қимматли бўлган бу коллекциясига ўша давр мутахассиси профессор Н.И. Веселовский ҳам катта баҳо берган эди.

Ўрта Осиё, шу жумладан Қўқон хонлигининг Наманган ва Тошкент шаҳарларида яшаган, ўзбек халқининг тарихи, тилини ва урф-одатларини ўрганишда Владимир Петрович Наливкиннинг (1852-1918) ҳам қўшган ҳиссаси каттадир. Унинг илмий фаолияти Ўрта Осиё халқлари тарихи, тилини ва этнографиясини ўрганишдан бошланди. У рафиқаси М.В. Наливкина билан ҳамкорликда «Фарғона маҳаллий аҳолиси аёлларининг турмуши ҳақида очерк» деган китоб ёзди. В.П. Наливкин рус олимлари ичида биринчи бўлиб, маҳаллий тилларни ўрганиб, маҳаллий тарихчилар қўлёзма асарларини ўрганган ва шулар асосида «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи», «Русча-сартча ва сартча-русча луғат» ҳамда «Интихоб ут-таворих мамлакати Русия» («Россиянинг қисқача тарихи») китобларини ва 40 дан ортиқ илмий асарлар, мақолалар ёзган. Маҳаллий халқ тилини жуда мукаммал билганлиги сабабли уни ерли халқлар Жаҳонгир тўра деб атаганлар, у ҳам бир неча асарини Жаҳонгир тўра номи билан чоп этган.

Унинг 1885 йилда Жаҳонгир тўра номи билан ёзилган «Интиҳоб ут-таворих мамлакати Русия» номли асари бунинг ёрқин далилидир. Муаллифнинг «Бу фақир... забони ночор ва сухони ожиз бирлан таворих китобларининг таҳриридаги воқеаларни интиҳаб айлаб кўп тафсили келтирмай имоли бирла мухтасар баёини қилардики, Русия мамлакатининг пайдо ва бино бўлганидан то охир замонигача мазкур вилоят ичра ўтган ходиса ва воқеликларни тасниф қилғай», - дейишидан маълумки, у ўз асарини кўп адабиётлардан фойдаланган ҳолда ёзган. Бу асарнинг ерли аҳолини Россиянинг ўтмиш тарихи билан таништириш мақсадида ўзбек тилида ёзилиши ўз даври учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган бир ходиса эди.

Шундай қилиб, XX асрнинг 20-йилларига қадар олимлар ва туркшунос ҳаваскорларнинг кучлари билан Ўзбекистон ўлкасини ўрганишга доир анчагина материаллар тўпланган. Бироқ буларнинг орасида узук-юлуқ ва тасодифий материаллар анчагина бўлиб, кенг, илмий асосда умумлаштирилмаган эди.

5. Тарихий ўлкашуносликнинг 1917 йилдан кейинги аҳволи. Қадриятимиз ўз ўлкамиз тарихини ўрганишдан бошланиши ҳеч кимга сир эмас. Ўтмиш йилдан ортиқ давр мобайнида биз ёш авлодга ўтмишимиз тарихини ўргатишда жуда катта чалкашликлар ва хатоликларга йўл қўйиб келдик.

1917 йилгача яшаган шарқшунос олимлар ва маҳаллий тарихчиларнинг ўлкани ўрганишга бағишланган асарлари унутилди. Ўлка билан бевосита шуғулланганлар миллатчиик тамғасига дучор бўлдилар.

1917 йилга қадар ўлкамизда ҳар хил фанларнинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келган анчагина маҳаллий кишилар фойдали қазилмалар топиш ва уларни таърифлаш, қадимги замон ёдгорликларини, осори-атиқаларни ўрганиш каби ишларни амалга оширганлар. Бундай ажойиб кишиларнинг номлари кейинчалик эсдан чиқариб юборилган. Масалан, ўлкамизда минерал бойликлар қидирган, қўрғошин ва феруза конларини топган хўжандлик Мулла Сангин, Чимкентда ўлкадаги биринчи рус-тузем

мактабини очишда фаоллик кўрсатган, Қўқон шаҳар мактабида ишлаган ҳамда «Туркистон вилоятининг газети»да масъул муҳаррирлик қилган, Туркистон муаллимлар семинариясида ўзбек ва форс тилларида дарс берган, 1876 йилда Петербургда ориенталистлар III халқаро конгрессида маъруза қилган, ўлкадаги туб жой аҳоли орасида дунёвий билимларнинг тарқалишига катта ҳисса қўшган Сатторхон Абдулғаффоров, ўзбек археологияси ривожига ҳам катта ҳисса қўшган, нумизматик коллекциялар тўплаган, ҳозиргача бой коллекцияси Давлат Эрмидажида тилга олинмаган самарқандлик Мирзо Бухорий, Мирзо Абдуллоларнинг номлари унутилди. Ваҳоланки, шу истеъдодлардан бири-ажойиб санъаткор, хаттот Мирзо Барот Мулло Қосимов Самарқанд ва унинг атрофларидаги кўпдан-кўп қадимги замон ёдгорликларининг расмини чизган, Улуғбек мадрасасининг ғоят аниқ чизмасини тайёрлаган эди.

Тарихий ўлкашунослик фанининг содиқ ташкилотчиларидан бири Ақромполвон Асқаров жуда ажойиб ёдгорликлар-Ўрта Осиёда энг қадимда зарб этилган танга-чақалардан 15 мингдан кўп коллекция тўплаган. Ақромполвон археология фанига кўрсатган хизматлари учун Рус археология жамиятининг нишони билан мукофотланган. У Тошкентда 1890 йилда очилган Туркистон қишлоқ хўжалиги ва саноати кўрғазмасига олий навли ғўза, пилла ва хом ипак, пилла қурти боқишда энг яхши нав деб топилган тут навларини қўйган.

Бухорода қадимги гиламлар, қўлёзмалар, нодир сопол идишлар тўплаган Муҳаммад Вафо жуда машҳур бўлган. Ҳаваскор-географлардан Олимхўжа Юнусов, Мирза Ҳаким ва бошқалар Рус география жамияти Туркистон бўлимининг жонкуяр ходимлари эди. Халқнинг олқишига сазавор бўлган мана шундай юзлаб ажойиб олимлар фаолияти, уларнинг асарлари ўрганилмай қолиб кетган. Шуниси ачинарлики, 1917 йилдан сўнг то ҳозирги кунимизгача ўлкашунослик фани ўлкамиз тарихини даврма-давр ўрганишдан иборат ўз вазифасини бажармай, кўпроқ Россиянинг Европа қисмидаги ўлкаларини ўрганиш билан машғул бўлиб келаверган.

Хуллас, 1917 йилдан сўнг, ўлкада ўлкашунослик фани кўпроқ марказдан андоза олган ҳолда ривожланди. Россиянинг марказий туманларига тегишли бўлган нашрлар кўпайди. Ўрта Осиёнинг асосий йирик шаҳарлари тарихи қисман ёритилади. Мактабларда ўлкашуносликка тегишли бўлган ишлар ўлка тарихидан четда қолиб кетаверди.

Мустақиллик шарофати билан ўлка тарихини ўрганишга янгидан эътибор берилди. Ўзбекистон тарихини ўрганиш маҳаллий хужжатлар, матбуот, архив материаллари, археологик, топонимик, этногенетик ва бошқа манбаларни чуқур ўрганиш билан чамбарчас боғлаб олиб бориши лозимлиги таъкидланади ва амалга оширилмоқда. Бу эса ўлка тарихига янгича ёндашишни тақозо этади. Бу йўлда олимларнинг янги ва илмий асарлари нашр юзини кўриши ўлка тарихига объектив баҳо беришини кун тартибига кўяди.

Таянч сўзлар

Ўлкани ўрганиш, тарихий ёдгорликлар, илмий ўлкашунослик, жамоат ўлкашунослиги, археологик ёдгорликлар, мактаб ўлкашунослиги, санъат ёдгорликлари, Туркистон халқ кутубхонаси, этнография, коллекция, топонимика.

Савол ва топшириқлар

1. Ўлка деганда нимани тушунасиз?
2. Ўлкашунослик фанининг асосий манбалари нималардан иборат?
3. Ўлкашунослик фани қандай ривожланиш босқичларини босиб ўтди?
4. Рус олимларининг 1917 йилгача олиб борган илмий изланишлари ҳақида нимани биласиз?
5. Рус шарқшунослигининг маҳаллий тарихчилигига таъсири қандай бўлган?
6. Ўлкани ўрганишда рус шарқшуносларининг ўрни ҳақида гапириб беринг?

2-Мавзу. Ўлкашунослик тарихини ўрганишда археологик тадқиқотларнинг ўрни ва роли

Режа:

1. Ўрта Осиёда археология фанининг вужудга келиши тарихидан.
2. Рус шарқшунослиги ва археология.
3. Ўзбекистонда археология фанининг вужудга келишида Я. Ғуломовнинг хизмати.
4. Ўлка тарихини ўрганишда археологик материаллардан фойдаланиш.
5. Фарғона водийсидаги археологик маданий ёдгорликлар ва уларни ўлкамиз тарихини ёритишдаги аҳамияти.

1. Ўрта Осиёда археология фанининг вужудга келиши тарихидан.
«Археология» сўзи латин тилидан олинган бўлиб «Архайос» - «қадимги», «Логос» - фан, яъни «қадимги даврни ўрганувчи фан» деган маънони билдиради. Археология ўлкашунослик ва тарих фанларининг асосий манбаларидан биридир.

Дунё халқларининг бир неча 100 минг йиллардан бери давом этиб келаётган тарихи бор. Лекин шу узоқ тарихий тараққиётнинг энг қадимги давридан, яъни эрамыздан аввалги IV-III минг йилликларда ёзма асарлар пайдо бўлган. Ундан аввал эса ёзув ва ёзма тарих бўлмаган.

Ёзув пайдо бўлгандан кейин ҳам кўпгина воқеалар ёзилмай қолган, подшоларнинг буйруқлари, руҳонийларнинг диний таълимотлари, ҳазиналарнинг ҳисоб китоблари ҳамда турли урушлар ҳақидаги ёзма асарлар эса ўз замонасининг ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларини, халқнинг машаққатини етарлича акс эттирмаган. Демак, қадимги шаҳар ва қишлоқлар қазиб кўрилганда, у ердан қадимги халқларнинг уй-жой қолдиқлари, меҳнат қуроллари, зеб-зийнат буюмлари, ибодатхона қолдиқлари топилади, бу нарсалар ёзма тарихдаги маълумотларга қараганда, ўша давр турмушини ҳар тарафлама ва аниқроқ ёритиб беришга ярайдир. Бундай ёдгорликлар буюмларни текширувчи фан археология бўлиб, у тарихчиликнинг муҳим бир

тармоғини ташкил этади. Археология-ибтидоий одамлар яшаган маконларни, синфий даврдан қолган шаҳар, қишлоқ ва мазорларни қазиб кўриб, тарихни аниқлайди.

Археологик илмий изланишларнинг бошланиши хорижий мамлакатларда XVIII асрга тўғри келади. Ана шу XVIII аср бошларида эраизмнинг 79 йилида Везувий вулканини отилиши натижасида фожиали ходисалар юз берган. Помпей ва Геркуланум шаҳарларида биринчи мартаба археологик қазилма ишлари олиб борилади ва илк бор 1600 йил илгари ҳалок бўлган одамларни ҳаётини акс эттирувчи манзара пайдо қилинди.

Шундан сўнг ўша замон олимлари кундалик турмуш тарзини акс эттирувчи буюмларни ўрганишнинг аҳамияти нақадар юқори эканлигини тушундилар. Археологлар қазилма усули билан иш кўрадилар. Айниқса ёзувлар пайдо бўлмасдан қадимги давр тарихини археологик қазилмаларда топилган буюмлар тўлдиради, археология қазилмасининг натижаси матбуотда кенг ёритилиб берилади. Археология фани ҳали бошқа фанларга қараганда ёш бўлишига қарамасдан, дунёда катта эътибор қозонган ва ҳаммани қизиқтирган фандир.

Ўрта Осиё ҳам қадимги Шарқнинг юксак маданият яратган ўчоқларидан бири бўлиб, бу ўлкада инсоният илк тош асрдан бошлаб яшаган. Ўлканинг турли жойларидан топилган моддий манбалар фикримизни тўлиқ тасдиқлайди.

Кенг кўламдаги археологик тадқиқот ишлари натижасида тоғ ва тоғ олди, водий ҳатто қорақум ва қизилқум чўлларида тош асри маконлари, манзилгохлари неолит ва бронза даври қишлоқлари, мазор қўрғонлар, илк темир ва феодал даври қишлоқлари, шаҳарлари, сув иншоотлари, муҳофаа деворларининг қолдиқлари ва улардан ўрин олган турли хилдаги моддий манбалар ҳамда турли даврларга оид қоятош расмлар кўплаб топилган.

Бу ўлка ҳудудидаги археологик ёдгорликлар хилма - хиллиги ва маданий қатламнинг бойлиги билан ажралиб туради. Археологик манбалар қуйидаги икки турга бўлинади:

1. Табиий манбалар (Палеозоология, палеоботаника) - инсон ва ҳайвон суяклари ва ўсимлик қолдиқлари геологик қатламлар бўлиб, уларни асосан антропологлар, зоологлар, ботаниклар ва геологлар ўрганадилар.

2. Инсон томонидан яратилган манбалар: меҳнат қуроллари, қурол-аслаҳалар, қулолчилик буюмлари, санъат ва зеб-зийнат буюмлари, қоятош расмлари, ёзма манбалар ва ҳ.к. Ёзма манбаларни ўрганиш билан асосан тарихчилар шуғуллансалар-да, археологлар кишилик ўтмишини ўрганишда моддий манбалар билан биргаликда ёзма манбаларга ҳам таяниб иш қўрадилар.

Археология фанида «ёдгорлик» ва «манба» иборалари кенг қўлланилиб, улар бир маънони англатувчи синоним сўзлардир. Шунинг учун одамлар яшаган барча турдаги манзилгоҳлар археологик ёдгорликлар деб аталади.

Ўрта Осиё халқларининг моддий маданий ёдгорликларини ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан, яъни ўлканинг чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг бошланди. Бу ўлкага турли касбдаги кишилар кела бошладилар. Улар орасида моддий ёдгорликларга қизиқувчи маҳаллий кишилар ҳам бор эди. В.В. Бартольд, В.А. Жуковский, Н.И. Веселовский каби шарқшунослар, ҳамда А.Л. Кун, В.Л. Вяткин, И.Т. Пословский, Н.П. Остроумов ва бошқаларнинг ўлка археологиясини ўрганишдаги хизматлари каттадир. Маҳаллий хаваскорлардан Ақром Асқаров, М. Мирмухаммедовларнинг ишлари ҳам диққатга сазовордир.

В.В. Бартольднинг бевосита раҳбарлиги ва таклифи билан 1895 йилда «Туркистон археология хаваскорлари тўғараги» тузилиб, унинг низоми тасдиқланди. Тўғарак тадқиқот ишларига жиддий эътибор қаратиб, дастлабки ютуқларга эришди. Лекин бу пайтда иш олиб борган олимлар ва хаваскорлар ишни мунтазам ташкил этмаган эдилар.

Ўрта Осиё археологиясига жиддий эътибор XX асрнинг 20 - йиллари охири ва 30 - йиллардан бошланди. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнг

археологик тадқиқот ишлари Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида кенг кўламда олиб борила бошланди.

Бу даврда Ўрта Осиё археологияси ривожланишида С.П. Толстов, М.Е. Массон, М.М. Дяконов, А.П. Окладников, М.М. Герасимов, В.Г. Григорьев, А.Ю. Якубовский, Я.Г. Ғуломов, М.П. Грязнов, А.Н. Бернштам, А.И. Тереножкин, Б.А. Латинин, А.М. Беленицкий, В.А. Шишкин, В.М. Массон, Б.А. Литвинский, Г.А. Пугаченкова, М.А. Итина каби археологларнинг фан олдидаги хизматлари бекиёсдир.

Кейинги 30 - 35 йил ичида Ўрта Осиё моддий маданиятини ўрганишда улкан ишларни амалга оширган археологлар гуруҳи етишиб чиқиб, улар жумласига А.А. Асқаров, А.Р. Муҳаммаджонов, Ў. Исломов, Л.И. Альбаум, Ю.Ф. Буряков, Р.Х. Сулаймонов, Н. Неъматов, В.А. Ранов, И. Ахроров, В.И. Сарианиди, О.К. Бердиев, М.Р. Қосимов, Т. Мирсоатов, Э.В. Ртвеладзе, М. Жўрақулов, А.С. Сагдуллаев, Ш.Р. Пидаев, З.И. Усмонова, Б. Турғунов, Т.Ш. Ширинов, Б.Х. Матбобоев ва бошқаларни киритиш мумкин. Буларнинг кўпчилиги ҳозирги пайтда ҳам Ўрта Осиёнинг ўтмиш тарихининг турли даврлари бўйича мунтазам тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Ўрта Осиё археологиясини ўрганиш ҳозирда яхши йўлга қўйилган. Бу ишлар билан махсус институтлар, университетлар, археология кафедралари, жойлардаги музейлар ҳамда улар билан ҳамкорликда чет эл институтлари ва университетлари шуғулланишмоқдалар. Буларнинг тадқиқотлари ўлка халқлари тарихини ўрганишда катта илмий аҳамият касб этмоқда.

2. Рус шарқшунослиги ва археология. Тарихий маълумотларга қараганда, тарихчилик Ўрта Осиёда жуда ҳам қадимдан бошланган. Хоразмлик машҳур олим Берунийнинг ёзишига кўра, араб истилочилари Ўрта Осиёдаги маҳаллий тил ва маҳаллий ёзувдаги асарларни ҳам йўқ қилиб, ёндириб юборганлар. Шу сабабли энг қадимги замонларда ёзилган асарлар сақланмаган. Минг йил давомида ёзилиб келинган тарихий асарлар жуда кўп,

Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Балъамийнинг «Тарих табари таржимаси» каби асарлари ёзилганига минг йилдан ошди.

Ўрта Осиёда археология фани, юқорида айтилганидек жуда ёш фан. XVIII асрда жаҳоннинг айрим илғор мамлакатларида бошланган археологик илмий изланишлар XIX асрга келиб бир мунча ривожланди. XX асрда эса айниқса тараққий этди.

Аммо бизнинг Ўрта Осиё ҳудудида, гарчи инсоният тарихини барча даврини акс эттирувчи ёдгорликлар кўп бўлишига қарамай, бу жараён суст даражада бўлди. Бунга сабаб, Россия империясини ҳам, совет мустамлакачилиги даврини ҳам, Ўрта Осиё республикаларига нисбатан мустамлакачилик сиёсатида бўлиши эди. XX асрнинг II-ярмига қадар Яҳё Ғуломовдан ташқари бирорта ҳам миллий мутахассис археолог йўқ эди. Ана шу сабабларга кўра Ўрта Осиё ҳудудида археологик изланишларни асосан рус олимлари олиб борар эди.

Рус шарқшуноси В.Н. Веселовский, В.Б. Григорьев, И. Каллаур, В.В. Бартольд ва бошқалар, шунингдек, ўзбек ҳаваскор археологлардан Ақром Полвон Асқаров (Ҳаваскор археологлардан бўлган Ақрам Асқаров Н.И. Веселовский ташкил қилган қазув-қидирув ишларида бевосита қатнашган, турли даврга оид тангаларни даври, зарб қилдирган подшонинг номларини жуда яхши билган. Фарғона, Сирдарё, Самарқанд ва Бухородаги экспедицияларда қатнашган. Ақрам Асқаровни бемалол биринчи ўзбек археологларидан эди, деб айтса бўлади. Рус шарқшунос олими Н.И. Веселовский Ақрам Асқаровга баҳо бериб «Агар Ақрам Асқаров бўлмаганда мен бунчалик муваффақиятларга эришмаган бўлар эдим» деб жуда юқори баҳолаган. 1887 йили «Рус археология жамияти» Ақрам Асқаровни «Археология ривожига қўшган ҳиссаси учун» кичик кумуш медали билан мукофотлайди) ва бошқалар ёдгорликларни тарих нуқтаи назаридан ўрганиш ишига ташаббусчи бўлдилар. В.Л.Вяткин қадимги воситаларни ўрганиш асосида расадхонани ўрнини аниқлади. 1908-1909 йилларда бу жой археологик йўл билан қазилган ва расадхонани ғилдирак шаклидаги

биносини курси, бинонинг бузилган ғишт ва нақшларини ҳамда расадхонани секстантидан бир қисми топилди. Бу тарих фани учун ўлкамиз тарихи учун жуда катта янгилик бўлди. Лекин шу жойда бир маълумотни айтиб ўтиш лозим. Улуғбек расадхонаси ўрнини В.Л. Вяткинга маҳаллий ҳаваскорлардан бири бўлган – нумизмат, самарқандлик ҳаттот Абу Саид Маҳсум XVI аср вақфномаларини ўрганиб туриб кўрсатиб берганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Ўрта Осиёни Амударё этакларида С.П. Толстов қадимги Хоразм алифбосини аниқлашга муваффақ бўлди. Шаҳар ва қалъаларда топилган маданий топилмалар маданиятимизни нақадар порлоқ бўлганидан далолат беради.

А. Якубовский Ўрта Осиёнинг ўрта асрларидаги энг муҳим шаҳарни ижтимоий топографиясини аниқлади. Ўрта Осиё археологиясини ўрганишда М.Е. Массон, Шишкин, А.П. Окладников, Я. Ғуломов асарлари катта аҳамиятга эга. Ибтидоий жамоа тузими даври одамзоднинг пайдо бўлгандан то мулкӣ жамият вужудга келишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Ижтимоий кишилиқ жамияти уч даврга бўлинади: *тош, бронза ва темир* асрлари бўлган. Ана шу даврлар бўйича босқичма-босқич даврларга оид маданий ёдгорликлар ҳам ҳудудимиздан кўплаб топила бошлади.

Агар Толстов неолит даврига оид маданий ёдгорлик топган бўлса, А.П. Окладников 1938 йил Сурхандарё вилояти, Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан, мустъе даври яъни ўрта палеолит даврига оид ёш боланинг суяк қолдиқлари билан бирга ўчоқ ўрни, меҳнат қуроллари, ҳайвон суяқларини топишга муваффақ бўлди.

1946 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Омонқўтон ғоридан ўрта палеолит даврига оид макон ҳамда тош қуроллари топилди. 1955 йилда Тошкент яқинидаги Шоим кўприк деган жойда ашелл (яъни илк палеолит) даври қуроллари билан бирга мусте (ўрта палеолит) даври қуроллари кўплаб топилди.

1954 йилларда Фарғона водийсининг Қайроқ кум чўлида ҳам бир неча ердан мустъе даврининг ашъелл даври тош қуроллари топилди. Бундай тош меҳнат қуроллари республикамизнинг яна бир неча еридан ҳам топилган. Бу топилмаларнинг ўлкамиз тарихини ўрганишимизда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Демак, Ўзбекистон ибтидоий тўдадан уруғчилик тузумига ўтиш босқичи бўлган мустъе даврида аҳоли ғорларда ва очик ерларда макон тутиб ҳаёт кечирганлар. Мустъе даврининг охирларига келиб ов қилинадиган қуролларнинг бир мунча яхшиланганлигини оловдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириши узок атрофдаги аҳоли билан маълум алоқа боғланиши натижасида маълум бир тоифа ўтроқ ҳолда яшаган бир гуруҳ кишилар ўртасида қон-қариндошлик муносабатлари бошланади. Болалар фақат онани таниган ва уруғ тепасида она турган. Бу давр тарих тили билан айтилганда уруғчилик шарт-шароитида ов ва балиқчилик маҳсулотлари кўпайиб борган, ғайри табиий қучлар ҳақида афсоналар тўкила бошланган.

Ўзбекистонда юқори палеолит даврининг деярли барча босқичлари манзилгоҳларидан дарак берувчи маконлар Тошкент яқинидаги Шоим кўприкдаги Бойсун тоғларида, Мачай ғорида, Амир Темур ғорида, Самарқанд маконларидан топилган. Улар ичида Шоим кўприк ва Мачай ғори ёдгорликлари ўша давр ҳаёти ҳақида яхши материаллар беради. Юқори палеолит даврига хос тош қуроллар Бухоро вилояти Учтут қишлоғи атрофида, Тошкент яқинидаги Бўзсув I ва Бўзсув II маконларида, Охангарон яқинидаги Кўлбулоқ маконида ва бошқа жойларда топилди.

Палеолит даври тамом бўлиб, мезолит даври бошланди. Мезолит ўрта тош даври бўлиб, бу даврда кишилар ўқ, ёйни кашф этдилар. Овчилик меҳнат қуролларини такомиллашуви натижасида осонлашди. Биринчи маротаба ит хонакилашди. Сурхондарё вилоятидаги Зараутсой бўйидаги «Зараутсой камар» деган бир тоғнинг камарида тошга қизил бўёқ билан солинган суръатлар топилган. Унда чодир ёпиниб, ўзига дум боғлаган ва ўқ, ёй кўтарган овчилар, ёввойи ҳайвонлар билан тасвирланган.

Республикамизда мезолит даври ёдгорликлари Бойсун туманидаги Мочай ғорида, Тошкент яқинидаги Қўшилиш деган жойда топилган. Фарғона водийсидан Обишир I-V маданий ёдгорликлари ҳам мезолит даврига мансубдир.

Неолит даврига келиб, асосан тошни силлиқлаш ва тешиш усуллари ихтиро қилинди. Бу даврни буюк ютуқларидан бири сопол идишлар қилиниши, тўқиш, тикиш, кулолчилик, деҳқончилик, чорвачиликни бошланиши бўлди. Неолит даври маданий ёдгорликлари: Калтаминор маданий қатлами, Учтут устахонаси, Жойтун манзилогҳини топилиши ўлкамиз тарихини ўрганишимизда жуда катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласи юзасидан ёзма манбаларни ўрганишга киришиш билан бирга археологик ёдгорликларини қазиб топишга ҳам жиддий эътибор берилга бошланди. Шунингдек, 1925-1930 йилларда Самарқандда В.Л. Вяткин, 1926-1928 йилларда Термизда А.А. Потаповлар, Фарғона водийсида, ҳамда 1932-1933 йилларда Наманган вилоятининг Учқўрғон тумани Норин дарёси бўйида электростанция қуриш тайёргалиги билан Санкт-Петербург археологларидан Б.А. Латинин Фарғона водийсининг шимолий-шарқий туманларида, Бухоро вилоятининг шарқий қисмларида, М.Е. Массон бошлиқ археологлар Охангарон водийсида жиддий археологик қидирув ишлари ўтказдилар.

3. Ўзбекистонда археология фанининг вужудга келишида академик Я. Ғуломовнинг хизмати. Ғуломов Яҳё Ғуломович (1908.1.5 - Тошкент - 1977.10.1) - тарихчи-археолог олим. Ўзбекистон ФА академиги (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1958), тарих фанлари доктори (1950), профессор (1955).

Атоқли олим ўзининг қисқа ва мазмундор ҳаётида тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги даражасига кўтарилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

1926 йилда Тошкентдаги Ўзбекистон эркалар билим юртини тамомлади, 1930 йили Самарқанддаги Педагогика академиясида 1931-32 йилларда Тошкент педагогика техникумида ўқитувчи бўлиб ишлади.

Илмга, тарихга чанқоқлигини сезган машхур ўлкашунос олим археолог В.Л. Вяткин уни ўзи раҳбарлик қилаётган кўхна Афросиёбда олиб бораётган казишмаларда иштирок этишга таклиф этди. Я. Ғуломов мустақил археологик тадқиқотларни илк бор 1936 йили қадимги Хоразм ерларидан бошлади. 1933-1940 йилларда Ўзбекистон қадимги давр ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитаси (Узкомстарис)да илмий ходим, сўнгра илмий котиб бўлиб ишлади. 1940-1943 йилларда собиқ СССР Фанлар Академияси Ўзбекистон бўлими тарих, тил ва адабиёт институти археология бўлими мудир ва 1943 йилдан Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих ва археология институтининг қадимги ва ўрта асрлар тарихи сектори мудир, институт директори вазифасини бажарувчи (1956-1959 йй.) бўлиб ишлади. «Хоразмнинг суғорилиш тарихи, қадимги замондан ҳозиргача» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. 4 томлик Ўзбекистон ССР тарихи, 2 томлик «Самарқанд тарихи» асарларини муаллифларидан.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мутахассисларнинг йўқлиги учун, ўлкамиз тарихини дастлаб рус олимлари томонидан тадқиқ қилиш бошланган эди. Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистон ҳудудида олиб борган рус олимларининг археологик тадқиқот ишларини ерли халқлар учун ўзига яраша ижобий томонлари бўлиши билан бир қаторда салбий томони ҳам мавжуд эди.

Ижобий томонларидан бири – ерли халқларнинг қадимий тарихини маълум даражада ёритилиши бўлсада, иккинчиси ерли миллий кадрлардан мутахассис археолог олимларни тайёрлашдаги ҳиссаларидир.

Салбий томонларидан бири – кўп ҳолларда рус олимларини Ўрта Осиё ёдгорликларини ўрганиш жараёнларида бу ердаги маданиятларни вужудга келишини четдан келган деб исботлашга уринишлари бўлса, иккинчиси бу бир неча минг йиллардан буён бизлар учун аجدодларимиздан мерос бўлиб

сақланиб келаётган ўтмиш маданиятимизни акс эттирувчи археологик топилмаларни Москва, Петербург шаҳарларига олиб кетишидир.

Ўрта Осиёдаги ҳар бир республика Россияга мустамлака экан, ўзининг миллий археологик олимларига эга бўлмай туриб, бу каби салбий оқибатларга барҳам бериб бўлмас эди. Буни ўз вақтида англаган биринчи ўзбек археологи ва ҳозирги кунда ўзбек археологиясини отаси даражасига кўтарилган академик Яхё Ғуломовнинг тинимсиз қилган саъйи ҳаракатлари туфайли Ўзбекистонда Фанлар Академиясининг тарих ва археология институтида ўзбек археологларидан ташкил топган, ўзига хос археология мактаби вужудга келди. Яхё Ғуломов ҳар қайси давр учун алоҳида мутахассис археолог етиштиришга киришди. Бу борада олим Петербург олимлари билан келишиб, 1960 - 1970 йиллар мобайнида А. Асқаров, Ў. Исломов, М. Қосимов, С. Рахимов, Р. Сулаймонов, Т. Мирсоатов кабиларни фан номзодлари қилиб чиқардилар.

1970 йил 1 октябрда Ўзбекистон Фанлар Академияси таркибида бутун Ўрта Осиёда ягона бўлган археология илмий текшириш институти ташкил топди. Институт жуда кенг кўламда ишлар олиб борди. Ёш мутахассислар ҳар бир давр тарихига оид илмий изланишлар, қазув ишлари олиб боришиб, ўлкамиз тарихини янги-янги маълумотлар билан бойитиб бордилар. Масалан: Ў. Исломов томонидан Фарғона водийсида Ҳайдаркондаги Сўхдан Селунғур ғорини ўрганилиши натижасида (1988 йил) инсоният тарихини ёши 1 млнга етказилди.

Т. Мирсоатовнинг Учтут жойларини қазиб ўрганилиш натижалари неолит даври меҳнат қуролларни ясаш устахоналарини очиб ўрганилиши, М. Қосимов томонидан Кўлбулоқ маданий ёдгорлик ва хоказолар. Академик Я Ғуломов «Хива шаҳрининг ёдгорликлари» (рус тилида, 1941 й.), «Қуйи Зарафшон водийсида ибтидоий маданият ва суғорма деҳқончилиқнинг пайдо бўлиши» (рус тилида) каби асарлар ёзган. «Ўзбекистон тарихи» (4 жилдли), «Самарканд тарихи» (2 жилдли), «Бухоро тарихи»нинг асосий муаллифларидан. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени билан

мукофотланган (2002). Республикада Ғуломов хотирасига бағишланган «Академик Я. Ғуломов ўқишлари»ни ўтказиш илмий анъанага айланган. Тошкентдаги кўчалардан бири ҳамда Ўзбекистон ФА Археология институтига Ғуломов номи қўйилган.

4. Ўлка тарихини ўрганишда археологик материаллардан фойдаланиш. Ўлка тарихини ўрганишда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, археология фанини рус олимлари томонидан Ўзбекистонга кириб келиши, қолаверса ерли миллий хаваскор археологларни яъни А.Асқаров, Турди Мирғиёсов ва бошқалар туфайли кейинчалик Я.Ғуломов бошчилигида ўзбек археологияси мактабини ташкил топиши натижасида ўлкамиз тарихини босқичма-босқич ўрганиш бошланди. Тош, бронза, темир даври, қадимги, ўрта асрлар тарихий ёдгорликлари очиб ўрганила бошланди.

Қадимги Хоразм ерларида, Ғарбий Бухоро чўлларида, иккинчи жаҳон уруши арафасида ўтказилган археологияга оид текширишлар бу масалага аниқлик киритди. Шу тариқа Амударё ва Зарафшон этакларида чўлга айланиб ётган катта майдонларда археологияга оид тадқиқотлар ўтказилган вақтда бу ерлар қадимги қалъалар, қишлоқлар ва шаҳарларнинг вайроналари билан улар ўртасидан ўтган қадимги суғориш каналлари излари билан тўла эканлиги бир мунча аниқланди.

Бундан 2100 йил бурун Ўрта Осиёга келиб кетган Хитой сайёҳи Чжан Цзяннинг маълумотларига кўра «Давон» деб аталган Фарғонада 70 га яқин катта ва кичик қалъалар, 300000 га яқин аҳоли бўлиб, бу ерда беда, узум етиштирилган ва йилқичлик кенг ривожланган. Фарғонанинг Чжан Цзян сафаридан кейинги даврда қандай бўлганлиги ҳақида ёзма маълумотлар йўқ, лекин археология бу ҳусусида кўп маълумотларни аниқлаб бераётир.

Кўпинча рус шарқшунослари Ўрта Осиёдаги қадимги маданиятни йўққа чиқариб, бу ерларда маданият фақат Эрон давлати таъсири остида вужудга келиб, кейинроқ Искандар Зулқарнайн истилоси ва умуман юнонлар ҳукмронлиги таъсирида тараққий этган, сўнгра яна ҳаробаликка юз тутиб, фақат араблар истилосидан сўнг ислом дини таъсирида яна кўтарилган деган

фикрни илгари сураp эдилар. Хоразмда, Фарбий Бухоро чўлларида ва умуман бутун Ўзбекистонда археология ёрдамида топилган нарсалар ва далиллар эса Фарбнинг бу уйдурмаларини фош қилиб ташлади.

Илгари Ўрта Осиёнинг маданий, сиёсий ва иқтисодий алоқалари ҳақидаги тарғибот фақат Эрон ҳамда Олд Осиё билан муносабат «Эрон таъсири» деган гаплардан нарига ўтмас эди. Хоразм ва Бухоро вилоятида ўтказилган археологияга оид қазилмалар Ўрта Осиё халқлари Россиянинг Марказий туманлари айниқса, Волга дарёсининг хавзасида бўлган давлатлар билан жуда қадимдан мунтазам алоқада бўлиб келганини кўрсатади. Далилий маълумотлар қадимдан бошланган бу алоқанинг илгари сурилгани ўрганилмай келганини кўрсатади.

Оташпарастлик зардўшт (зароастризм) диннинг ривожини Эронда эмас, Ўрта Осиёда бўлганлиги археологлар томонидан исботланди. Археолог Я. Гуломов 1936 йили Хоразмнинг Манғит туманидаги Қубба тоғ устида зардўштиларнинг қабристонини топди.

1933 йили Термиз туманида, Айритом деган жойда будда дини ибодатхонасининг харобаси топилган. Ибодатхонада будданинг ҳайкали ва бошқа ибодатхона қисмлари қаторида тошдан ясалган одам ҳайкаллари топилган. Ҳайкалларнинг қиёфасида, кийимларда Ҳиндистонга хос белгилар ёрқин бўлиб, бу санъат икки мамлакат орасидаги муносабатларнинг самарасидир.

II асрда Кушон давлати будда динини Ҳиндистондан Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонга тарқатиб, уни давлат дини даражасига кўтарган. III асрга келиб, қадимги даврнинг шаҳарлари харобаликка юз тутиб, иқтисодий ҳаёт асосан алоҳида воҳаларга, қишлоқларга кўчади. Ҳозир Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Фарғона водийсидаги ва бошқа кўплаб шаҳарлар атрофидаги суғориладиган ерларда баланд-баланд «Оқтепа»лар бор. Археологияга оид қазилмалар буларнинг ҳаммаси феодалларнинг ҳом ғиштдан солинган феодал кўшкларнинг харобасидан иборат бўлиб, «деҳқонлар» яшаб ўтган жойларнинг қолдиқлари эканлигини кўрсатади.

Академик Я. Ғуломовнинг кузатишлари буни яққол исботлади. Масалан: Хоразмда Тупроққалъа (IV аср) кўшкени қазихда у ердан «подшолар зали» деб аталган зал топилди. Профессор С.П. Толстов «Бу залда Хоразмда Африг хонадонига мансуб подшоларнинг ҳайкаллари ота-боболар руҳига сиғиниш тариқасида акс эттирилган» - деб айтади.

1937 йилдан то 1956 йилга қадар Бухородан 40 км ғарбдаги чўлда Варахша шаҳрининг харобалари топилган.

Тупроққалъа, Болаликтепа, Варахша, Фаёзтепа, Панжикентларда топилган расмларнинг санъати ва тасвирларининг бойлиги илк феодализм маданиятининг ўз замонасида анча ривож топганлигини ва мулкдорлик даврида анъанавий санъатнинг бу даврга келиб авж олганини тасдиқлайди.

Кенг кўламда республикамизда олиб бораётган археологияга оид тадқиқотлар туфайли Ўзбекистон археологиясининг деярли ҳамма даврларда: палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза ва темир даврлари ҳамда антик дунё ва ўрта асрларга оид текширишлар натижасида тўпланган бой ва қимматли моддий манба Ўзбекистон халқларининг қадимги тарихини ёритиш, имконини берибгина қолмай, балки ўрта асрлар тарихи, шунингдек шаҳарлар «ёшини» аниқлашга ҳам катта ёрдам берди.

Бу эса ўз-ўзидан ўлкамиз тарихини нақадар узоқ ўтмишга бориб тақалишини, ўлкашунослик фанини талабаларга ўтилаётганда археологик материалларни бениҳоя ўрни катталигини кўрсатади.

5. Фарғона водийсидаги археологик маданий ёдгорликлар ва уларни ўлкамиз тарихини ёритишдаги аҳамияти. Фарғона водийси Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби археологик ёдгорликларга бой ҳудуд ҳисобланади. Водийда олиб борилган тадқиқотлар натижасида илк палеолит давридан тортиб то ўрта асрларгача бўлган даврларга оид бир неча юзлаб археологик ёдгорликлар топиб ўрганилган. Бронза даври ва унинг сўнгги босқичларига келиб Фарғона водийси қадимги аҳолиси ўзига хос маданиятлар яратиб, тарихий-маданий жараёнларни янада фаоллаштирадilar. Ушбу ўзига хосликни ўтроқ ва дашт аҳолиси ўзаро

алоқаларида, моддий маданият буюмларида, турар жойлар қурилиши ва услубида, дафн этиш иншоотларида айниқса, кўпроқ кузатиш мумкин.

Олиб борилган тадқиқотларни қиёсий таҳлил қилиш асосида Фарғона водийси сўнгги бронза давридан антик давргача бўлган тарихий-маданий ҳаётида Чуст маданияти, Қайроққум маданияти ва Эйлатон маданияти каби босқичларга ажратилди. Ушбу лавҳада юқорида ажратилган археологик маданиятлар босқичларига нисбатан батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Чуст маданияти босқичи. Фарғона водийсининг илк темир даврига оид ўзига хос маданиятини Чуст маданияти деб аташни 1956 йилда Ю.А.Заднепровский таклиф этган эди. Қўлда ишланиб қизил ангоб қопланган ва айрим ҳолларда қора бўёқ билан сайқалланган сополлар Фарғона водийсининг каттагина ҳудудларига ёйилган Чуст маданияти учун хосдир.

Нақшли сополлар 1933-1934 йилларда Эйлатонда Б.А. Латинин томонидан топилган эди. Аммо ўша пайтда бу сополлар бронза даврига оид деб нотўғри талқин этилди. Кейинроқ Т.Г.Оболдуева (1939 й) Катта Фарғона канали қурилиши муносабати билан олиб борган кузатув ишлари натижасида айнан шунга ўхшаш кўплаб сопол намуналарини топди. Ушбу маданият ёдгорликларини тартибли ва ҳар томонлама ўрганиш 1950 йилда Помир-Фарғона комплекс экспедицияси томонидан бошланди. Хусусан, Чуст манзилгоҳида кенг қўламдаги тадқиқот ишлари олиб борилди. 1952 йилда эса Далварзин қўҳна шаҳри очилиб узоқ йиллар археологик тадқиқотлар олиб борилди. Ўша йилларда Фарғона водийсининг турли ҳудудларида кўп сонли янги манзилгоҳлар аниқланиб, бугунги кунда уларни сони 100га яқин ҳамда уларнинг ярмида стратиграфик шурф ва кичик қазишма ишлари ўтказилган.

Чуст маданиятига оид бронза меҳнат қуроллари орасида ўроқлар, искана, пичоқлар, бигиз, игналар бўлса, қурол-яроғлардан камон ўқи учлари ва найзалар бор. Ушбу маданиятга оид металл буюмлар уч гуруҳга ажратилади: 1) фақат Фарғона учунгина хос бўлган маҳаллий буюмлар; 2)

Фарғонадан жануби-ғарбий ҳудудларда (Жанубий Туркменистон, Эрон) жойлашган ерларда тарқалган буюмларга ўхшаш буюмлар; 3) бронза даври дашт маданияти буюмларига жуда ўхшаш буюмлар. Булар орасида сон жихатдан учинчи гуруҳга мансуб буюмлар кўпчиликини ташкил этиб, бу ҳолат Фарғонанинг дашт қабилалари билан узвий алоқаларидан далолат беради.

Қайроққум маданияти. Фарғонанинг бир-биридан анча жиддий фарқланувчи сўнгги бронза даври ёдгорликлари (манзилгоҳлар ва мазор-кўрғонлар) Қайроққум номи билан битта маданиятга бирлаштирилган. Аммо бу ёдгорликлар нафақат ҳудудий бирлик, балки кўпгина умумий белгилари билан ҳам бир-бирига яқиндир. Фарғона водийси ва унга қўшни бўлган ҳудудлардаги бронза даври дашт ёдгорликларини Қайроққум маданиятига ажратишни биринчи бўлиб 1956 йилда Б.А. Литвинский таклиф этди. Ҳозирги кунга қадар олиб борилган тадқиқотлар асосида ушбу маданиятнинг ривожланиш босқичлари, ёйилган ҳудудлари ва даврлаштириш масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш имкониятлари пайдо бўлди.

Қайроққум маданияти кўринишидаги ёдгорликларни тадқиқ этиш натижаси кўпгина илмий тадқиқотларда ўз аксини топган. Қайроққум маданиятига оид барча манзилгоҳлар Ғарбий Фарғонада жойлашган. Уларнинг деярли барчаси емирилиб кетган ёки ҳаддан ташқари вайрона ҳолатда бўлганлиги туфайли бугунги кунда бу манзилгоҳлардаги турар жой типлари ва ҳақиқий ўлчамлари ҳақида аниқ фикр айтиб бўлмайди. Бронза буюмлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган нисбатан кўп сонли топилмалар марказий гуруҳ манзилгоҳларидан топилган бўлиб, улардан энг каттаси (майдони 300 гектарга яқин) мил. авв. VII-IV асрларга ёки Фарғонанинг сўнгги бронза даври чегараларига хос бўлган маданиятга оиддир.

Эйлатон маданияти босқичи. Эйлатон маданиятини ўрганиш 1932 йилда Фарғона археологиясининг асосчиларидан бири Б.А. Латинин

томонидан Эйлатон қўхна шаҳрида тадқиқотлар олиб борилди. Аммо тадқиқотчи фаннинг ўша даврдаги ютуқлари нуқтаи назаридан қазилма топилмаларини анча қадимги давр, яъни мил. авв. III-II минг йилликлар билан белгилади. 1939 йилда Катта Фарғона канали қазилиши муносабати билан бу ҳудудларда тадқиқотлар олиб борган Т.Г.Оболдуева топилган археологик материалларни илк темир асри билан саналади.

1952 йилда Ю.А. Заднепровский Эйлатон қўхна шаҳрида қазилма ишлари олиб бориб, Эйлатон маданияти даврини аниқлади ва фанга бу тўғрисидаги илмий тушунчани киритди.

Фарғона водийсидан мил. авв. V-IV асрларга оид қўхна шаҳар харобалари Эйлатондан бошқа ҳозирча аниқланмаган. Мил. авв. IV-III асрларга оид маданий қатламлар Шўрабашат, Симтепа, Суфантепа, Пилолтепа, Қорақўрғон каби ёдгорликларнинг пастки қатламларида учрайди, холос.

Эйлатон шаҳар харобаси мил. авв. VI-III асрларга оид бўлиб, (маҳаллий аҳоли Шаҳри Хайбар деб ҳам атайди) – Андижон вилояти Избоскан туманининг Янгиқишлоқ фуқаролар йиғини Эйлатон маҳалласи яқинида жойлашган. Йирик шаҳар харобаси бўлмиш Эйлатон икки қисмдан иборат. Ташқи шаҳар майдони 200 гектар бўлиб, биринчи мудофаа девори билан ўралган. Унинг ичида 40 гектар жойда ички шаҳар бўлиб, у иккинчи мудофаа девори билан ўраб олинган.

Мудофаа деворлари кузатув миноралари билан мустаҳкамланган. Мудофаа деворларининг қалинлиги 4 метр, баландлиги 2,5 метрга боради. Кузатув миноралари ҳар 50-60 метрда жойлашган. Эйлатон ушбу давр учун ҳозирча маълум бўлган энг катта ёдгорлик бўлиб, археология фанида бутун бир маданият номини олган.

Антик даврга оид Мингтепа қўхна шаҳар харобаси Андижон вилояти Марҳамат тумани марказига тутшиб кетган, бугунги Марҳамат шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган ёдгорлик. Ёдгорлик мил. авв. 3 – милодий 5-асрларга мансуб бўлиб, Хитой ёзма манбаларида тилга олинган Қадимги

Даван давлатининг пойтахти Эрши шаҳри бўлганлиги кўпчилик археолог–тарихчилар томонидан (А. Бернштам, Ю. Заднепровский, Н. Горбунова, Б. Матбобоев) тан олинган. Олимларнинг бу хулосага келишининг сабаби Мингтепанинг майдони мураккаб ва мукаммал тузилган икки қатор мудофаа деворлари бўлган. Бундай ёдгорлик ушбу давр учун водийда ҳозирча маълум эмас. Археологик жиҳатдан Мингтепа ички ва ташқи шаҳарлардан иборат бўлиб, ҳозирда ички шаҳар (38 гектар) ни тўрт томондан қуршаган мудофаа девори сақланиб қолган. Мингтепадаги тепаликлар сони 52 та. Ички шаҳарнинг шимоли-ғарб томонидаги марказий тепаликнинг маданий қатлами 10 метрдан ортиқ. Энг қуйи қатлам мил. авв. 3-2 асрларга оиддир. Тепаликдан 5 метр қалинликдаги платформа (тагкурси) устида қурилган иншоот қолдиқлари чиққан. Мутахассисларнинг фикрича, бу тепалик шаҳар арки бўлган. Мингтепа мудофаа деворнинг ҳар 38-40 метр масофасида кузатув минораси ўрнатилиб, унинг узунлиги 18 метр, эни 9 метр, баландлиги 3-4 метрга етган. Кузатув минораларининг 4 таси марказий, камида 60 таси оралиқ кузатув миноралари ҳисобланади. Минора ўртасида шинаклар билан таъминланган хона жойлашиб, унда соқчилар яшаган. Буржларни ўзаро туташтириб турган мудофаа деворининг қалинлиги қуйи қисмида 7 метр, юқорида 4 метр, баландлиги 4 метрга етган. Бу ўлчамлардан келиб чиқиб, деворлар маҳобатини англаш мумкин. Девор ва бурж асосан яхши пиширилган пахса ва хом ғиштдан тикланган. Девор ташқарисида хандақлар қазилган.

XX асрнинг 50-йилларида тузилган режага кўра, Мингтепанинг ташқи мудофаа девори ҳам шундай мукаммал бўлган. Шундан бўлса керакки, бу шаҳарни мил. авв. 104 ва 101 йилларда Хитой армияси икки марта қамал қилиб ҳам қўлга кирита олмаган.

Мингтепа археологик ёдгорлиги 1940-50 йилларда А.Н. Бернштам, Ю.А. Заднепровский, кейинчалик (1990 йилларда) ЎзР ФА Археология институти Фарғона отряди (Б. Матбобоев) археологик текширув ишлари олиб борган.

Б. Матбобоев томонидан Фарғона водийсидаги бронза ва илк темир даври деҳқонларининг уй-жойлари чуқур таҳлил этилди, узоқ йиллар тадқиқотлари натижасида аниқланган турар-жойлар харобаларини ўрганиш натижаларини умумлаштирди. Шунингдек, кейинги йилларда Фарғона водийсининг шарқида яъни Андижон вилоятида Б.Матбобоев бошчилигидаги археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳисобларга кўра шаҳарда ҳозиргача қарийб 20 мавсумда археологик қазишма-кузатув ишлари олиб борилган. Масалан, айтиш мумкинки, Фарғона водийсидаги археологик ёдгорликлар жамият тараққиётида сезиларли таъсир ўтказган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўлиб ўтганлиги билан изоҳланади. Бу ўзгаришларни турли маданиятлар тараққий этишида кузатишимиз мумкин. Ўрганилган тарихий - археологик маданиятлар айрим жиҳатлари билан фарқланиб турсада кўп ҳолларда улар ўртасидаги ўхшашликлар сезилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Фарғона водийсидаги археологик ёдгорликлар жамият тараққиётида сезиларли таъсир ўтказган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўлиб ўтганлиги билан изоҳланади. Бу ўзгаришларни турли маданиятлар тараққий этишида кузатишимиз мумкин. Ўрганилган тарихий - археологик маданиятлар айрим жиҳатлари билан фарқланиб турсада кўп ҳолларда улар ўртасидаги ўхшашликлар сезилади.

Таянч сўзлар

Археология, Афросиёб, ибтидоий жамоа тузуми, мезолит, неолит, мустъе, питекантроп, синантроп, неандерталь, чоппер, она уруғи даври, ота уруғи даври, палеолит, пода, ашель, шель.

Савол ва топшириқлар

1. Археология қандай фан ва уни ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти?
2. Археология фани қандай ривожланиш босқичларига эга?
3. Ўзбекистонда археология фанини ривожланишига хисса қўшган олимлар кимлар?
4. Ўзбекистондаги неолит даври қолдиқлари ва уларнинг ўлкашуносликдаги аҳамияти?

5. Фарғона водийсидаги ибтидоий жамоага оид қандай археологик ёдгорликларни биласизми?

3-Мавзу. Антропологик ва этнологик маълумотларнинг ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти

Режа:

1. Антропология ва этнология фанлари, уларнинг вазифалари.
2. Ўзбекистоннинг қадимги одамлар яшаган ҳудуд эканлиги (Селунғур, Тешиктош, Самарқанд топилмалари).
3. Ўрта Осиёдаги этник гуруҳлар (сўғдлар, бактрияликлар, хоразмликлар, сак ва массагетлар) тўғрисидаги дастлабки ёзма маълумотлар.
4. Ўзбек халқи тўғрисидаги этнографияга оид илк маълумотлар.
5. Ўрта асрлар даври тарихи этнографик маълумотлари.
6. XIX-XX асрлар маданиятини ўрганишда этнография фанининг роли.

1. Антропология ва этнология фанлари, уларнинг вазифалари.

Халқларнинг келиб чиқиши, турли ҳудудларда жойлашиши, уларнинг ўзига хос моддий ва маънавий маданияти, халқларнинг бир-бири билан тарихий-маданий муносабати, турмуш тарзи ва тараққиётини этнография, этногенез ва этник тарих фани ўрганади.

Этнология юнунча сўз бўлиб, «Этнос» - халқ, «логос» - фан, яъни «Халқларни ўрганувчи фан» ёки «Халқшунослик», умумлаштирилганда эса, халқларнинг турмуш тарзи ва маданиятини ўрганувчи фан деган маънони англатади.

Баъзи мамлакатларда шу маънода «Этнология» атамаси билан бир қаторда «Маданий антропология» ва «Халқшунослик» номлари ҳам учрайди. Этнография сўзи ҳам латин тилидан олинган бўлиб, «Этнос»-халқ, «стафос»-таъриф деган маънони англатади.

Айрим хорижий олимлар этнографияни таърифловчи фан, этнологияни эса назарий фан, деб изоҳлашга уринадилар. Яқинда рус этнографияси ҳам этнология номига алмаштирилди. Шунинг учун ҳозиргача этнография фанининг яқдиллик билан қабул қилинган таърифи йўқ. Шундай бўлсада шубҳасиз, бу фан жаҳондаги барча халқларни, катта-кичиклиги, ирқи, ижтимоий тузими, қалок, ёки ривожланган бўлишидан қатъий назар тенг, баб-баравар ўрганувчи муҳим тарихий илм соҳаси ҳисобланади. Этнология

дастлаб юқорида таъкидланганидек, ҳозирги этносларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, жойлашиши ва этник тузилиши, машғулот, маданий-тарихий муносабатлари, моддий ва маиший турмуши, маънавий маданияти ва миллий хусусиятларини тарихий жараён билан боғлиқ ҳолда ўрганади.

Этнография – дунё халқлари маданиятини маиший ҳаётини келиб чиқиши ва маданияти тарихини, ўзаро алоқа ва муносабатларини ўзгартирувчи тарихий фандир.

Халқ ва элатлар дастлаб қулдорлик тузуми даврида келиб чиқиб, тили яқин бўлган бир неча қабилаларнинг бирикиши, босқинчилик юришлари туфайли аралашиб кетиши, бир жойдан иккинчи жойга кўчиши натижасида шакллана бошлаган. Одатда халқлар иқтисодий социал ва маданий жиҳатлардан энг кучли ва ривожланган кўп сонли этнослар доирасида муайян иқтисодий-ҳудудий ва тил умумийлиги негизида пайдо бўлди.

Этнографик билимлар ҳам асрлар давомида тўпланиб келган ниҳоятда бой маълумотларни ўзлаштириб, муайян хулосалар ва назариялар, дунёқарашлар системаси ва йўналишлар ҳосил қилди. Натижада XIX аср ўрталарига келиб мустақил фан соҳаси-этнография туғилишига зарур шарт-шароитлар яратилган эди.

XIX асрнинг 60-70 йилларда янги фан-этнография билан боғлиқ равишда пайдо бўлган турли жамиятлар ва журналлар билан бир қаторда ҳар хил касбдаги кишилар томонидан яратилган ажойиб тадқиқотлар этнография илм соҳаси эканлигини тўлиқ тасдиқлади.

Атоқли тадқиқотчилардан германиялик Адольф Бастион, Геодор Вайтс, Юлиус Липперт, англиялик Джон Фергюссон, Мак Леннан, Жон Леббок, Эдурад Тейлор, француз Шарл Летерпо, америкалик Люс Генри Маргон қабилаларнинг кўп томлик асарлари этнография фани қонуний равишда туғилганлигини исботловчи далиллар эди.

Этнография терминини дастлаб, XVII аср бошларида немис ёзувчиси Иоган Зуммер ишлатган, кейин XVIII аср охирларида ва 1808 йилда махсус журналлар шу ном билан чиқа бошлади. Этнография сўзи машҳур француз

табиатшуноси ва физик олими Жон-Жак Ампер томонидан 1830 йилда таклиф қилинган эди.

Россияда «этнография» термини дастлаб XIX аср бошларидан бошланиб қўллана бошлаган, кейин расмий равишда янги фан деб топилган. Буни машхур рус география жамиятининг этнография бўлими очилиши тасдиқлайди.

Этнография фани тарихий фанлар айниқса, археология, антропология, география ва лингвистика билан бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари у ёзма манбалар, географик ҳужжатлар, моддий ва маънавий материаллардан ҳам фойдаланади. Мана шу хусусиятлари билан этнография бошқа фанлардан фарқ қилади. Инсон ақл заковати ва ҳулқи билан яратилган ҳамма нарса маданият этнографиясидир. Маданият ўз навбатида иккига бўлинади:

1. Моддий маданият.
2. Маънавий маданият.

Этнография фани фақат моддий маданият билан маънавий маданият ўртасидаги асосий фарқларинигина ўрганиб қолмай, улар ўртасидаги ўхшашлик, умумий қонуниятларни ҳам ўрганади.

Бу қонуниятларни тадқиқ қилиш эса, инсониятнинг умумий тарихий тараққиёти қонунларини билиш имкониятини беради. Этнографлар олдида турган кенг ва ҳилма хил масалалар этнография фанини бошқа яқин фан соҳалари билан узвий боғлабгина қолмай, унинг ўзини ҳам бир қатор ихтисосликларга бўлиб юборади:

1. Хўжалик ва техника тарихи;
2. Халқ меъморчилиги ва тасвирий санъат;
3. Урф-одатлар ва маросимлар;
4. Этник оилавий тузум;
5. Кийим-кечак ва уй рўзгор;
6. Ижтимоий ва маиший турмуш ихтисослари ва ҳоказолар.

Ўлка тарихини ўрганишда антропологиянинг ўрни беқиёсдир. Антропология - одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, одамзод ирқларининг

пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги нормал фарқ-тафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан. Антропология ижтимоий фанларга жуда яқин турадиган биология соҳасидир.

Антропологияга доир фикрлар бундан бир неча минг йил илгари пайдо бўлганига қарамай, у фан сифатида фақат XIX асрнинг 2-ярмидан шакллана бошлади. Антропологиянинг муҳим соҳаси - одам организмининг тузилиши ва ривожланишига таъсир қиладиган физиологик, биокимёвий ва генетик омилларни ўрганадиган бўлими - «Одам биологияси» дегам умумий ном билан XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ривожланди. Одамнинг пайдо бўлишида фақат табиат оламининг қонуниятларигина эмас, балки ижтимоий омиллар ҳам муҳим роль ўйнаган. Одам пайдо бўлгандан ҳозирги ҳолатигача унинг бутун ҳаёти ижтимоий жамиятнинг ривожланиш қонунияти билан чамбарчас боғланган. Антропологиянинг фан бўлиб ривожланишида табиат ва жамият тўғрисидаги фанлар ижобий роль ўйнади. Замонавий фан нуқтаи назаридан айтганда, антропология қуйида-ги учта катта бўлимдан иборат: 1) одам морфологияси; 2) *антропогенез*; 3) ирқшунослик (этник антропология.). Морфология одамнинг жисмоний тузилишидаги белгиларнинг ёш, жинс, касб ва ташқи шароитга қараб ўзгаришини тушунтириб беради. Ирқшунослик одамзод ирқларининг келиб чиқиш даври ва сабабларини, уларнинг Ер юзига тарқалишини изоҳлаб, *этногенез* муаммоларини ечишга ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Антропология ўзининг турлича текшириш усуллариغا (антропометрия, остеометрия, краниометрия) ва кўп хил асбобларига эга. Антропология биология фанининг фақат назарий соҳаси бўлибгина қолмай, амалий аҳамиятга эга бўлган соҳаси ҳамдир. Унинг далилларида кўп соҳаларда, жумладан тиббиётнинг ҳар хил соҳаларида (масалан, одамнинг жисмоний ўсишини ўрганишда), шунингдек, суд экспертизасида фойдаланилади.

Туркистон ўзининг географик ўрнига кўра узоқ ўтмишда мураккаб ирқий ва этник жараёнларни бошидан кечирган, шунингдек қўшни халқларнинг ҳам тарихий тақдирларини белгилаб беришда катта роль

ўйнаган. Бу ўлка, хусусан Ўзбекистон халқларини антропологик жиҳатдан ўрганиш 20-йилларда ривожланди. Бу ишда Ўрта Осиё давлат университети антропология кафедраси асосчиси ва доимий раҳбари Л.В. Ошаниннинг хизмати катта бўлди. Унинг раҳбарлигида Туркистон бўйлаб 29 та антропологик экспедициялар уюштирилди. Л.В. Ошанин ва унинг шогирдлари (В.Я. Зезенкова, Қ.Н. Нажимов)нинг саъй-ҳаракатлари натижасида Туркистон антропологик жиҳатидан 3 вилоятга ажратилди. Амударё ва Сирдарё оралиғида яшовчи ўзбеклар ва тожиклар ер юзидаги мавжуд уч иркнинг (европеоид, негроид ва монголоид) бири - европеоид иркининг «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»га мансуб деб топилди. Москвалик антрополог А.И. Ярхо бу иркни «Помир-Фарғона типи» деб атади. Фарғона водийсидаги Селунғур ва Сурхондарёдаги Тешиктош ғорларидан топилган қадимги аجدодларимиз қолдиқлари туфайли Ўзбекистон Африка ва Олд Осиё ҳудудлари билан бир қаторда, ҳозирги замон одамларининг пайдо бўлиши жараёни юз берган ҳудудлар таркибига киритилди ва бу хулоса фанда узил-кесил исботланган.

Сополлитепадан топилган жез даври одамлари бош суякларининг реконструкцияси (Т. Хўжайов) яқингача ягона фикр йўқ эди. Бир гуруҳ олимлар бу ирқий тип бундан 6 - 8 минг йил илгари шаклланди деса, бошқа бир гуруҳ мутахассислар бу воқеа бундан 3 минг йил илгари содир бўлди дейишди. Учинчи гуруҳ олимлари эса уни XVI асрда шаклланди деб ҳисоблар эдилар. Ўзбек антропологлари (Т. Хўжайов)нинг узоқ йиллик изланишлари натижасида, жуда бой антропологик материаллар асосида бу тип бундан 2200 - 2300 йил илгари шакллана бошлаганлигини исботладилар.

2. Ўзбекистоннинг қадимги одамлар яшаган ҳудуд эканлиги (Селунғур, Тешиктош, Самарқанд топилмалари). Шуни айтиш керакки, ўтган асримизни II ярмидан бошлаб, айниқса, унинг охириги чорагида Ўрта Осиёдаги республикаларнинг миллий кадрлардан ташкил топган мутахассисларни илмий изланишлари натижасида Ўрта Осиё ҳудудларида 300 дан ортиқ, ўрта палеолитта, яъни мустье даврига мансуб неандертал одамларни меҳнат қуроллари

ва маконлари борлиги аниқланди. Бу борада Ўзбекистон Республикасида Археология институтининг ташкил топгани ва унда мутахассис археолог олимларни жамлангани туфайли, у бош ролни ўйнади. Фақат, Тошкент воҳасининг ўзидагина 30 дан ортиқ мустъе ёдгорликлари топилди ва мукаммал равишда ўрганилди. Аммо, Ўрта Осиёдаги 300 дан ортиқ мустъе ёдгорликлари орасида Тешиктош ғорида яшаган неандертал одамларнинг макони ўзининг қадимийлиги ва археологик материалларини бойлиги билан ҳамон ўз ҳукмронлигини давом эттириб келмоқда. Ҳақиқатдан ҳам Тешиктош ғоридан топилган археологик топилмалар ҳозиргача жуда катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Фақат тошдан ясалган меҳнат қуролларининг сони 339 та бўлиб, уларнинг чиқиндилари 3000 тага етади.

Тешиктошдан топилган меҳнат қуролларини аксарияти қирқувчи ва тарашловчи вазифаларни бажарганлар. Бу меҳнат қуроллари орасида ўрта палеолитни неандертал одамларига хос бўлган рапидасимон нуклеуслар (ўзаклар) бир нечта нусхада бўлиб, уларнинг диаметри 10-15 см бўлган. Бу каби ўзаклардан неандертал одамлари отбойник (вазни 300 гр 0,5 кг бўлган қайроқ тошлар) ёрдамида учбурчаксимон учириндилар учириб олинган. Учириб олинган учириндилар ўткир қирраларга эга бўлиб, улардан териларга ишлов бериш, ёғочларни кесиш, рандалаш каби ишларда фойдаланганлар. Мустъе маданиятига яъни, неандерталларга хос бўлган бўлган бундай меҳнат қуроллари Тешиктошдан бошқа ҳеч қаерда ҳозиргача бунчалик кўп топилмаган. Тешиктошда топилган топилмаларнинг энг қимматлиси бу Тешиктош неандертал одамининг суяк қолдиқларидир»

Булар асосан, калла суяги, елка ва ўнг сон суягининг парчалари, йўғон болдир суяги ва деярли сақланиб қолган иккала кичик болдир суяги, диафизи ҳамда умуртқа поғонасининг баъзи бўлакларидир. А.П.Окладников томонидан топилган ва мукаммал равишда ўрганилган Тешиктош ёдгорлигини муҳим аҳамиятларидан яна бири шундаки, неандертал болани кўмилган қабрини ўраб, санчилган тоғ эчкиси шохларининг топилганлигидир. А.П.Окладниковнинг хулосасига кўра, аждодларимизда кўмиш маросимини ўрта палеолит яъни, неандерталлар замонида келиб пайдо бўлганини тасдиқлайди. Кўмиш маросимидан далолат берувчи бу каби

ёдгорликлар жаҳоннинг бошқа жойларида ҳам топилган бўлсада, қабрларни эчки шохлари билан ўраб қўйиш яъни, нимагадир ишониш, эътиқод қилишни акс эттирадиган неандерталларга хос ёдгорликлар бизнинг Ўзбекистонимиздан бошқа жаҳоннинг ҳеч бир ерида топилиши йўқ. Шунинг учун ер юзиде эътиқод қилиш, биринчи бўлиб бизнинг аجدодларимизда пайдо бўлган десак бўлаверади.

Тешиктош ғоридан топилган одамнинг суяк қолдиқлари антропологларда ўз вақтида жуда катта қизиқиш уйғотган. Антрополог хулосаларига кўра неандертал боланинг бош суягини ҳажми 1490 3 см бўлиб, уни қопқоғи питеконтроп ва синантропникидан анча баландроқ бўлган. (Дебец 1940), (Гремяций 1949). Тешиктош ғорининг неандертал одамнинг суяк қолдиқларини ўрганишга қизиқиш антропологлар томонидан 1970 йилларда ҳам давом этди. Таниқли антрополог олим академик В.А. Алексеевни антропология фанини кейинги ютуқларига таянган ҳолда Тешиктош одамни такрорий ўрганишнинг натижалари, бу неандертал одамни суяк қолдиқлари, илгари айтилганидек 8 яшар ўғил болани суяк қолдиқлари бўлмай балки, аёл кишиники бўлиб, уни инсон эволюциясининг неандертал вазифасига мансуб ва Европа ёки Олд Осиё гуруҳига киришини кўрсатди.

Юқоридаги айтилган фикрларга хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, ер шариде яшовчи барча халқлар ўзларининг тарихий тараққиёт йўллариде неандертал одамни босқичини ўз бошидан кечириб ўтганлар. Ҳеч қандай олий ирқ ёки паст ирқ бўлмаган. Дунёнинг кўп жойларида бўлгани каби Ўрта Осиёда ҳам неандертал яшаганлар. 1938 йилда А.П.Окладников томонидан Тешиктош одамни топилишининг буюк аҳамиятларидан яна бири шу бўлдики, Ўрта Осиёда инсониятнинг қадимдан, яъни 80-100 минг йиллардан бери яшаб келганликларини исботлаб берди. Илгари бизга маълум бўлмаган аجدодларимизни ўрта палеолит тарихининг саҳифалари ҳар томонлама далилли ашёларга суянилан ҳолда ёритилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди. Бундай ҳолат нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё халқларининг қалбларини фахр-ифтихор ва ғурурга тўлдирди. Шундай бўлиши табиий эди. Чунки бу билан Ўрта Осиё халқлари тарихини минг асрга тенг эканлигини исботланган эди. Аммо, бу ҳол она

халқимизни илк тарихи ҳақидаги охирги сўз эмас эди. Орадан йиллар ўтиб, ўз миллий кадрларимиздан етишиб чиққан мутахассис археолог олимларимизни тинимсиз изланишлари ва уларни она- Ватанимиз тарихига алоҳида меҳр-муҳаббат туйғулари билан қарашлари туфайли аجدодларимиз тарихи археологик маълумотларга суянган ҳолда 100 минг йилдан 1 млн йилга етказилди.

Бундай улкан ютуқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, тарих фанлари доктори археолог олим Ў. Исломовнинг Фарғона водийсининг Селунғур ғоридан топилган энг қадимги аجدодларимизнинг маконида узоқ йиллар давомида археологик қазиш ишларини олиб бориши натижасида қўлга киритилди. Ўзининг археологик топилмалари туфайли жуда катта тарихий аҳамиятга молик бўлган бу ёдгорликда Ў. Исломовнинг устози бўлган академик А.П. Окладников уч маротаба яъни, 1955, 1960, 1964 йилларда бўлиб, шу Селунғур ғорини ўнг томонида бу маконни қайси даврга мансуб эканлигини аниқлаш мақсадида текширув шурфини солган эди.

Натижада, биринчи маротаба бу ғорда бир неча учириндилар топилиб, улар палеолитни сўнгги даври ҳисобланган. Юқори палеолитга мансуб деб топилган эди. А.П. Окладниковдан сўнг Ҳайдархон атрофларида қадимги аجدодларимизни илк бор ўрнашганликлари тарихи билан Я.Ғ. Ғуломов бошчилигидаги Фарғона палеолит гуруҳи катта ишларни қилди.

1960 йилларда бу гуруҳ томонидан мезолит даврига оид Обишир I ва V топилди. Булардан ташқари 28 та ғор кўриб чиқилди. 1980 йиллардан бошлаб, Ў. Исломов бошчилигидаги ЎзР ФА га қарашли археология институтининг палеолит гуруҳи Селунғур ғорида қазиш ишларини олиб борди, фақат Ўзбекистонимиз учун балки, бутун Ўрта Осиё республикалари учун улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган қатор янгиликлар яратилди.

Шуни айтиш жоизки, сўнгги йилларда жаҳондаги кўзга кўринган таниқли археолог олимларимизнинг кўпчилиги одамни пайдо бўлиши ва уни тарқалишидек ғоят муҳим ва юксак аҳамиятга молик бўлган муаммони ҳал қилишга астойдил киришдилар. Гарчи, бу масала билан XX асрнинг 60-йилларида назарий жиҳатдан

ёндошилган бўлса ҳам ҳозирги кунлардагидек, амалий жиҳатдан таҳлил этилмаган эди.

Шунинг учун ҳам 1970 йилларга қадар барча дарсликларда ва илмий рисолаларда ер юзида одамнинг пайдо бўлиши бир 1 миллион йилга тенг деган фикр тўла ҳукмрон бўлиб келган эди. Бундай фикрни юзага келишига асосий сабаб, Францияни Шелль ва ашелль манзилгоҳлари топилган инсониятнинг қадимги аجدодлари ҳисобланган архантропларни (архантроплар дейилганда қуйи палеолит даврида яшаб ўтган одам зотини аجدодлари тушунилади) меҳнат қуролларини кўплаб топилиши бўлган эди. Бундай меҳнат қуролларини археология фанида «Ручное рубило» (қўл чопқиси) дейилган. Бу хилдаги қўл чопқиларини археологлар бодом ва юрак шаклига қиёслаб, серцевидное, миндалевидное орудия деб атаганлар. Чунки, уларнинг ташқи кўринишлари ҳақиқатдан ҳам бодомсифат ва юраксифат бўлган.

1960 йилларга қадар археологлар бу қўл чопқиларини хронологик жиҳатдан икки даврга: Шелль ва ашелль даврига бўлганлар. Шелль даврига оид қўл чопқиларини 800 - минг йилдан 500 минг йилгача, ашеллга оидларини 500 мингдан 80-100 минг йилгача яъни мустъегача бўлган давр билан белгилаганлар. Бу хилдаги қадимий меҳнат қуролларини даврларга бўлганларида археологлар кўпроқ уларнинг вазнига эътибор берганлар. Шелль қуролларининг вазнлари 0,5 кг дан 1 кг гача бўлса, Ашелль қуролларининг вазни 0,5 кг дан 300 гр гача бўлган. Аммо уларнинг ясаиш техникалари асосан бир хил бўлган. Бу борада жуда узоқ йиллар давомида тажриба ишларини олиб борганлар. С.А.Семенов (Семенов, 1964)нинг фикрига кўра ибтидоий одамлар шелль ва ашелль хилдаги қўл чопқиларини яшашларидан олдин, ана шу қуролларини ясаиши учун қулай шаклга эга бўлган тош парчаларини танлаганлар. Бундай тош парчалари кўп ҳолатларда япалоқроқ қиёфага эга бўлганлар. Чунки бу хилдаги хом ашёларнинг ён томонларидан тош болталар ёрдамида уриб, учириб ишлов бериш анча қулай бўлган (тош болға деганда оғирлиги 0,5 кг дан ошмаган оддий қайроқ тош тушунилади).

Рус тилида бу тош болғалар отбойниклар дейилади. Бу хилдаги отбойниклар ёрдамида нафақат қўл чопқиларини ясашда балки, тош ўзакларидан зарб билан

уруш натижасида турли ҳажмдаги учириндиларни олишда ҳам кенг миқёсда фойдаланганлар. Шелль ва Ашелль даврида пайдо бўлган меҳнат қуролларини қўл чопқилари дейишларига сабаб ана шу меҳнат қуролларини бир томони бодомникига ўхшаб, тўмтоқ аммо қўл билан ушлаш учун қулай бўлган. Иккинчи, карама-қарши томони эса, ўткир учли бўлиб, бу томони кесиш, чопиш, қовлаш каби вазифаларни бажарган. Бу меҳнат қуроллардан кундалик ишларини бажарилишида, одамнинг қўли даста ролини ҳам бажарган.

Шунинг учун ҳам археологлар уларни қўл чопқилари деб аташган. Бу қўл чопқиларининг пайдо бўлиши 800 минг йил билан белгиланган бўлсада, уларни бир миллион йил деб фанга киритилишининг сабаби, яна булардан кўра қадимийроқ даврга эга бўлган ёдгорлик топилиб қолиши мумкин, деган мулоҳаза бўлган. Бундай хулосаларга келинган ўша даврда ҳам Африка қитъаси мукаммал даражада ўрганилмаган эди. Шунинг учун ҳам бутун ер шарида инсон тарихи бир миллион йил билан белгиланган эди. Аммо, сўнгги йиллардаги англиялик археолог олимлар томонидан Африка қитъасини аниқроғи, Эфиопия мамлакатининг Вест-Гона ёдгорлигини ўрганилиши бу макон архантропларининг суяк қолдиқлари ҳамда меҳнат қуроллари тарихини яъни, инсон тарихини уч миллион йил билан белгилади. Бизнинг Ўрта Осиё ҳудудимизда Тешиктош ғоридан сўнг узок йиллар давомида ундан кўра қадимийроқ археологик ёдгорлик топилмагани туфайли инсон тарихи 80-100 минг йилдан нарига ўтмай қолаверди. Аммо Тешиктош ғори топилганидан сўнг 50 йил ўтгандан сўнг Ў.Исломов томонидан Селунғур ғорини мукаммал даражада ўрганилиши нафақат Ўзбекистонимиз, балки бутун Ўрта Осиё халқлари учун жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳудудда инсон тарихи 80-100 минг йилдан 1-1,2 миллионга узайтирилди.

Тешиктош ғоридан кўра, қадимийроқ ёдгорликни узок йиллар давомида топилмагани сабабли, Ўрта Осиёдаги мустъе даври одамларини келиб чиқишларини кўпроқ Олд Осиёга боғловчилар пайдо бўла бошлади. Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадқиқотчиларнинг кўпчилиги, айниқса, Ўрта Осиё ҳудудида археологик ишларни олиб борган рус археологлари ҳар қандай маданиятни ўрганар эканлар, албатта уни узлуксиз равишда ривожланиб боришига

шубҳа билан қараб, у ёки, бу маданиятни четдан кўпинча Олд Осиёдан келишганини исботлашга уринадилар. Ў.Исломовнинг 1980 йилдан 1988 йилгача Селунғур ғорида олиб борган археологик ишларини энг қимматли томонларидан бири шундаки, ҳозирги кунда Ўрта Осиё ҳудудида яшаб келаётган халқларимиз тарихни қадимий илдишларини умумийлигини, узлуксиз равишда тараққий этиб келганлар, Тешиктош одамлари Олд Осиёдан келиб қолган келгиндиларнинг авлодлари эмаслигини балки, азалдан шу Ўрта Осиё ҳудудида пайдо бўлган архантроплар, аниқроғи, Фергантроплар авлодлари эканликларини археологик ашёлар асосида исботлаб берилиши бўлди.

Селунғур ғори Фарғона шаҳридан тахминан жануби-ғарбда Ҳайдарконининг ғарбий чеккасида жойлашган бўлиб, бу улкан ғорнинг ичкари томон узунлиги 120 , энининг кенглиги 34, баландлиги эса 25 метрни ташкил этиди. Ғарбда Ў.Исломов томонидан ўртача қалинликлари 20-40 см дан иборат 5 та маданий қатламлар аниқланган. Бу 5 та маданий қатламларнинг ҳар бири биронта ҳам археологик топилмага эга бўлмаган тоза табиий қатламлар билан ажратилган ҳолда сақланган.

Бу табиий қатламларнинг қалинлиги 30 см дан 1 метргача бўлиб, ўртача қалинлиги 60-70 смни ташкил қилади. Демак мазкур ғордан аждодларимиз ўз маконларини 5 маротаба узоқ вақт мобайнида тарқ этиб яшаганлар. Бундай фикрни тўғри эканлигини ғордаги 5 та маданий қатлам билан бирга 5 та табиий қатламларнинг мавжудлиги ўз-ўзидан тасдиқлайди. Бу маданий қатламлардан топилган тошдан ясалган меҳнат қуроллари: кўл чопқиси, тўмтоқ болталар, пичоқсимон қуроллар, кўплаб қуроллар, қуш тумшуғига ўхшаш қуроллар қазиб олинди.

Буларнинг барчаси табиий жинс парчалари ва синиқлардан тайёрланганликлари аниқланди. Селунғур топилмалари орасида ўша замон ҳайвонларининг суяк қолдиқларини айниқса одам архантроп қолдиқларининг бой коллекциясини топилиши бу ёдгорликнинг янада қимматини оширди.

Чунки бундай ҳолат Ўрта Осиё ҳудудида кузатилмаган янгиликлардан бири ҳисобланади. Селунғурнинг 5-қатламида топилган кўл чопқиси, бошқалари орасида ўзига хос хусусиятлари, яъни айнан ашелль кўл чопқиларини ёрқин ифодаловчи

томонлари билан ажралиб туради. Бу қўл чопқиси қизил тошдан тайёрланган бўлиб, унинг ён томонларидан отбойниклар ёрдамида бир неча учириндиларни уриб учириб ишлов берилган. Натижада бу меҳнат қуроли ўзининг ён томонларида нисбатан йирик учириндиларни учириб олинганлигидан далолат берувчи изларни қолдирган.

Майда учириндиларни излари кўринмайди. Бу хилдаги қўл чопқиларни ташқи кўринишидаги ўзига хос хусусиятлари шундаки, уларга ҳар иккала юзаси томонидан ишлов берилмай балки, фақат бир томондан ишлов берилган. Бу хилдаги қўл чопқилари ҳар икки томонидан ишлов берилган. Қўл чопқиларига нисбатан, анча қадимий ҳисобланади. Шунини айтиш керакки, бу хилдаги меҳнат қуролларини 1960-1970 йилларига қадар шелль даврининг қўл чопқилари, икки томонлама ишлов берилиб анча ихчамлашганларини эса ашелль даврининг қўл чопқилари дейилар эди. Сўнгги йилларда Олдувай даври ёдгорликларининг кўплаб топилганлиги натижасида археолог олимлар уларни шелль ва ашелль даврларига ажратмай, энди Олдувай ва ашелль даврига ажратадиган бўлдилар. Селунғурнинг 5 та қатлаמידан топилган, бу қўл чопқиси ашелль даврига мансуб бўлиб унинг шакли найзасимондир. Бу меҳнат қуроли Ўрта Осиё ҳудудида топилган биринчи ва энг қадимий илк аجدодларимизнинг илк бор ишлатган ҳақиқий қўл чопқисидир.

Археология фани учун жуда ноёб бўлган бошқа бир тош қурол Селунғурнинг 4 қатлаמידан топилган оғир ва тўмтоқ тош болтадир. Унинг ясаиш техникаси анча примитив бўлишига қарамай унга ишлов берилиши ниҳоясига етган меҳнат қуролларидан ҳисобланади. Унга отбойник ёрдамида ишлов берилган ишчи қисмида учириндилардан қолган излар яққол кўзга ташланиб туради. Бу меҳнат қуролининг пастки қисмига ишлов берилмаган бўлса-да, унинг бир қанча кемтиклари бўлиб бу унинг аجدодларимиз томонидан узоқ вақт мобайнида ишлатилганидан далолат беради. Шундай қилиб, Селунғур ғор манзилгоҳини тош қуроллари ҳақида хулоса қилиб, шунини айтиш керакки, бу ёдгорликнинг маданий қатламларида қўл чопқилари, қадимий тош тешалар ҳамда қайроқ тошлардан бир томони уриб учирилиб махсус ясалган ва ишлатилган чопперлар биргаликда

учрайди. Демак, буларнинг барчаси бир вақтда ўзида яъни параллел равишда ишлатилганлар.

Таниқли француз археолог олими Ф. Борднинг фикрича, ҳинд субконтиненти ҳамда яқин Шарқда тарқалган жанубий ашелль қадимий археологик палеолит маданиятидир. Шуни айтиш жоизки, шу вақтга қадар Марказий Осиё ҳудудида ашеллнинг фақат шимолий турларигина учраб келган

Селунғурнинг топилмалари эса, ашеллнинг жанубий турига мансуб бўлган илк ёдгорликлар турига киради. Шунинг учун ҳам Селунғур ноёб ёдгорликлар қаторидан жой олади. Ғарбий Германиянинг Кельн шаҳрида яшовчи археолог олим, профессор Басинскийнинг фикрича, Селунғур типдаги археологик ёдгорликларининг ёши Германияда 800 минг йил билан белгиланади. Селунғур ғоридаги маданий қатламлардан жами 5 мингдан зиёд суяк қолдиқлари топилган. Энг муҳими иккинчи маданий қатламдан одам бош суяги энгак қисмини бир бўлаги ҳамда тўртта тиши топилган. Учинчи маданий қатламдан эса, яқка ҳолда 10 та тиш ва одам елка суягининг бир бўлаги топилган.

Атрополог олимларимизни бу қадимий одам суяқларини ўрганилиши, буларни барчасини архантропларга яъни, ашелль одамларига тегишли эканлигини кўрсатади. Бу суяк қолдиқларини энгак бўлаги ҳамда бош суяги косасининг бўлақлари ҳозирги кунгача ўрганилиб келинмоқда. Ҳозиргача булар ҳақида охириги хулосаларга келингани йўқ. Ўйлаймизки, бу топилмаларни антропологларимиз томонидан ҳозирги фан ютуқлари асосида ўрганилишининг якуни бу архантропларни тараққиёт босқичида қандай ўрин тутилиши ҳақида охириги фикрни айтилишига имкон беради. Бу ерда топилган тишлар тўртта шахсга мансублиги аниқланган. Шулардан бири пастки тиш бўлиб, 40 ёшлардаги аёлники бўлган деган фикрга келинмоқда. Учта пастки тиш учинчи шахсга тегишлидир. Ҳарактерлиси шундаки, топилган мазкур тишларнинг биронтасида (кариес) тишни чириш ҳам аломатлари бўлмаган. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки бошқа фанлар қатори антропология фани ҳам шу даражада ривожланиш чўққисига кўтарилганки, ҳозирги антропологлар энг қадимги одамларнинг суяк қолдиқларига қараб у ёки бу суяк қолдиғини эгаси неча ёшда бўлганлиги, жинси аёл бўлса фақат

унинг бўйи-басти ҳақида эмас балки унинг нечта тукқанлигига маълумот бера олади.

Тишлар тузилишининг таҳлили Селунғур топилмаларининг бошқа қазилма одамлари билан муносабатларининг аниқ ҳамда ишончли бўлган манзарасини намоиш этади. Селунғур топилмасини қадимги одам тури вакиллари билан қиёслаш натижасида шу нарса маълум бўлдики, Селунғурдаги топилма палеантроп ҳамда архантроплар ўртасидаги оралиқ ҳолатини эгаллаб, бундан тараққиётнинг умумий йўналишидан анча четга чиққан. Олимларнинг фикрларига кўра бу архаик тузилишнинг сақланиши селунғурликларни дағал ўсимлик озуқасига тор миқёсида одатланганликлари билан боғлиқлигидир.

Селунғур одамининг ўзига хос ҳолати антрополог А. Зубовнинг фикрича, оралиқ ҳолати бўлиб, у архантропдан ҳозирги одамгача бўлган тадрижий тараққиёт йўлида турмай чамаси архантропнинг ихтисослашган маҳаллий туридирки, у бир томондан ғоят кўҳна хусусиятларини, иккинчи томондан эса ўзига хос тарихий ривожланиш йўлидан бирмунча илгарилаган. Мавжудларнинг айрим хусусиятларини ўзида сақлаб қолган Селунғур топилмалари архантропларнинг тарқалиш кўлами нечоғлик кенглигини ва унинг маҳаллий турлари нақадар кўплигини яна бир бор намоиш этади. Селунғур топилмалари асосида вужудга келадиган яна бир муҳим хулоса шуки, архантроплар (ғарбий ва шарқий) шохобчаларнинг тарқалиш маконлари ўртасидаги географик узилиш аввал тахмин қилинганидек етарли катта эмас экан.

Бироқ, археологик ашёлар таҳлилидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, палеантропларнинг бу тури осийлик *Homo Sapiens* ҳозирги ақлли одамнинг аجدодларидан бири бўлиши мумкин дейишга имкон беради. Селунғурдан топилган одам суяқларининг қолдиқларидан бири 10 яшар болага тааллуқли бўлиб, уни ҳар томонлама ўрганилиши ва Тешиктош ғорини 8 яшар неандертал боланинг суяк қолдиқлари билан қиёсланиши Селунғур боласининг суяк қолдиқлари анчагина қадимий эканлигини кўрсатди.

Ҳозирги қадар Селунғур ғорининг маданий қатламларидан 32 турида сут эмизувчи ҳайвонларга тааллуқли 5 мингдан ортиқроқ суяк қолдиқлари аниқланиб

тадқиқ этилди. Ҳайвонот қолдиқларини илмий тадқиқ этилиши асосида Селунғур ҳайвонот комплексини ажратишга муваффақ бўлинди. Бу комплекс морфологик белгилари ҳамда архаиклиги (моддий ва қадимийлиги) бўйича илк плейстоцен даври охирларига мансуб деган фикрдамиз. Селунғур комплексини илк плейстоценнинг биринчи ярмига мансуб бўлган Қозоғистондаги Қўшқўрғон комплекси билан қиёслаш мумкин. Ана шу ҳайвонот қолдиқлари орасида йиртқич туёқли ва кемирувчи ҳайвонларнинг турлари устунлик қилади. Булардан дашт ва очик ландшафтли ерларидаги турлари кўпчиликни ташкил қилади. Ғор айиғи, бўри, ғор арслони, гиёнаси, каркидони, буғилари, отлари, плейстоцен эшаги, тўнғиз ҳар турли кемирувчиларнинг қолдиқларини мавжудлиги иссиқ ва қуруқ иқлим бўлганлигидан далолат беради. Бинобарин дашт, чала дашт мавжуд бўлган қадимий дарёлар ўзани ҳамда тоғ ёнбағирлари бўйлаб бута ва ўрмон ўсимликлари барқ уриб ўсган. Юқоридагилардан баён қилинганлигидан кўриниб турибдики, Селунғур манзилгоҳининг ҳайвон суяклари хронологик жиҳатдан илк плейстоцен даврига тўғри келади. Селунғур ғоридан топилган барча топилмаларни мукаммал ўрганиш мақсадида имконимиз қадар барча мутахассисликларни жалб қилишга ҳаракат қилдик. Бу борада тупроқшунослик ва агрохимия институтининг ходимлари органик моддаларни тадқиқ қилиш асосида қелишган хулосалари ҳам катта аҳамиятта эга бўлди. Уларнинг Селунғурнинг бешта маданий қатламини ўрганишларининг натижалари ҳам бу қатламни ёшини бир миллион йил билан белгилашга олиб келди.

Ҳозирги кунда фақат шундай фикр юритиш жоизки, Ўрта Осиё территорияси илк полеолит даврида ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилган. Агар буни рақамларга айлантирадиган бўлсак бу бизни аجدодларимиз тарихини бир миллион йил билан белгилайди.

Бундан ташқари, хронологик белгиларни аниқлаш мақсадида палеозоологик изланишлар натижаси асос қилиб одинди. Селунғур манзилгоҳидан топилган ҳайвон суякларини тадқиқоти натижасида 31 Олой треокомплекси турлари белгиланди. Натижада бу ҳайвонлар турлари плиоцентдан плейстоценга ўтиш

давридаги ҳайвон турлари бўлиб чиқди. Шу тадқиқот натижасида қадимги давр табиий шароитини, об-ҳавосини хронологик даврини аниқлашга эришилди.

Бу хронологик даврлашишга геологик тадқиқот ҳам жуда зарур эди. Шунинг учун ҳам бор қатламлар таркибини қандай пайдо бўлганини, тектоник структурасини ўрганиб қатор кимёвий таҳлиллар ўтказдик. Улар геохимик, гронуломотрик, пидологик таҳлиллар бўлиб, Селунғур манзилгоҳи юқорида плиоцент даврига оидлигини исбот қилиб берди. Шу қилинган тадқиқотлар натижаси ўлароқ ва топилган тош қуроллар билан таққослаш натижасида Селунғур манзилгоҳини ёши 1 миллион 200 минг йил билан белгилаш имконига эга бўлинди.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, биринчидан, нафақат бизнинг Ўзбекистонимиз, балки бутун Ўрта Осиёдаги аجدодларимизнинг илк тарихи 1938 йилда А.П.Окладников томонидан топилган, неандертал одамларнинг макони бўлган Тешиктош ғоридан, яъни мустъе давридан бошланмайди, балки Фарғона водийсида жойлашган ва қуйи палеолит даврига мансуб бўлган Фергантропларнинг макони Селунғур ғоридан бошланади. Демак, илк тарихимизни тамал тошлари илк бор аجدодларимиз томонидан Селунғур ғорида қўйилган бўлиб унинг ёши XX асрнинг биринчи ярмида айтилганидек 80-100 минг йил билан эмас, балки, 10 каррадан аниқроғи 1 миллион 200 минг йил билан белгиланади. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг илк тарихимиз палеантроплар даврида эмас балки, илк бор Селунғур ғорида пайдо бўлган архантроплардан бошланади.

Иккинчидан, ҳозирги Ўрта Осиё халқларининг аجدодлари Олд Осиёдан келиб ўрнашиб қолганлар ва сўнг мустъе даври маданиятини яратганлар деган айрим одамларнинг фикрлари мутлақо нотўғри, ғайри илмийдир. Ўрта Осиё халқларининг аجدодлари, илк бор Фарғона водийсида пайдо бўлган ва азалдан уларнинг авлодлари узлуксиз равишда яшаб келмоқда. Бу борада бошқача фикрнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки юқорида баён қилганимиздек, Селунғур, Тешиктош, Самарқанд макони каби ёдгорликларни рад этиб бўлмас даражада берган маълумотлари бизнинг фикримизни тўла тасдиқлайди.

3. Ўрта Осиёдаги этник гуруҳлар (сўғдлар, бактрияликлар, хоразмликлар, сак ва массагетлар) тўғрисидаги дастлабки ёзма

маълумотлар. Ўзбек халқининг этник тарихи илк аجدодлари яшаган ҳудуд билан бевосита боғлиқ. Ўзбек аجدодлари элат бўлиб Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари Мовароуннаҳрда (Фарғона водийси ҳам шунинг ичида) Хоразмда, Тошкент воҳасида, Етгисувда, Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида шаклланган. Бу минтақалар инсониятнинг қадимги маданият марказларидан ҳисобланади. Сополлитепа, Чуст, Замонбобо ва Хоразм заминида олиб борилган археологик қазилмалардан топилган материаллардан маълум бўлишича, мил. авв. II мингинчи йилларда Ўрта Осиёнинг бир қанча туманларида ўтроқ деҳқончилик мавжуд бўлган.

Жез даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, бир-биридан фарқ қилувчи икки тарихий маданий регион мавжуд бўлган: суғориш усули билан деҳқончилик қиладиган Олд Осиёда кенг тарқалган ўтроқ аҳоли маданияти ва жез даврида чўл жойларида яшовчи қабилаларга тааллуқли маданият. Бу кейинги маданият кишилари чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар.

Жез даврида чўл қабилалари мил. авв. II мингинчи йилларда жанубий-шарқий Европадан то жанубий Сибиргача бўлган кенг ҳудудларда яшаганлар. Булар асосан икки компонентдан иборат бўлган: ёғоч банд даҳмалик қабилалар ва Андроново маданияти. Жанубий Урал тоғ олди минтақалари ҳар иккала компонентларнинг этник ва маданий алоқалари яқинлашиб ва мустаҳкамланиб бораётган ҳудудлардан бири ҳисобланган.

Жез даврига оид чўл қабилаларига мансуб маданият намуналари Зарафшон водийсида, мил. авв. II мингинчи йилларга оид маданий қатламларидан ҳам топилган. Мазкур археологик маданият таркибида Копедтоғ тоғ олди минтақаларига хос маданият элементлари ҳам катнашганлиги аниқланади. Бу маълумотлар Амударёнинг қуйи оқимларида ҳамда Зарафшон водийсида мил. авв. II мингинчи йилларда, жанубда мавжуд бўлган ўтроқ деҳқончилик маданияти шимолда яшовчи чўл қабилаларининг жез даврига оид маданияти билан узвий боғлиқ бўлганидан далолат беради.

Мил. авв. II мингинчи йилларнинг охирларига келиб Тозабогёб ва Андроновалик қабилаларнинг маданияти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кенг тарқалади. Бу қабилаларга хос моддий маданият ёдгорликлари Фарғона водийсидан, Тошкент воҳасидан, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидан ҳамда ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудларда ҳам топилган.

Археологлар томонидан аниқланган Ўрта Осиёнинг Марказий вилоятларидаги археологик маданият, жез давридаги келгинди ёғоч даҳмали ва Андроновалик қабилаларнинг ҳамда қисман Олд Осиёдан келиб, туб ерли аҳоли билан яқинлашиб, қўшилиб кетиши натижасида вужудга келган дейишимизга асос бўла олади.

Кейинчалик (мил. авв. II мингинчи йилларнинг биринчи чоракларида) темирдан қилинган меҳнат қуроллари пайдо бўлиши билан Ўрта Осиёда сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти бирмунча тараққий этади. Энг қадимги ёзма ёдгорликлардан бири бўлган Авестода бир қанча тарихий вилоятлар эслатилади, шуларнинг ичида Марғиёна (Марв воҳасида), Парфия (Копедтоғни шимолида), Хоразм (Амударёнинг қуйи оқимларида), Бактрия (Амударёнинг ўрта ва юқори оқимларида) вилоятлари номлари учрайди. Фарғона водийси ҳам ўша даврларда маданияти тараққий этган минтақалардан бўлган. Юқоридаги вилоятларда яшовчи аҳолининг асосий машғулоти ўтроқ деҳқончилик бўлган. Уларнинг хўжалигида чорвачилик ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Мил. авв. VII - VI асрларда ўтроқ аҳолининг жамоа ҳаётида йирик ўзгаришлар рўй беради, ибтидоий уруғчилик жамоаси емирилади, аҳолининг деҳқончилиги билан бир вақтда хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам тараққий этишига кенг имконият туғилади.

Ўтроқ деҳқончиликни тараққий этиб бориши билан аҳолининг бир ерда доимо ўтроқ бўлиб яшаш кўпайиб боради, мустаҳкам кўрғонлар, истехкомлар пайдо бўлади. Яшайдиган йирик кишлоқларда, шаҳарларда хунармандчилик (кулолчилик, темирчилик, тўкимачилик ва бошқа) ва савдо-сотиқ ривожлана боради. Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларининг

(деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик) маҳсулотларининг ўзаро алмаштириш (бозор орқали) тобора кучайиб бориши айрим патриархал оилаларнинг бойишига олиб келади; синфий тенгсизлик пайдо бўлади. Жамият бой ва камбағал табақаларга ажралади. Уруғчилик жамоасининг емирилиши (мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярмида) илк жамоалар, давлатлар вужудга келади. Ўтроқ аҳоли сони тобора кўпайиб боради.

Кўчманчилар ижтимоий тузуми кўп вақтлардан буён тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган бўлса ҳамки, лекин бу масалада ҳанузгача аниқ бир фикрга келинган эмас. Тарихчи, археолог ва этнограф олимларнинг фикрларини ҳисобга олиб, қайд қилиш мумкинки, тарих фанининг отаси Геродот сак, массагет деб номлаган кўчманчи қабилаларининг жамоа тузуми (ибтидоий босқич емирилган бир даврда) ҳарбий демократия бўлган. Қабилаларни қабила бошлиқлари (саркардалар) бошқарган, бир неча қабилалар бирлашиб, йирик қабила иттифоқига уюшиб, бунга бош саркарда ҳукмронлик қилган. Ҳокимият маслаҳат мажлиси билан чегараланган.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, ҳарбий демократия тузуми даврида сак, массагетларнинг жамоа тузуми ҳарбий демократик бўлиб, унда синфлар ва эксплуатация мавжуд бўлган, аммо давлат ҳали пайдо бўлмаган эди.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши билан Ўрта Осиёнинг марказий қисмида бир неча давлатлари вужуга келади. Марғиёна, Сўғдиёна, Бактрия, Хоразм ва бошқалар йирик марказий шаҳарлар пайдо бўлади. Марв, Мароканда, Бактрия шулар жумласидандир.

Қадимги эрон форс тилли манбаларда сак ёки скиф этник номлари учрайди. Бу этник номлар билан қадимги эронликлар Ўрта Осиёнинг бепоён чўлларида яшаган қабилаларни айтганлар. Саклар асосан тўрт қабила уюшмасидан иборат бўлган. Буларнинг уч қисми, яъни хаумарка, тиграхауда ва тияйадарайа шакллари Персеполь яқинидаги Нақши Рустам дарасидаги

кабр тошларининг ёзувларида учрайди, тўртинчиси эса «Сўғдиёнадан кейин, унинг нариги томонида» яшовчи саклар Персеполдаги ҳамда Экбатанадаги ёзувларда ҳам акс эттирилган.

4. Ўзбек халқи тўғрисидаги этнографияга оид илк маълумотлар.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва халқ бўлиб шаклланиши жуда ҳам кўп вақтлардан буён тадқиқотчилар орасида ўзбек халқининг келиб чиқиши тўғрисида ҳар хил айрим ҳолларда чалкаш фикрлар ҳукм суриб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, бу мураккаб ва чалкаш масалани ечимига ўзбекча, кенг ва ҳақиқий баҳо бериш имконияти пайдо бўлди. Собиқ совет даврида айрим тадқиқотчилар ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини шайбонийлар даври истилоси билан боғлайдилар.

Маълумки, Дашти Қипчоқда ташкил топган Оқ Ўрда ва Шайбоний улусида яъни, Сирдарё Орол денгизи ва Волга бўйлари оралиғидаги кенг ҳудудда кўчиб юрган, XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб ўзбеклар деб юритилаётган турк-мўғил қабилалари билан боғлаб нотўғри хулосага келинди. Масалан: С.А. Токарев «Основы этнографии» (-М.: 1968), И. Жабборов «Ўзбек халқи этнографияси» (-Т.: «Фан», 1964) асарларида шу фикр илгари сурилган.

С.А. Токарев, А.Ю. Якубовский, Я.Г. Ғуломов, М.Г. Вахобов ва бошқалар ўзбек халқининг бошланғич ядроси Ўрта Осиёда қадимий даврида яшаган қадимги сўғдийлар, хоразмийлар, сак қабилалари ва уруғ аймақларини унутган, кейинроқ кўчманчиликдан деҳқончиликка ўтиб, туркий тилда сўзлашувчи чигил, қарлуқ яғмо, аргун каби гуруҳлардан иборат эканлигини ўзбек элатнинг асоси XI-XII асрларда тугаганлиги ва XVI аср бошларида пайдо бўлган кўчманчи шайбоний ўзбек халқининг қадимги ядросига аралашиб кетиб, фақат ўз номигина берганлигини кучли далиллар, факт ва материаллар билан исботлаб берганлар.

Ўрта Осиё шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида Россия Фанлар Академиясининг ва Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тарих ва археология институтлари томонидан уюштирилган кўп йиллик самарали

ишлар натижасида ўзбекларнинг авлод-аждодлари қадимдан ўтроқ, йирик суғориш иншоотларига асосланган деҳқончиликка мустақил ўзига хос маданиятига эга бўлганлиги исбот қилинди. Бу ҳолат баъзи тадқиқотчиларнинг Ўрта Осиё халқлари гўё тарихий халқ эмас, уларнинг маданияти эрон ва бошқа мамлакатларнинг маданиятига тобе, бу гўзал ўлкада узоқ ўтмишда фақат кўчманчи ёввойи қабилалар яшаган деганлар ҳар хил даъватларни фош қилди ва пучга чиқди. Ҳолбуки, «назария»ни тарғиб қилувчи баъзи олимларнинг узоқ аجدодлари ибтидоий маданиятига энди эришган бир пайтда қадимги Хоразмда Қўйқирилган қалъа, Тупроққалъа каби ёдгорликлар қазиб топилган ажойиб архетиктура, санъат ҳамда ёзув дурдоналари Болаликтепа ва Панжикентда кашф этилган ҳар хил маросимларни тасвирловчи ранг-баранг расмлар ва Варахшанинг гўзал чанг ҳайкал ва безаклари бутун антик давр ичида қурилган хашаматли шаҳар ва қалъалар, дабдабали суғориш иншоотлари, бепоён экинзорлар, ўзбек ва бошқа Ўрта Осиё халқларининг узоқ ўтмишида ниҳоятда зўр иқтисодий ва маданий тараққиётга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбек халқининг авлод-аждодлари тўғрисидаги баъзи маълумотлар қадимги ёзма манбаларда ҳам учрайди. Қадимги Ўрта Осиё халқлари ҳақидаги маълумот берувчи илк ёзма манбалар қаторига қадимги эрон этнографик ёдгорликлари киради. Энг қадимги аجدодларимиз тўғрисидаги маълумот берувчи дастлабки эпиграфик ёдгорлик Беҳустун ёзуви ҳисобланади. Беҳустун ёзуви эронда, Кирмоншоҳ шаҳридан 30 км масофада Загрос тоғидаги тик қояга ўйиб ёзилган. Узунлиги 22 км, баландлиги эса 7,8 метрни ташкил этади.

Эпиграфик манбалардан яна бир гуруҳи бу сополга ўйиб ёзиладиган ёзма манбалардир. Яна бир манба Персополдан топилган мил. авв. 486-480 йилларга мансуб бўлиб, Доро I номидан ундан кейин ҳукумронлик қилган Ксеркс буйриғи билан битилган. Шу тариқа эрон эпиграфик ёдгорликлари Ватанимизнинг энг қадимги тарихига оид оз бўлсада, ниҳоятда қимматли маълумотлар беради.

Қадимги хоразмийлар, сўғдий ва саклар ёки массагетлар ҳақидаги айрим маълумотлар антик давр муаллифлари милетлик Гекатей Страбон, Геродот, Арриан ва бутун Ўрта Шарқда тарқалган муқаддас китоб – «Авесто»да мавжуд. Бу китобда Ўрта Осиёнинг қадимги эронийзабон халқларининг турмуши, ижтимоий тузуми ва маънавий дунёси ҳақида турфа маълумотлар олиш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, антик муаллифларнинг биронтаси Ўрта Осиё тарихига оид алоҳида махсус асар ёзмаган. Қолаверса ўша замонда «Ўрта Осиё» деган жуғрофий тушунчанинг ўзи ҳам йўқ эди. Аммо Юнон ва Рим тарихчилари ўзларининг бошқа мавзуларига бағишланган асарларида йўл-йўлакай қадимги Ўрта Осиёга жуғрофий, тарихий ва этнографик маълумотлар ёзиб қолдирганлар. мил. авв. II асрдаги Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цяннинг Давон ва Кангюй (Хоразм) давлатлари ҳақидаги қолдирган баъзи маълумотларни ҳам этнографик жиҳатдан диққатга сазовордир. Афсуски, ислом дини тарқалгунча яъни VII-VIII асрларгача бўлган даврни ёритувчи учун маҳаллий ёзма манбалар йўқ.

VII-VIII асрларда туркий халқларининг катта қисми Еттисув, Шош ҳамда Фарғона водийсида камроқ қисми Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида яшар эди. Улар туркийлар тилини қабул қилган туб жой аҳолидан ҳамда бу ерга келиб ўрнашган кўпгина туркий қабила ва уруғлардан иборат эди. Айрим сўғдий ҳужжатларида киритилган маълумотларга қараганда туркий аҳоли ўрнашган бу ўлка VII асрдан бошлаб, Туркистон номи билан атала бошлаган.

Айни замонда Еттисувда ўрнашиб қолган сўғдийларнинг кенгайиши ва бу савдодан манфаатдор Сўғднинг V-VII асрларда олиб борган ҳарбий юришлари оқибатида келиб қолган эдилар. Сўғдчиларнинг савдо ва хунармандчилик манзиллари Талос ва Чу водийларида Чимкентдан то улуғ Хитой деворигача бўлган ерларга жойлашган.

Узоқ асрлар давомида шаклланиб келган юқори даражадаги маданий замин бўлмаганда, IX-XII асрларда Ўрта Осиё шу жумладан Ўзбекистонда

фан ва маданият гуркираб ўсиб, жаҳонга Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий каби фаннинг кўп соҳаларини мукаммал эгаллаган улўғ сиймоларни етказиб бериши мумкин эмас эди.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғат турк» номли ноёб асарида гапирувчи аجدодларимиздан бири бўлган чигил қабилалари Искандар Зулқарнайн юриш қилган давридаёқ кўп нуфузли этнографик гуруҳлардан хисоблангани ҳақида маълумот беради.

XI асрнинг етук шоири ва олими Юсуф Хос Ҳожиб томонидан яратилган ўз даврининг зўр бадий асари хисобланган «Қутадғу билик» нинг ана шу чигил қабилалари тили асосида ёзилганини ва бундай ажойиб асар агар узоқ асрлар давомида иқтисодий, маданий бирлик негизида дунёга келган умумий бир тил бўлмаган ҳолда пайдо бўла олмаслигини ҳам эътиборга олсак у вақтда ўзбек халқининг тили ниҳоятда узоқ тарихга эга эканлигига ишончимиз комил бўлади.

IX-XII аср муаллифларидан ибн Хурдодбек ал-Балхий, ал-Истахрий, ибн Кавкал, Маъсудий Ёкут сингари йирик биограф ва сайёҳчилар маҳаллий муаллифлардан файласуф, мусиқашунос Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний ва буюк табиб Абу Али ибн Сино, этнограф, биограф, тарихчи олим Абу Саъд Абдушари ибн Муҳаммад Саъмоний ҳамда номаълум муаллиф яратган «Худуд ул-олам» номли асарларда Ўзбекистон ҳудудида ўша даврда яшаган аҳоли тўғрисида баъзи этнографик лавҳалар келтирилган.

Европа монархлари ва Рим папаси дахшатли, жаҳонни ларзага солган Чингизхон билан савдо, сиёсий ва дипломатик муносабатлар ўрнатишга қизиқишди. Биринчи бўлиб «Татарлар ўлкасига» папа Иннокентий IX 1245 йилда франциялик Иоанна Плано Картини бошчилигида монархлардан иборат элчиларни юборди. Ҳудди шу мақсад ва шу йўл билан 1249-1251 йилларда сафар қилган Плано Картини ватандош Вилгельм Рубрук асарида ҳамда 1271-1295 йилларда шарқ мамлакатларига хусусан Хитойга ташриф

буюрган Марко Полонинг эсдаликларида ҳам Ўрта Осиё ўлкалари ҳақида этнографик маълумотлар келтирилган.

5. Ўрта асрлар даври тарихи этнографик маълумотлари.

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг ворислари ҳукумронлик қилган даврда Ўрта Осиё шу жумладан, Ўзбекистон йирик маданият марказига айланади ва унинг бошқа мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқалари кучаяди. Бу даврга оид қизиқарли баъзи этнографик маълумотлар испан элчиси рицар Руи Гонзалес де Клавихонинг асарида, рус солномаларида, маҳаллий муаллифлар Низомиддин Шомий, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқаларнинг асарларида учратиш мумкин.

Бобурнинг «Воқеатий Бобурий» ёки «Бобурнома» деб номланган асарида этнографияга оид маълумотлар ҳам келтирилган. Маҳмуд ибн Усмон Кўхистонийнинг «Тарихи Абдулхайнома» Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» ва Абдулхайр Файзуллоҳ Рузбехоннинг «Меҳмонномаий Бухоро» номли асарларида этнографияга оид қимматли маълумотлар келтирилган.

Биноийнинг «Шайбонийнома» номли асарида XV аср ўрталаридан то XVI бошларида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни қисқа лекин аниқ баён этган. У муҳим географик маълумотлар яъни, Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Сайрам, Сигноқ, Арнук, Ўтрор, Туркистон, Ўзган, Оққўрғон ва Хоразмга тобе шаҳарлардан Урганч, Булдумсоз, Адоқ ва бошқалар ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Рўзбехонинг «Меҳмонномаий Бухоро» асари Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг XV асрнинг II ярмида ва XVI аср бошларидаги тарихни ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Асарнинг биз учун қиймати шундаки, унда Дашти Қипчоқ, Туркистон ва қозоқ улусининг географик ҳолати ўзбек ва ўзбекларнинг келиб чиқиши, этник таркиби, туриш-турмуши, урф-одати, шунингдек, зодагонларнинг хўжаликда, қўл меҳнатидан фойдаланиш ҳоллари ҳақида бениҳоя қимматли маълумотлар учрайди.

Бизга маълумки, Ўрта Осиёда хонликлар даврида марказлашган Рус давлати билан улар орасида мунтазам равишда савдо ва дипломатик муносабатлар ўрнатила бошланди. 1558 йилда Хитойга Ўрта Осиё орқали савдо йўлини аниқлаш мақсадида Россияга келган «Москва» компаниясининг вакили Антони Женкинсон бошлаб берди. У Москва ҳукумати ёрдамида Астрахан ва Каспий денгизи орқали Хива ва Бухорога боради. У ўз мақсадига эриша олмаган бўлса-да Ўрта Осиё ҳақида анчагина маълумотлар тўплади.

Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги муносабатлар айниқса XVIII асрда Буюк Пётр I (1689-1725 йй.) даврида кучайди. Ўрта Осиёни ўз таъсири остига олиш мақсадида Пётр I иккита экспедиция уюштирган. Бирига князь Александр Бекович - Черкасскийни, иккинчисига Иван Бухголсни бошлиқ қилиб тайинлади. Бу ҳаракатлар муваффақиятсизликка учради. Бироқ, 1718 йил Каспий денгизини текшириш учун янги илмий сафар тузилиб, 1720 йил Каспий денгизининг биринчи харитаси яратилди.

Бухорога рус элчиси бўлиб келган, Флорино Беневини (1721-1725) Хивага ҳам бориб, шу мамлакатлар тўғрисида қимматли географик маълумотлар олиб келган.

Кўхна Хоразм аҳолисининг XVIII аср ўрталаридаги турмуши тўғрисидаги муҳим этнографик маълумотларни 1740-1743 йилларда Дмитрий Гладишев ва Иван Муравин бошчилигидаги Орол денгизи ва Хива илмий сафари ҳамда 1753 йилда Самара савдогари Даниэл Руковкиннинг Хивага қилган сайёҳати даврида тўплаган маълумотлардан олиш мумкин.

1774 йилда Оренбург чўлларида қозоқлар томонидан асрга олинган рус зобити Филипп Ефремов асрликдан қочиб, Қўқон, Марғилон, Қашқар, Ёркент, Тибет, Ҳиндистон ва Англия орқали 1782 йилда Россияга қайтиб келади ва кўрган биланларини ёзиб қолдиради.

1781 йилда Бухорога элчи бўлиб келган Мендиёр Бектурик ва 1794-1796 йилларда Бухорога сайёҳат қилган Т. Бурнашевнинг ҳикоялари ҳам бор. Шу даврдаги Хива хонлигига оид тарихий ва этнографик маълумотлар

хоннинг таклифи билан Хоразмга келган кўз доктори, майор Бланкеннагелнинг ёзиб қолдирган хотиралари ҳам мавжуд.

6. XIX-XX асрлар маданиятини ўрганишда этнографиянинг роли.

Ўзбек халқи этнографиясига оид материаллар тўплаш даври XIX асрда бошланади. XIX асрнинг биринчи ярмидан Н.Н. Муравьёв, А.Ф. Негрий, Н.В. Хаников, П.И. Данилевскийлар ўтказган ишлар Ўрта Осиё халқлари шу жумладан, ўзбеклар этнографиясини ўрганишдаги дастлабки қадамлар бўлди.

1819-1820 йилларда Хива хонлигига сайёҳат қилган капитан Н.Н. Муравьёв ўз таасуротларини тартибга келтириб нашр қилди. Н.Н. Муравьёв асарининг баъзи бобларида бевосита ўзбекларнинг табиати, диний эътиқоди, уй-рўзгор тутумлари, уруғ-аймоғи каби соф этнографик маълумотлар келтирилган. Унинг айтишича, Бухоро томонидан келган ўзбеклар асосан тўрт гуруҳдан: *қиёт -қўнгирот - уйғур-найман, қангли-қипчоқ, нукус манғитдан* иборат: ҳар бир гуруҳ мустақил ҳоким-иноққа эга, аммо уларнинг энг каттаси қиёт-қўнгирот-иноқларидир.

1820 йилда Бухорога жўнатилган А.Ф. Негрий бошчилигидаги дипломатик миссия катнашчиларидан Э.А. Эверслин, Х. Пандер, П. Яковлев, Будрин ва полковник П. Мидендорфларнинг китоб ва хотиралари бой тарихий этнографик маълумотларга эга. Турли тилларда таржима қилинган П. Мидендорфнинг «*Оренбургдан Бухорога сайёҳат*» номли китобида Бухоро хонлигининг географик ўрни, ижтимоий иқтисодий аҳволи, давлат тузилиши ва аҳоли машғулоти, қишлоқ хўжалиги суғорилиши тарихи, хунармандчилиги, ички ва ташқи савдо, оила ва хотин-қизларнинг турмуши ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу соҳада айниқса, 1833-1841 йилларда Оренбург губернаторининг махсус топширигига биноан ишлаган В. М. Доллнинг берилган маълумотлари диққатга сазовордир.

1840-1850 йиллар ичида Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳамкорлиги этнографиясини илмий жиҳатдан ўрганишда ака-ука Николай ва Яков Ханиковларнинг хизмати катта бўлган.

Яков Ханиковнинг 1851 йилда нашр қилинган «*Орол денгизи ва Хива хонлиги картасига муҳокама*» асарида этнографияга алоҳида эътибор берилган. Н. Хаников 1843 йилда Бухоро хонлиги ҳақидаги илмий асарни нашр қилдиришга муяссар бўлади.

Этнографияга оид муҳим маълумотлар 1843 йилда Хива хонлигига дипломатия миссия таркибида келган полковник Г.Н. Данилевский, О.Н. Базинер асарларида ҳам келтирилган. Ўша йилларда атоқли олим В.В. Григорьев Оренбургда яшаган ва у Россияда биринчи бўлиб шарқ халқлари тарихини ўқита бошлади. Унинг 200 дан ортиқ илмий ишлари орасида Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқларига тегишли асарлари ҳам мавжуд. 1851 йилда Оренбургга келиб саёҳат қилган В.В. Вельяминов Зернов ҳам ўзбек халқи тарихига оид бир қанча қизиқарли тарихий асарлар яратган.

1858 йилда Ломоновский Н.Л. Игнатов бошчилигидаги Хива ва Бухорога юборилган йирик дипломатик миссия ҳам анча самарли иш олиб борган. Турк тилларини яхши билган, машхур венгир шарқшунос олими Херман Вамбери 1863 йили савдо қарвони билан Хива, Бухоро, Самарканд ва бошқа Ўрта Шарқ мамлакатларига саёҳат қилди. Бу сайёҳнинг Ўрта Осиё ҳақидаги ёзган асарларида маҳаллий аҳоли, шу жумладан ўзбек халқи этнографиясига оид қизиқарли маълумотлар бор. У ўзбек уруғлари ҳақида гапириб, биринчи бўлиб ўзбек сўзининг келиб чиқиши ҳақида мулоҳаза юритади. Кўк Ўрда шаҳрида Волга билан Орол денгизи орасидаги яшовчи турк мўғул қабилаларида жузи сулоласидан тўққизинчи ҳукмдор бўлган Ўзбекхон мисолига нисбат бериб, узларига бир сиёсий қўшма ном, ўзбек номи билан қабул қилганлар.

Асар муаллифи 32 ўзбек қабилаларининг рўйхатини беради ва уларнинг кийим-кечаклари, таомлари, ўйин ва мусиқа асбоблари, урф-одатлари ва диний маросимлари тўғрисида ҳикоя қилади. XVI-XIX аср ўрталаригача бўлган давр ичида маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган тарихий асрларда ҳам баъзи бир муҳим этнографик лавҳалар бор. Истеъдодли шоир ва мусиқашунос Ҳофиз Таниш Бухорийнинг

«Абдуллонома» асари Ўрта Осиё, Қозоғистон, шунингдек, қисман Афғонистон ва Эроннинг XVI асрдаги ижтимоий - сиёсий тарихини ўз ичига олади. Асар этнографик маълумотларга ҳам бойдир. Масалан, ўзбек халқи таркибига кирган уруғ ва қабилалар тўғрисида маълумот беради.

Абулғози ибн Муҳаммадхон Хоразмийнинг бир қанча бой чет тилларига таржима қилинган «*Шажараи Турк*» ва «*Шажараи Тарокима*» каби асарлари мавжуд.

Машҳур ўзбек тарихчилари Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баёнийларнинг «*Фирдавсул-иқбол*», «*Риёзут – давлат*», «*Зубдат ут-таворих*» номли, «*Гулишани давла*», «*Шамсул-иқбол*», «*Шажараи Хоразмиюхий*» каби асарларида XVI асрнинг II-ярмидан то XX аср бошларигача Хоразм ва қўшни ҳудудларида рўй берган тарихий воқеалар юксак маҳорат билан тасвирланди. Ўзининг бой мазмуни, иқтисодий, ижтимоий маълумотларининг кўплиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб турган бу тарихий асарлар ўша даврдаги ўзбек халқи этнографиясининг ўрганиш учун муҳим манба бўла олади.

Ўзбек халқининг этнографиясини ўрганиш билан шуғулланган Остроумов ва Ликошин сингари тадқиқотчилар мустамлакачилик маъмурларининг хизматчилари бўлиб ўз асарларида чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини тарғиб қилдилар. Бироқ, уларнинг асарларида ҳам шахсий жамоаларнинг турмуши, маданий ҳаётига доир фактларга асосланган бир қанча диққатга сазовор материаллар учрайди.

А.П. Федченко ҳам ўз рафиқаси билан юриб, ўзбек халқ этнографиясига оид жуда кўп маълумотлар тўплаган ва «*Қўқон хонлари*» асарини ёзган. Этнография материалларини кенг оммага етказиш ва уларни сақлаб қолишда илмий журналлар, статистик бошқармаларнинг маълумотнома (справочник) тўпламлари ҳамда «*Туркестанский вестник*» газетасининг хизматлари катта бўлди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида ўзбек этнографиясининг ўрганишда илмий жиҳатдан диққатга сазовор бир қанча

ишлар пайдо бўлиб, жиддий тадқиқотчи олим ва ўлкашунослар сафи кенгайди. Улар ўз асарларида ўзбек ва бошқа Осиё халқлари маънавий ва маърифий турмушининг хусусиятлари, урф-одатлари, уруғ-аймоғлари ва қабилачилик тузуми, диний эътиқодлари ва бошқа этнографик хусусиятларини таърифлаш билан бирга, уларнинг маъносини илмий жиҳатдан шарҳлашга интиланлар, лекин ўз даврининг ҳукмрон идеаллари таъсирида бўлган бу тадқиқотлар бир мунча нуқсонлардан холи эмас, албатта. Ижтимоий масалаларни шарҳлашда тадқиқотчиларнинг ожизлиги, субъективизми йирик концепцияларнинг ҳукм сурганлиги уларнинг кўп асарларида ҳам ўз асосини топган.

1918 йилда ташкил қилинган Туркистон халқи университетида ўзбек этнографиясидан махсус курснинг ўқитила бошланиши Туркистон ҳудудида этнографик тадқиқотлар ўтказишга катта эътибор берилаётганидан далолат беради.

30-йилларга келиб, атоқли олимлардан С.П. Толстов ва Л.П. Потаповлар ўзбеклар ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларининг этнографиясини ўрганиш ишларини жонлантириб юборди.

Хоразмда чорак асрдан ҳам кўп вақтда иш олиб борган С.П. Толстов раҳбарлигидаги археолог, этнографларнинг комплекс экспедицияси Ўзбекистон халқларининг турмуш ва маданиятини ўрганишда янги саҳифа очди. Бу экспедиция, асосан қадимги Хоразм маданияти ёдгорликларини ўрганиш билан бирга Хоразм воҳасидаги ўзбекларнинг этнографиясини ҳам текширди. II жаҳон урушидан кейинги даврда экспедиция таркибида икки ўзбек этнография отряди тузилди. Улар шимолий ўзбеклар этнографияси ва жанубий ўзбеклар этнографияси отряди эди.

Хоразм экспедиция Ўзбекистон ҳудудида яшовчи, лекин инқилобдан илгари бутунлай унутилиб қўйган Қорақалпоқ халқларини ўрганиш соҳасида ҳам катта ишлар қилди. Экспедициянинг Қорақалпоғистон отрядига атоқли этнограф Т.А. Жданко раҳбарлик қилди. Бу олим қорақалпоқларнинг тарихий этнографиясига бағишланган ажойиб асар ёзди. Отрядда маҳаллий

этнографлардан С. Камолов, Қусбергенов ва Шелекеновлар иштирок этдилар.

Атоқли тарихчи-этнографлар А.Ю. Якубовский, А.А. Семёнов ва П.П. Ивановлар ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник таркиби масалаларига ўзларининг чуқур мазмунли асарларида кенг ўрин берганлар. Бу муҳим масалаларни ёритишда Р.Г.Мукминова ва Б.А. Аҳмедовлар ҳам маълум ҳисса қўшганлар. Тарих ва археология соҳасида қилинган илмий ишларда кенг фойдаланган. М.Вахобов ўзбек халқи этнографиясига оид асарни яратди.

Миллий масала ҳар доим долзарб бўлиб келган. Ҳар бир халқнинг миллий шаклланиши, этник умумийлиги ва хусусиятлари, ўзаро яқинлашуви каби масалаларни чуқур тушуниш учун айрим этнографик гуруҳларни ҳар томонлама ўрганиш зарур. Ўзбекларнинг айрим қабила ва уруғларини тадқиқ қилишда этнографлардан В.Г. Машкова, К.Л.Задихина, К.Шониёзов, Т.Файзиевларнинг илмий ишлари диққатга сазовордир.

Ўзбекистон тарихига оид кўп томли йирик илмий асарни этнографияга бағишланган бўлимлари фаннинг сўнгги ютуқлари асосида мутахассис тадқиқочилар томонидан ёзилган «*Жаҳон халқлари*» сериясида босилиб чиққан икки томли «*Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари*» номли монументал илмий асар деярли бутун этнографик тадқиқотларининг ютуқларини ўзида мужассамлаштирган. Асарнинг «Ўзбеклар» номли бобини ёзиш ва таҳрир қилишда маҳаллий этнографлардан О.А. Сухарева, М.А. Бекжонова, И. Жабборов ва бошқалар қатнашган.

Ўзбек халқининг этнографиясини ўрганиш мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг янги босқичга кўтарилди. Эндиликда, ўзбек этнографларни олдида инсониятнинг порлоқ келажаги бўлган ёш авлодни ўлка тарихига эътиборли ва муҳаббат нуқтаи-назарида бўлиш каби ҳис туйғуларни сингдириш маъсулияти турибди.

Таянч сўзлар

Этнография, этнология, қанғли – қипчоқ. Нукус – манғит, санъат, этник бирлик, этногенез, дипломатик миссия, антропология.

Савол ва топшириқлар

1. Ўзбек номини келиб чиқиш ҳақида нималарни биласиз?
2. Қадимги этнографик маълумотлар қайси асарларда учрайди?
3. Этнография нимани ўрганади?
4. VII-VIII асрларда туркий аҳоли қайси ҳудудларда истиқомат қилганлар?
5. Ўзбек халқининг авлод аجدодлари тўғрисидаги маълумотлар қайси қадимги манбаларда учрайди?
6. IX-XII аср муаллифларидан қайсилари этнографик маълумотлар беради?
7. Плано Карпини ва Марко Пололар қандай этнографик маълумотлар беради?
8. Амир Темур ва унинг ворислари даврида қандай этнографик асарлар яратилди?

4-Мавзу. Ўлка тарихини ўрганишда топонимик атамалар асосий манбалардан бири сифатида

Режа:

1. Топонимика фани ва унинг моҳияти.
2. Ўзбекистон топонимикасига оид атамаларнинг ёзма манбаларда қайд этилиши.
3. Ўлка тарихини ўрганишда топонимик материал тўплаш ва улардан фойдаланиш.
4. Фарғона водийсидаги қишлоқ шаҳар номларининг келиб чиқиш тарихини дарс жараёнида ўрганиш.

1. Топонимика фани ва унинг моҳияти. Топонимика фани географик номларнинг келиб чиқишини ўрганадиган фан сифатида майдонга келди. Топонимикани «Замин тили» деб аталади. Топонимик теримин лотин тилидан олинган бўлиб, «топон» жой «аном» ёки «онима» умуман жой номини ўрганадиган фан деган маънони билдиради. Географик номлар ва замин қарида ўрганилмай ётган номлар инсонларга қўйилган исмлар, топонимикани ўрганиш манбаи ҳисобланади.

Топонимика икки объектдан: микро ва макро топонимикалардан иборат бўлиб, микро топонимика-грамматик жиҳатдан майда, объектларни, яъни «турдош отларни», микро объектларнинг номларни, макротопонимика эса атоқли отларни, яъни йирик объектларнинг номларини тадқиқ қилади. Ҳозирги вақтда топонимика фақат катта ва йирик объектларнинг тоғлар, ўрмонлар, водийлар, воҳалар, шаҳарларнинг номларигина эмас, балки кичик объектларнинг-маҳаллалар, даралар, жарликлар, анҳорлар, дарё ирмоқлари, ариқлар ва кўлларнинг номларини ҳам ўрганмоқда.

Топонимика фани – қандай объектларнинг номлари эканлигига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

1. Гидронимлар-дарёлар, сойлар, кўллар, океанлар, денгизлар, ботқоқликларнинг атоқли отлари;

2. Оронимлар-тоғлар, чўққилар, тепаликлар, даралар, жарлар, сойликларнинг атоқли отлари;

3. Ойконимлар-шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар, хуторлар, ва бошқа аҳоли пунктларини атоқли отлари.

Топонимиканинг тилшунослик, тарих, география, археология ва бошқа фанларга алоқадорлиги унинг муҳим хусусиятларидир. Топонимикага оид текшириш натижаларига айланиб, археологияга оид текшириш натижаларига суянган ҳолда иш кўриш зарур.

Географик номлар ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият тараққиёти билан мустақкам боғлиқдир. Маълум бўлишича, ҳар бир туман топонимикаси мураккаб тарихий жараён билан боғлиқ бўлиб, ер остида кўплаб маданий қатламлар мавжудлиги уни синчиклаб тадқиқ қилишни талаб этади. Топонимика методологиясига мувофиқ уни фан сифатида ўрганиш учун топонимларнинг пайдо бўлиши доир маълумотлардан фойдаланиш, номларнинг мавжуд бўлган барча формаларини аниқлаш, ном ва атамаларини ўша жой билан боғлиқ ҳолда танлаш ва энг муҳимларини ўрганиш зарур.

Топонимик асосларга вақт, манбалар ва йўналишлар бўйича жойларга аҳолини кўчишини ўрганиш киради. Топонимлар, аниқ тарихий жараён бўлиб, у аҳолининг кўчиши, маданий-иқтисодий ва тил муносабатлари билан вужудга келди, сўнг тарқала бошлади. Топонимика жамиятнинг муомала воситаси бўлган тилни, унинг иқтисодиётини, маданиятини ва тарихий тараққиётини ўрганиш жараёнида ўсиб, ривожланиб боради.

Топонимикада ҳам, моддий ва маданий ёдгорликлар ўрганилганидек, оддийдан мураккабга яъни, бугунги кундан асрлар ичкарасига кириб бориш зарур. Билими мураккаб диалектик жараёнидир. Чунки, бу усул билан маданий қатламларнинг энг қадимийсидан бошлаб, то навқиронигача номларнинг манбаи аста-секинлик билан очилади ва номларнинг «ёши» аниқланади. Ўз навбатида топонимик номлар тарих учун ҳам бебаҳо

манбадир. Географик номлар узоқ муддатли бўлиб, маълум ҳудуддаги у ёки бу халқнинг тили ҳақида гувоҳлик беради.

Номлар маълум бир аҳолининг ҳамжиҳатлиги ёки тарқоқлигига ҳам боғлиқдир. Диалектологиядан фарқли ўлароқ, топонимикага оид маълумот тўплашда, жойларнинг номларини ўрганишда аҳолидан ёппасига сўраш услуби қўлланилади. Фақат шундай услуб билангина турли даралар кичик сой ва анҳорлар, жарликлар, қўллар ва бошқа шунга алоқадор бўлган номларнинг миқдорини аниқлаш мумкин ҳолос. Топонимиканинг энг катта хизмати шундаки, у ҳужжатхона ҳужжатларини синчиклаб ўрганиш, халқ оғзаки ижоди асосидаги айрим томонлар ва ниҳоят ҳеч қандай манбаларда акс эттирилган номаълум жойларни бизга маълум қилади.

Топонимикага оид маълумотлар йиғишда ва жой номларининг келиб чиқишини ўрганишда этнография ҳам катта роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда топонимистлар жой номларини фақат этимологик ва семантик жиҳатидангина эмас, балки сўз ясалиши жиҳатидан ҳам таҳлил қилмоқдалар.

Антротопоним кишининг исми, фамилияси, лақабани (Масалан: Маҳмуд Қошғарий, Мунис Хоразмий), антротопонимика киши исми, шаҳар, қишлоқ, овул ва шу каби жойларнинг номидан топонимларни (Масалан: Тошкентбой, Қўқонбой) энтотопоним эса қабила уруғ-аймоқ номига қўйилган номларни (Масалан: қозоқбой, ўзбекбой, қирғизбой).

Шундай қилиб топонимика уч принципга асосланади:

1. Топонимларни пайдо бўлиш тарихини ўрганиш;
2. Топонимларни географияга оид маълумотларни аниқлаш;
3. Асосий қадрланаётган топонимларнинг, барча номдагиларни илмий асосда алоҳида ўрганиб, хулоса чиқариш.

2. Ўзбекистон топонимикасига оид атамаларнинг ёзма манбаларда қайд этилиши. Географик номларини, уларнинг келиб чиқиши ва тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, уларни классификация қилиш нисбатан яқин вақтларда бошланган. Бу соҳада атоқли топонимикачи А.Х.Востоковнинг хизмати каттадир. У Россиядаги дарё номларини, уларнинг охириги

қўшимчаларига караб гуруҳларга бўлади ва бу қўшимчалар ҳозир бирор маънони англатмаса ҳам қадимги халқлар тилида маълум маънони билдирган бўлса керак, деб тўғри хулосага келади. А.Х.Востоковнинг фикри XIX аср охири XX аср бошларидаги баъзи бир топонимикачиларнинг асарларида ўз ривожини топди.

XX аср бошларида топонимик тадқиқотлар анча кенг қулоқ ёйди. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги даврда олимлардан А.И. Соболевский, Н.Я. Марр, С.В. Веселовский, В.В. Бартольд, В.П. Семёнов-Тяншанский, В.Г. Шостакович топонимика соҳасида айниқса самарали ишлар қилдилар.

Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистон топонимикасини ўрганиш соҳасида В.В. Бартольднинг хизматларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Бартольд (Василий Владимирович 1869-1930 йй.) рус шарқшуноси, академик (1913) Петербург университети Шарқ тиллари факультетини тамомлаган (1891). 1901 йилда профессор унвонини олган. 1910 йилда Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди. Яқин, Ўрта Шарқ, айниқса Марказий Осиё ва Араб халифалиги, ислом тарихи, турк, мўғул халқлари тарихи, филологияси ва этнографияси, Афғонистон, Эрон, Кавказorti (Закавказье) ва қисман Хитой тарихига оид асарлар ёзган. Унинг нашр қилган 685 асаридан, 320 таси Ўрта Осиё тарихига бағишланган.

В.П. Семёнов-Тяншанскийнинг «Аҳоли пунктларининг маҳаллий номларида географик манзара қандай акс этади» асари топономик жиҳатдан ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Бу асарда муаллиф географик номларнинг пайдо бўлишида табиий шароитнинг таъсири ҳақида ёзган.

Урушдан кейинги йилларда топонимика ривожига катта бир ўсиш даври бўлди. Эндиликда топонимика соҳасида айрим олимларгина эмас, балки бутун-бутун олимлар жамоаси иш олиб бормоқдалар.

Эндиликда ўлкамизда топонимик тадқиқотлар авж олдирилмоқда. Топонимикага, унинг назариясига доир кўпгина асарлар яратилди. Бир неча ёш олимлар ҳам топонимика соҳасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Т. Нафасов «Қашқадарё топонимикаси», Ш. Қодирова «Тошкент

микротопонимикаси», Э. Бегматов эса антротопонимика – киши номларини ўрганиш соҳасида иш юритишмоқдалар.

Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистон топонимикасини ўрганиш ҳам узок тарихга эга. Ўзбекистон топонимикасини ўрганишда машҳур рус шарқшунос олимлари ҳамда тарихчилари: В.Л. Вяткин, Н.Ф. Ситяковский, Л.Н. Соболев, В.В. Бартольд, С.П. Толстов, П.П. Иванов, М.Е. Массон, О.А. Сухарева ва бошқалар бу соҳада жуда катта ишларни амалга оширдилар.

Республика жой номларининг келиб чиқиш тарихини ва миллат, қабила, эллат уруғ-аймоқ номларининг келиб чиқиш тарихини ҳамда географияга оид атамаларни ўрганишда Я.Ғ. Ғуломов, Р.Н. Набиев, А.Р. Мухаммаджонов, Ф. Абдуллаев, С. Иброҳимов, Ўзбекистонда биринчи картотека тузишда иштирок этган Х.Т. Зарифов; этнонимлар – Э. Фозилов, географлардан Х. Хасанов, С. Қориев қабилаарнинг ишлари диққатга сазовордир.

Ўзбекистонда топонимикани ривожлантиришда Х.Х. Хасановнинг (1919-1985) хизматлари катта. Унинг топонимикага оид фикр, мулоҳаза ва маълумотлари «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан» (1965), «Географик номлар имлоси» (1962), «Ер тили» (1977), «Географик номлар сири» (1985) асарларида ва кўпдан-кўп мақолаларида ўз аксини топган. Бу олимнинг топонимикага оид китобларининг иккинчи қисми изоҳли луғатлардан иборат бўлиб, бу мазкур асарларнинг қийматини яна ҳам оширади.

Ўзбекистон топонимларини тадқиқ этган яна бир тадқиқотчи С. Қориевдир. Бу тадқиқотчи топонимларнинг этимологиясига оид анча иш қилган. У топонимларни, хусусан этнотопонимларини чуқур ўрганган. Унинг илмий хулосалари «Географик номлар маъноси» (1978), «Географик номлар маъносини биласизми?» (1970), «Тошкент топонимлари» (1991) китобларида баён этилган.

3. Ўлка тарихини ўрганишда топонимикага оид маълумотлар тўплаш ва улардан фойдаланиш. Топонимикани ўрганиш маълумот тўплашдан бошланади. Бу иш одатда ўлкашунослик бўйича тадқиқот олиб

борилаётган маҳалла, қишлоқ, овул, ҳудудларида кейинчалик маъмурий туман ҳамда вилоят ва ниҳоят ўлка миқёсида амалга оширилади.

Топонимик маълумот йиғиш ишини бошлашдан аввал, иш режаси ва дастурини ишлаб чиқариш зарур. Далада тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида аҳолидан эшитган ҳикоя, афсона, ўтмиш ҳақидаги суҳбатларини ҳамда бошқа материалларни мунтазам ёзиб борадиган махсус дафтар бўлиши шарт. Шундан сўнг суриштириш ва суҳбат натижасида олинган маълумотларни тадқиқ қилишда топонимик тоифалар бўйича махсус картотекалар тузилади. Кейин шу асосда луғатлар тузилади. Тадқиқ қилинган ва тўпланган топонимик маълумотлар ўлкашунослик музейларида аниқланади. Шунингдек, бу маълумотлар махсус кутубхоналарда алоҳида бўлим қилиб сақланади.

Топонимик маълумотлар тўплаш кўпинча шу ўлка тарихини ўрганиш иши билан параллел ҳолда олиб борилади. Туристик саёҳатларда ва походларда, илмий сафарларда қатнашган, шунингдек, музейлар, археологик ёдгорликлар, таркибий обидалар ва архитектура ёдгорликларига борган ўлкашунослар археологик, этнографик маълумотлар билан бир қаторда топонимик маълумот ҳам тўплайдилар.

В.А. Никоновнинг «Введение в топонимику» (М.: 1965) асарида топонимика бўйича тадқиқотлар қандай олиб бориш, уни нималардан ва қачон қердан бошланишининг услуби ва усуллари аниқ кўрсатиб берилган.

Топонимлардан ном олган буюмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар шу қадар кўпки, баъзан ҳатто уларнинг этномологияси тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Қўқон арава, Бухорои қовун, Чуст пичоғи каби сўзларда ўша жой номлари ҳамон эсга келиши мумкин.

Академия (Африка яқинидаги чангалзор), Вулкан (Туррин денгизидаги Вулкано орол номидан), Жерси (Нормандиядаги шаҳар), Кафе (Африкадаги Каффа ўлкаси номидан), Олимпиада (Грециядаги энг баланд Олимп тоғи номидан) каби сўзлар ҳам топонимлар гуруҳига киради.

Топонимлар минераллар орасида айниқса кўп учрайди. Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин: австралит минерал (Австралия) агат (ўзбек тилида ариқ дейилади) қимматбаҳо тош, алебастр-оқ чипс (Мисрдаги Алебастр шаҳри ва тоғи номидан) туя муюнит-менирал (Фарғона водийсидаги туя мўйин кони).

Газламаларда ҳам топоним номлар бор: Жерси-Нормандия, Франция кирғоғи яқинидаги Саропта деган номдан келиб чиққан.

Озиқ-овқат номлари. Лағмон (хитойча) «лағ» узун, «ман» хамир, узун-хамир деган маънони билдиради. Бутерброд (немсча) «гўшт» ва «нон» ёки «нон ва ёғ» деган маъноларни билдиради. Пирог – қорақалпоқдаларда «бурек», татарларда эса «чебурек» ҳар иккисида ҳам «гўштли пирог» деган маъно бор. Бу сўзнинг ўзаги «бур» ўрамоқ, чулғамоқ маъноларини билдирувчи феълдан ясалган, русча сўздан пирог сўзи шундан келиб чиққан.

Сув билан боғлиқ номлар (гидронимлар). Океан, денгиз, дарё, кўл, музлик, булоқлар номлари гидронимлар дейилади. Гидронимлар ҳам сувнинг хусусиятларига кўра турлича бўлади. Дарё, кўл, булоқ ва қудуқлар сувининг ранги, шўрлиги, тоза (тиник)лиги, чуқурлиги ва бошқа хусусиятларига қараб ҳар хил.

Ер ости сувларидан, сизот сувлардан ҳосил бўлган дарёлар Қорасув, Қорадарё деб, тоғлардаги қор ва музлардан сув олувчи дарёлар кўпинча Оқдарё деб, суви тиник, тоза бўлса Кўксув деб, лойқа сувли дарёлар Сарисув, Хуанхэ (Сариқ дарё) деб ном олган. Тиник ва тоза сувли кўллар Ойнакўл, Кўккўл, лойқа сувли бўлса Айронкўл, шўр бўлса Шўркўл, Аччиккўл, Аччикўл деб номланади.

Ўсимликларга боғлиқ номлар (фитонимлар). Ўсимликларга боғлиқ ҳолда пайдо бўлган жой номлари мамлакатимизда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам кўп учрайди. Ўсимликлар билан боғлиқ номлар баъзан аниқ миқдорини билдиради. Ўрикзор, Бодомзор, Чилонзор, Теракзор, Қатортол номлари ўша жойларда шу тур ўсимликларнинг кўп тарқалганлигини билдирса, Яккатут, Қўшчинор, Қўштут каби номлар бу тур ўсимликлар камлигини билдиради.

Ёнғоқ, Кўктерак, Толдиқўрғон, Буковина, Берёзовка, Арчақишлоқ каби номларда ноаниқликлар бор. Шу жойда ёнғоқ биттами ёки кўпми аниқ эмас. Ўсимликлар билан боғлиқ пайдо бўлган номларга Европадаги Шварсвалд (қора ўрмон), Африкадаги Дракон тоғлари (дракон-дарахт номи), Америкадаги Флорида (ўсимлик, кўкламзор), Осиёдаги Кокос ороллари номларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўсимликлар билан боғлиқ жой номлари микротопонимларда айниқса кўп учрайди. Тошкентдаги Олмазор, Себзор, Қорақамиш, Ўрикзор, Бодомзор, Олчазор, Олчали, Қоратол, Еттитерак, Боғкўча, Чилонзор шулар жумласидандир.

Ҳайвонларнинг номи билан боғлиқ жой номлари (зоонимлар). Дунё харитасида ҳайвонларга боғлиқ ҳолда вужудга келган номлар кўп учрайди. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган бундай номларни таҳлил қилиш билан қадимда айрим ҳайвонлар тарқалган жойларни ҳам аниқлаш мумкин. Амударё бўйида Термиз яқинидаги Маймунтўқай, Тошкент вилоятидаги Ғазалкент (ғизол-кийик), Боғистон (аслида буғистон сўзидан), Сўқоқ (оқ кийик), Илонлисой, Каптархона, Куркулдак (қуш), Тошкент шаҳридаги Бўрижар, Қурбақаобод ва бошқалар мазкур жойларда қадимда шундай ҳайвонлар кўп бўлганидан далолатдир.

Аҳолининг касб-хунаридан олинган номлар. Касб-хунар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган географик номлар ўрта ва айниқса кичик (микро) топонимлар орасида кўп учрайди. Москва яқинидаги Химки шаҳарчаси, Сирдарё вилоятидаги Пахтакор тумани, Қашқадарёдаги Чироқчи, Деҳқонобод шаҳарлари, Бухоро вилоятидаги Қоравулбозор шаҳри шулар жумласидандир. Тошкентда Эгарчи, Ўқчи, Пичоқчилик, Заргарчилик, Чопонбозор, Қаландархона, Шифокорлар шаҳарчаси ва бошқалар бор. Ўрда, Хонақо, Маҳкама, Қозикўча каби топонимлар маъмуриятга тегишли ташкилотлар номидан пайдо бўлган.

Шахсларнинг исм-шарифлари, тахаллусларига қўйилган географик номлар (антропонимлар). Дунё харитасида бундай номлар тилга кирганда сайёҳ ва географлар, янги ер очувчи, номаълум ўлкаларга бориб, жонини

гаровга қўйган тадқиқотчи олимлар, уларнинг қилган ишлари, ёзилган асарлари, қаҳромонликлари ҳақида кўп билиб олардик. Афсуски, хариталар гапирмайди. Лекин бундай топонимларда ана шундай кишиларнинг номлари мангу сақланади. Ана шунинг учун ҳам жой номларини ўзгартирганда шу номлар эгаларининг кимлигини билмасак, кўп шошмаслигимиз зарур. Дунё харитасидаги Кук, Беринг, Магеллан, Колумб, Гудзон, Ливингстон, Миклухо-Маклай, Баренц, Лаптевлар, Басс, Флиндерс, Шоколский номлари ана шундай номлардандир. Жаҳон фани, маданияти, маънавияти тараққиётида буюк хисса қўшган алломаларнинг, ватан озодлиги, мустақиллиги учун курашган, жонини фидо қилган ватанпарварларнинг номлари ҳам жой номларида мангу сақланади. Бундай номларга Беруний, Навоий, Улуғбек, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Форобий, Пушкин, Вашингтон, Жалолиддин Мангуберди каби номларни киритиш мумкин.

Булардан ташқари республикамизнинг барча овул, қишлоқ, посёлка, водийлари ва воҳалари ҳамда вилоятлари номлари ҳам топонимлар бўлиб уларнинг кўпчилиги ҳали тўла ўрганилмаган.

4. Фарғона водийсидаги қишлоқ, шаҳар номларининг келиб чиқиш тарихини дарс жараёнида ўрганиш. Кўпгина кўҳна ва янги қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларнинг номлари шу жойларнинг ўртаси ёки ёнидан оқиб ўтувчи ариқ, канал, сой ва дарёлар номини олганлиги азалдан маълум. Масалан: Шаҳрихонсой Фарғона водийсининг деярли кўп қисми сув билан таъминлайди.

Бу сой бир қанча шаҳар ва туманларнинг экин майдонларини суғоради. Ана шу улкан сой соҳилида қад кўтарган шаҳар Шаҳрихон шу сой номи билан аталади. Қувасой ҳам шу водийнинг, хусусан Фарғона вилоятининг кўпгина туманларини суғорадиган сув артерияларидан биридир.

Бу сой соҳилида бунёд этилган шаҳар ҳам шу сой номи билан Қувасой шаҳри деб номланган. Бундай топоним номлар жуда кўп бўлиб, энг муқобил бўлган айрим номларинигина топонимикасига тўхталиб ўтамиз:

Андижоннинг Андижон деб номланиши худди шаҳар тарихи сингари мозийнинг энг олис қатламрига бориб тақалади. Унинг нима учун бундай деб аталиши барчани бирдек қизиқтириши табиий, албатта. Келинг, дастлаб Андижон номининг келиб чиқишини асрлар оша тилдан-тилга ўтиб келган афсона ва ривоятлар асосида кўриб чиқсак, сўнг ёзма манбаларга, тарихчи олимларимизнинг илмий хулосаларига эътиборни қаратсак.

Юқорида айтганимиздек, халқ орасида Андижон атамасининг келиб чиқиши билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Улар турли даврларда яратилган бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгариб, асл моҳиятини йўқота бошлаган. Ана шундай афсоналардан бирида Андижон номининг келиб чиқиши афсонавий Турон подшоси Афросиёбга бориб тақалади. Унинг оғир ҳасталанган қизи Одинажон Тахти Сулаймон этагидаги тоғли водийга келиб дарддан халос бўлади. Қизининг шифо топгани шарафига Афросиёб Ўш сойининг қуйи оқимидага ушбу мўъзикор гўшада ўрда барпо этиб, атрофини боғу-роғлар билан ўрайди. Одинажонни узоқ муддат бу диёрда қолдирган Афросиёб «Қолди анда жоним менинг» деган экан. Кейинчалик Одинажон исми халқ тилида Андижон атамасига айланиб қолган деган тушунча мавжуд.

Яна бир ривоятда Андижон топонимининг келиб чиқиши қадимда бу ерда яшаган «Анд» қабиласи, яъни ҳиндлар билан боғланса, бошқа бир ривоятда шаҳар номи унга илк пойдевор қўйган шахс-Анди исмидан келиб чиққан дейилади.

Турли даврларда тарихчи олимлар, мутафаккирлар, географлар томонидан Андижон топонимикасининг келиб чиқиши бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, чоризмнинг Ўрта Осиёга қилган харбий юришларида қатнашган рус тарихчиси Владимир Петрович Наливкин «Андижон» сўзи ҳозирги шаҳар ҳудудида яшаган «анди» қабиласи номидан олинган деб кўрсатади. У «Анди» сўзига «гон» қўшимчасининг қўшилиши билан «Андигон» ясалган ва кейинчалик бу Андижонга айланиб

кетган деган нақлни келтиради. Бироқ 92 та ўзбек уруғи рўйхатида «Анди» деб номлангани учрамайди.

Андижон илк бор ёзма манбаларда араб сайёҳлари Ибн Хавқал ва Муқаддасий асарларида Андукан шаклида қайд этилган. Жумладан X асрда яшаб ўтган араб географи ва сайёҳи Ибн Хавқал Андижон шаҳри тўғрисида шунда ёзган: «Дехқончилиги ривожланган шаҳар, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳам ривожланган, катта ҳунармандлар шаҳри Андукан».

Демак, Андижон араб халифалиги даврида Андукан деб аталган. Андижон шаҳрининг қадимийлиги ва унинг топоними хусусида Ибрат юқорида қайд этилган «Тарихи Фарғона» асарида қуйидаги фикрларни илгари суради: «Андижон аввалда Андигон бўлиб, арабийга олганда Андижон бўлур, чунончи, «қофи» форсий арабда «жим» ўқилур. Мана, фаранги лафзи арабда афранжи, бангни банч. Кофи форси арабда «ж» бўлиб, Андигон араб лафзаларида Андижон бўлган бўлса керак. Озарбойгон арабда Озарбайжон ёзиладур ва ўқиладур. Шунга ўхшаш Андижон лафзи асли Андигон бўлса керак.»

Машҳур тарихчи, шарқшунос, академик Василий Владимирович Бартольд кўплаб кўлёзма асарларни чуқур таҳлил қилиб Андижон ҳақида шундай ёзади: «XII аср охири - XIII асрда Фарғона водийсининг янги пойтахти Тува ва Ҳайду томонидан бунёд этилган Андижондир. Шаҳар араб географлари томонидан Андукан деб номланиб... бошқа бир уйғур ҳужжатида Султон Умаршайх даврида Андиган деб номланган».

Яна бир таниқли тарихчи олим А. Набиев ўз тадқиқотларида IV асрдан V асргача Андукан, XII асрдан то XIX асргача Андижон деб юритилади, деган ҳулосага келган.

Ўрта асрлар (IX-XVI) даври тарихини ёритувчи бир неча ёзма манбалар бор. Шаҳар номи X асрдан кейинги ёзма манбаларда «Андукан», «Андуган», «Андиган», «Андикан» кўринишларида учрайди. Андижон топонимикаси хусусида кўплаб фикр ва мулоҳазалар бор. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғат ут-турк» асарида «Азғиш(Адғиш)» жой номи

дейилган. Буларнинг барчасида «ад» ўзаги бўлиб, у «адоқ», «азоқ» маъносидаги ўзбекларнинг 92 уруғидан бирининг қадимги туркча номидан келиб чиққан, деб ёзилади. Таниқли тилшунос олим, Андижон фарзанди профессор Собиржон Иброхимов 1967 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «Ўзбек тилининг Андижон шеваси» (Фонетика ва морфология) биринчилардан бўлиб Андижоннинг номланишини ҳақида шундай ёзган: «Маҳмуд Қошғарий Қадимги Фарғонада, жумладан, Ўзган шаҳрида яшовчи туркий аҳолининг этник таркиби чигиллардан иборатлигини ёзганда Ўзганд ва унга яқин Азғиш шаҳарларида арғулар ҳам яшашларини кўрсатган. У даврларда Ўзгандга яқин шаҳарлар Ўш ва Андугон эди. Азғишнинг Ўш бўлиши мумкин эмас. Шайх Сулаймони Бухорий ўзнинг («Луғоти чиғатойи ва турки усмони») номи луғатида (1881 йил) Адоқ сўзига: «Туркистонда воқия Андижон шаҳрининг номи қадимийсидир» деб изоҳ берган. Профессор С. Иброхимов шундай ёзган: «Топономик номларда бундай фонетик ўзгариш кўп учрайди: *Гуруч мазор* (асли Гуроф номи бир рус мутахассисининг қабри), *Ҳакан* (Хоқон), *Жалавек* (Жалолбек), *Оламайдон* (Алимайдон) каби. Булар Андижон атрофидаги қишлоқ, жой номларидир...» С.Иброхимов шундай ёзади: «Бунда Адоқ билан Азғиш, Адғишнинг Ад ўзаклари бири-бирига муносабатли кўринади. Шунга кўра Маҳмуд Қошғарий айтган Азғиш шаҳри Андижон (Андугон бўлмоғи, А(н)дгон) А(н)ди ёки А(н(ду)гон ўша Аз(Ад)ғишнинг фонетик варианты бўлиши мумкин.»

Орадан 26 йил ўтиб тарих фанлари номзоди, Андижон давлат университети фахрий профессори С.Жалилов 1993 йили «Бобур ва Андижон» рисоласида, 38 йил ўтиб эса 2005 йилда «XV-XVI аср бошларида Фарғона ва Андижон. Маданият ва маънавий ҳаёт» китобида айнан С.Иброхимов фикрларини такрорлаган. Масалан, С.Жалилов: «Шаҳарнинг Андижон ёки Андигон деб аталиши масаласига қайтсак, бу атама қабила, уруғ номидан олинмай, балки бошқа бирон қадимий жойнинг ёки маълум касбдаги кишилар гуруҳининг номи бўлиши мумкин, деган мулоҳазада жон бор» – дея шундай ёзади: «1881 йили Истанбул шаҳрида Шайх Сулаймон

Афанди Ўзбакий-Бухорийнинг «Луғоти чиғатойи ва турки усмони» номли луғати нашр этилиб, унда «Адоқ» сўзига шундай таъриф берилган: «Адоқ– Туркистонда воқеъ Андижон шахрининг номи қадимийсидир».

Сўнг ушбу сўз таърифига қуйидаги шеърий мисол келтирилган.

Юз-икки юзча киши бирла қазок,

Ки бири Хоразм эрди, бири Адоқ.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида «Азғиз»(ёки «Адғиш») жой номига изоҳ берилиб, у Ўзганнинг ғарб томонида, дейилади. Тил тарихи тадқиқотчилари бу сўзларнинг барчасида битта ад ўзаги бўлиб, у адоқ, адғиш, азғиш маъносида уруғ номини билдиришини маълум қилишган.

«Тухфат ат таворихи хони» номли қўлёзма асарида келтирилган 92 та ўзбек уруғи рўйхатида азок номи бор. Ушбу уруғларнинг Сергей Абрамзон тузган рўйхатида эса адоқ(азок) деб берилган. Тилнинг фонетик қоида­сига кўра, сўз талаффуз этилаётганда унинг айрим ҳарфлари ўзгариши, алмашилиб кетиш ходисаси бор. Чунончи;

адоқ-азок-аёқ,

азғин–арғин,

қадоқ-қазок,

кузуқ-қудуқ каби.

Шунга кўра С.Жалилов фикрича, Андижоннинг ҳозирги номи аслида Андигон бўлиб, ад ўзагига кейинча талаффузда к ва.н ҳарфи қўшилган. Сўнгра А(н)дгон ёки А(н)дигон шаклига келиб қолган. Маҳмуд Қошғарий ўзининг машҳур «Девони луғат ут-турк» асарида Андижон шахрига қадимда Алп Эл Арслон асос солган, деган маълумотни келтирган .

Энди эътиборингизни Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Абдулахат Муҳаммаджоновнинг «Буюк ипак йўли ва «Фарғона» гидротопонимининг этимологи ҳақида»ги илмий мақоласига қаратсак. Ушбу мақола олимнинг 2004 йили «Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси» мавзуида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида ўқилган маърузасидан олинган бўлиб, унда Фарғона шахри билан бир қаторда Андижон

топонимини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиб берган. Агар яна тарихий ёзма манбааларга мурожаат қиладиган бўлсак, араб географ олими Ибн Ҳавқал 977-78 йилларда ёзган «Китоб суратал-Ард (Ернинг суръати китоби)» китобининг «Мовароуннаҳр» қисмидаги «Фарғона вилоятлари» бўлимида бошқа шаҳарлар билан бир қаторда Андукан ҳам тилга олинган. Араб тилидан таржима қилган ва изоҳларни тузиб чиққан профессор Ш.С. Камолиддинов Андуконни шарҳлаб ва изоҳлаб шундай ёзган: Андукон–XII асрда қишлоқ сифатида қайд этилган (ас-Самъоний 1:364; LACUT) Сўнгги асарларида унинг номи Андижон (Бобур-наме: 29,30,40,153,206; Махмуд ибн Вали), тангаларда эса Андикон ёки Андигон шаклида қайд этилган (Шпенева 1991: 207; Тўхтиев 2006:68). Бу шаҳар номининг иккинчи қисми эроний кон (гон) жон -»сув», «дарё» сўзидан ясалган. Унинг биринчи қисми ҳақида бир нечта фикрлар айтилган. Бир фикрга кўра, у туркий анди/анду этнонимидан (Обзор, 1901: 42;) Хасанов 1965: 43; История 1980:7) ёки анди–»орол» сўзидан ясалган (Турғунов 1987: 130-136). Бошқа фикрга кўра «дўст тутуниш», «ака-ука тутуниш» (Аҳмадалиев 1997:24) ёки «сув бўйидаги шаҳар» маъносини билдиради (Муҳаммаджонов 2002: 23). Яна бир фикрга кўра бу ном луғдча–»ҳинд» сўзидан ясалган бўлиши мумкин (Лурье 2004:69). Бу шаҳар ҳозир ҳам ўзининг қадимги номини сақлаб қолиб, Андижон деб аталади (Абдулғозиева 1990: 91-96; Абдулгазиева, Абдуллаев, Матбобоев 2002: 4-12; Абдулғозиева 1994: 28-29) у ҳақда яна қаранг: al-idrisi; 707; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1965: 326.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» китобида «Андижон» деб уч хил шаклда ёзилган. Кўриниб турибдики, «Андижон» топоними икки ўзакли сўз бўлиб, «Анда» сўзи қадимги турк-мўғул тилида «яқин», «дўст», «тутинган биродар» каби маъноларни билдиради. Кейинги бўғиндаги «жон» лексемаси «дарё» ёки «сой» маъносини англатади.

Шундай қилиб, сой бўйи маъносини англатган Андижон шаҳри қадимда «ҳиндулар» деб талқин этилган «анди»лар томонидан эмас, Андижонсой бўйларида сув чиқариб ўз музофотини обод этган туб жой,

андижонликларнинг асрий меҳнати билан бино қилинган ва Андижонсой бўйи деб маънодор ном билан улуғланган.

Жаҳон тамаддунида улкан ўрин эгаллаган «Буюк ипак йўли» йўналишидаги Андижон шаҳри қадимги даврдан, бундан деярли 2,5 минг йилдан бери тарих сахнасида ўз ўрнига, бой ва кўркам ўтмишига эга бўлган, келажаги порлоқ ва буюк азим шаҳардир. У билан ўзини андижонликман деб билган ҳар бир инсон ҳар қанча фахрланса, ғурурланса арзийди.

Фарғона-антик давр юнон олимлари бу вилоятдан деярли беҳабар қолганлар. Македониялик Искандарнинг Хўжандгача келгани аниқ. Аммо ундан Шарққа Фарғонанинг ичига ўта олмаган. Шунинг учун бўлса керак, юнонча китобларда қадимий Фарғонанинг тавсифи йўқ. У томонда «Яксарт» орқасида алла қандай ўтроқ аҳоли борлигигина қайд этилган холос. Фақат илк ўрта аср адабиётидагина Фарғона номининг маъноси шу чокқача аниқланган эмас. Лекин бу ҳақида бир қанча изоҳ, таҳлил ва мулоҳазалар бор: Геродотнинг ёзишича, қадим замонларда Ўрта Осиёда Парикан номи қабила бўлган, санскрит тилида паркана деб кичик вилоятга айтилади; парихона яъни «ғўзаллар юрти» деган маъноси ҳам бор. Форсча паранд (арабча фаранд) – «шойи», «ипак» сўзларидан келиб чиққан (фарандхона, ипакхона); қадимий форс-тожикчада паргона – «тоғ оралиғидаги водий» демакдир. Бу сўзни маҳаллий қабилалар ўрганиб олиб, ўз юртларини Фарғона деб атаётганлар; Фарғона «Ҳар хона» сўзларидан олинган ҳам дейилади. Бу ернинг яхшилигини билиб, ҳар жойдан турли қавмлар кўчиб келган, экинзор барпо қилиб, турғун бўлиб қолган. Хонадаонлари ҳар жойда тиллари ҳам ҳар хил бўлган. Уларни «Ҳархона» деганлар. Бу сўзлар истеъмолда Фарғона бўлиб кетган дейди Ножиб Бакрон (XIX аср бошлари) ўзининг «Жаҳоннома» китобида. Буни Ёкут Ҳамавий бошқачароқ изоҳлайди: ҳар хонадан биттадан киши кўчирилиб келтирилган, шундан «аз ҳар хона» (ҳар хонадан) дейилган, кейинчалик бу сўз Фарғона бўлиб қолган, дейди у: Тожикистон тоғлари (Туркистон, Зарафшон тизмалари) Фалғор деб аталган. Бу сўзнинг «Тоғ этаги» деган маъноси ҳам бор.

Шундан Фарғона номи ясалган дейди Н.Г.Маллицкий: паркана қадимги тожик тилида «берк водий» деган сўз Помирдаги рушон шевасида паркана деб «хар тарафи тоғ, бир томони очик бўлган водийга айтилади» дейди профессор М.С.Андреев.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Фарғона вилоятини тасвирлар экан М.С.Андреев айтган рушонча иборани ўзбекча баён этган: «Гирдогирди тоғ воқеъ бўлибтур. Ғарбий тарафидан тоғ йўқтур. Ушбу жанубтин ўзга ҳеч жонибтин қиш ёғи кела олмас». (Бобурнома).

Антик давр тарихчиларининг маълумотларига кўра, парфияликлар (Жанубий Туркменистон) бир замонлар скифлар орасидан қувилган қабила эдилар, парф сўзи скифлар «қувилган кишилар демакдир... уларнинг кийими тиниқ (ипак) ва бурмалардир... кўпгина от миниб юрадилар... прафилияликларнинг бирдан бир кучли отлик аскарлардир».

Даван (Паркана) билан Анси (Парфия) шевалари ўртасида анча фарқ бўлмасада, уларнинг тили хийла ўхшаш ва улар гаплашганда бир-бирини тушунадилар. Парф қабиласининг кўп хусусиятлари Фарғонада ҳам бор: яхши отлар, ипак кийимли, тил ўхшашлиги. «Фарғона» номи парфиёна-Парфона-Фарғона тарнсфорамацияси бўлмаганлигини, деган фикр ҳам ҳаёлга келдаи.

Аммо юқоридаги 10 та изоҳнинг бирортасини ҳам қатъий деб айтала олмаймиз. Фақат шуниси аниқки, бу вилоятнинг энг дастлабки номи Фарғона ёки парфона бўлганлигини йирик Шарқшунос В.А. Лившиц исботлаб берган.

Наманган-Фарғона водийсининг гўзал шаҳарларидан бири. Наманган сой, Янги ариқ ва Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Наманган ҳақидаги дастлабки маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» китобида тилга олинади. Наманган қишлоғи «туз конига» яқинлигидан «Намак кон» деб аталган. Кейинчалик бу ном ўзгариб Наманган бўлиб кетган. Новмакон (янги жой) деган ривоят ҳам бор.

Шаҳарнинг вужудга келишига қадимги Ахсикент шаҳридан кўчиб келган аҳоли ҳам таъсир қилган бўлса керак. Ахсикент шаҳри Наманган

яқинида Сирдарёнинг ўнг қирғоғида бўлган. У 1620 йилги зилзиладан яқсон бўлиб кетган. Наманган шаҳрининг ривожланишида Норин дарёсидан 1819-1822 йилларда ўтказилган Янги ариқ канали катта рол ўйнайди. Бу ерда хунармандчилик ва савдо-сотик ривожланади. 1842-1845 йилларда шаҳар янги девор билан ўралади. Фарғона вилояти тузилгач, Наманган унинг уезд шаҳарларидан бири бўлиб қолди. 1877 йили янги шаҳар қурилиши бошланади. Бу ерда дастлаб Андижон ва Фарғона шаҳарларидаги сингари кўрғон қурилган, янги шаҳар участкасида ҳарбий машқлар ўтказиладиган майдон шаҳар боғи ва бозор учун жой ажратилган.

1894-1895 йилларда шаҳар аҳолиси 60 минг кишидан кўпроқ бўлган. XX аср бошларида Наманган темир йўл орқали Қўқон билан боғланади. Шундан кейин пахта ва ёғ заводлари пайдо бўлади.

Қўқон - бу сўзнинг этимологияси ҳақида ҳам турли - туман маълумотлар бор. Айтишларича шаҳар жойлашган ҳудуд ботқоқлик, қамишзорлардан иборат бўлган ва у ерларда хўк (ёввойи чўчка)лар жуда кўп бўлган. Шунинг учун у ерларни чўчкалар яъни тўнғизлар макони-хўккон деб аташган. Кейинчалик бу сўз Қўқон дейилган. Аммо бу сохтадир. Академик Кононов «Хў» сўзи «шамол» маъносида келади ва Қўқон (Хўканд) «Шамол шаҳри», ершамол маъносида бўлиши мумкин деб таъкидлайди.

Дастлаб «Ҳудуд ул олам»да Хўкан, Хуваканд-халқ зич яшайдиган шаҳарча дейилган. Ибн Ҳавқал Муқаддасий асарларида Хўканд (Хуваканд) шаклларида қайд қилинган. «Бобурнома» да Хўқон вилояти деб тилга олинган. Ҳозирги Қўқон шаҳри тарихий Хўканд ўрнида XVIII асрда ўзбекларнинг минг уруғ бошлиғи Шоҳрухбий томонидан барпо этилган. В.В.Бартольд шаҳар номини адабий жиҳатдан шакли Хўканд бўлиб, Қўқон жонли тилда талаффуз этилишидир деб ҳисоблайди. Юқоридаги олимларнинг турли изоҳларидан қатъий назар ҳозирги кунга қадар Қўқон сўзининг этимологияси илмий асосда ўрганилган эмас.

Таянч сўзлар

Топономика, микро топономика, макро топономика, топономия, топоним, топотермин, Марғилон шаҳри топонимикаси, Фарғона шаҳри топонимикаси, Қўқон шаҳри топонимикаси, Фарғона водийсидаги жой номлари, Фарғона номини маъноси, Андижон шаҳри топономикаси.

Савол ва топшириқлар

1. Топономик тушунчаси ва уни моҳияти нимадан иборат?
2. Ҳозирги вақтда топономика фанинг ютуқлари нималардан иборат?
3. Топонимик материаллар йиғишда қайси фанлар муҳим рол ўйнайди?
4. Ўрта Осиё топонимларини ўрганилиши тарихи ҳақида маълумот беринг.
5. Марғилон шаҳри топонимикаси ҳақида нималарни биласиз?
6. Фарғона шаҳри топонимикаси ҳақида нималарни биласиз?
7. Қўқон шаҳри топонимикаси ҳақида нималарни биласиз?

5-Мавзу. Ўлка тарихини ўрганишда ёзма манбалар ва архив ҳужжатларининг ўрни

Режа:

1. Ўлка тарихини ўрганишда ёзма манбалардан фойдаланиш.
2. Ўлкашунослик фанини ривожлантиришда архив ҳужжатларининг роли.
3. Муассаса ва давлат архивлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви.

1. Ўлка тарихини ўрганишда ёзма манбалардан фойдаланиш. Ўлка тарихини ўрганишда ёзма манбаларнинг ўрни бекиёсдир. Ёзма манбалар тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий туридир. Инсоннинг ижтимоий фаолияти, аниқроғи кишиларнинг ўзаро муносабатининг натижаси ўларок яратилган ва ўша замонларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзида акс эттирган манба сифатида ўрта аср (VI-XIX асрлар) тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Ёзма манбалар ўз навбатида икки турга бўлинади:

1. Олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёриқлар, фармонлар, иноятномалар, молиявий-ҳисобот дафтарлари, расмий ёзишмалар). Бундай ҳужжатларнинг 34 турини мутахассислар аниқлаганлар.

2. Нарратив (*lotin. Narratio* - қисса, ҳикоя) ёзма манбалар. Бундай манбалардан биз тарихий, географик ва космографик, биографик, мемуар асарлар, сайёҳ ва элчилар эсдаликларини кўриб чиқамиз.

Аксарият ёзма асарлар насрда ижод этилган. Айрим тарихий асарлар, жумладан, Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асари шеърӣ йўналишда ёзилган.

Ижтимоий-сиёсий, айниқса, иқтисодий муносабатларга оид масалаларни ўрганишда расмий ҳужжатлар, молиявий - ҳисобот дафтарлари ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Расмий ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни маълум юридик шаклда бевосита ва кўп ҳолларда

айнан қайд этиши билан қимматлидир. Лекин уларнинг орасида, айниқса, расмий ёзишмаларда сохталари ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланилганда диққат-эътибор ва эҳтиёткорлик талаб қилинади. Хужжатлар устида иш олиб борганда, ундан бирон ижтимоий-сиёсий воқеа ёки фактни талқин этиш учун фойдаланиш жараёнида, биттаси билан кифояланмасдан, ўхшаш бир неча хужжат, манбаларни қўшиб ўрганмоқ зарур, чунки битта хужжатда фақат бир келишув ёки факт устида гап боради. Шунинг учун фақат бир хужжат билан маълум ижтимоий-сиёсий масала устида қатъий фикр юритиб, умумлаштириб қатъий хулосага келиб бўлмайди.

Бой тарихни ўрганиш ва ўргатиш деганда, фақат ёзма манбаларда мавжуд маълумотлар тўғрисидаги билим ва тушунчаларни шунчаки механик тарзда талабаларга етказиш эмас, балки анъанавий ва замонавий педагогик усулларнинг энг қулай ва самарали воситаларидан фойдаланган ҳолда, уларда манбалар тўғрисида тушунча, билим ва улардан фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш билан бирга, тарихимиз тўғрисида мустақил фикр юритишга ўргатишни ҳам тушунамиз.

Бунинг учун эса, юртимиз тарихини ўрганишда ёзма манбалардан фойдаланишнинг илмий ва методик асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тавсия этиш тарих фанининг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан биридир. Бу масала жуда кенг қамровли бўлиб, ёзма манбаларнинг тадқиқ этишни илмий методик асосларини чуқур ўрганиб чиқишни тақозо этади.

Ёзма манбаларни талабаларга тушунтиришнинг бир неча принципи мавжуд. Биринчиси махсус каталоглардаги манбанинг тавсиф принциpidир. XIX аср охирида пайдо бўлган Европа мамлакатларидаги каталоглар ичида инглиз олими Ч. Рёнинг кўп томлик араб, форс ва туркий тиллардаги каталогларидаги ёзма манбани тавсифлаш принципи ўзининг мукамаллиги ва пухта ўйланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қуйида тил принципи асосидаги Ч.Рёнинг «Британия музейидаги туркий кулёзмалар» (Лондон, 1888, инглиз тилида) (*Nataloguc of the Turkish Manuscripts in the British*

Museum by Rieu Charles.-London: 1888. 432 p.) каталогидаги манба тавсифи принципини келтирамиз. Унда ёзма манбанинг музейдаги тартиб рақами биринчи бўлиб сарлавҳа ўрнида берилиб, сўнгра қўлёзманинг кодикологик хусусиятлари, варақлар сони, ўлчами, саҳифадаги сатрлар сони, сатр узунлиги, хати, зийнатлари алоҳида, ихчам тарзда берилган. Сўнгра асар номи асл нусхада, яъни араб алифбосида ва унинг таржимаси ажратилиб берилган. Сўнгра муаллиф номи ва асарнинг бошланиши ва охиридаги жумлалар аслида, араб алифбосида келтирилган. Ана ундан кейин муаллиф тўғрисидаги ва асар таркиби, мазмуни баён этилиб, тавсиф охирида асар тарихнавислиги яъни ўрганилиши тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Қатор мавжуд каталоглар асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари ҳам ўзларича қўлёзма манбаларни илмий тавсифга олиш усулини ишлаб чиққанлар ва бу илмий усул Д.Ю.Юсупова ва Р.П.Жалиловалар томонидан тартиб берилган «Собрание восточных рукописей АН РУз. История» («Тарих») номи каталогида фойдаланилган. Ушбу «Тарих» каталогида ёзма манбанинг куйидагича тавсифи берилган: Сарлавҳа сифатида асар номи асл нусхада ва унинг таржимаси, қўлёзманинг хазинадаги тартиб рақами ва ушбу каталогдаги рақами келтирилган. Сўнгра асар муаллифи номи билан асосий тавсиф бошланади. Ундан кейин муаллиф тўғрисида (имкон даражасида тўлиқ), асар мазмунининг таркиби ва қисқача баёни (аннотацияси) келтирилади. Тавсиф ихчам кодикологик маълумотлар-хати, қоғози, зийнати, хаттот номи, қўлёзманинг китобат тарихи, нуқсони, варақлар сони, ўлчами ва адабиётлар (библиография) номларини келтириш билан тугалланади.

Булардан ташқари, ўлка тарихини ўрганишда ёзма манбаларни тавсифлашнинг қомусий ёки энциклопедик принципи ҳам мавжуд. Биз унинг намунасини «Ўзбекистон энциклопедияси» ва «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» саҳифаларида кўришимиз мумкин.

Мустақиллик даврида манбашуносликка оид академик Б.А. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари» (Т.: Ўқитувчи, 1991) ва «Ўзбекистон тарихи манбалари» (-Т.: Ўқитувчи, 2001) асарлари чоп этилди. Олим манбаларнинг ёзилган тилларига қараб ва яна ҳуқуқий ҳужжатлар, ёзишмалар, география ва космографияга оид асарлар, биографик, мемуар асарлар, сайёҳларнинг, элчиларнинг эсдаликлари мавжудлигини қайд этади.

Б.А.Аҳмедов ёзма тарихий манбаларни икки турга бўлади: 1) Олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёрлиқлар, фармонлар, иноятномалар ва бошқалар). Ушбу асарларда ёзма манбалар алоҳида эмас, балки муаллиф номи остида келтирилган. Бундан ташқари тарихчи ҳар бир тарихий даврга қисқа таъриф берган. Мазкур дарсликларнинг ижобий хусусияти сифатида уларда далилий маълумотларни кўплилиги, илмийлигини қайд этиш мумкин. Фақат уларда материаллар академик нашрлар каби жойлаштирилган ва дарс ўтиш хусусиятлари инобатга олинмаган.

А. Ҳабибуллаевнинг «Адабий манбашунослик ва матншунослик» (Т.: ТДШИ, 2000) қўлланмаси ва А.А. Мадраимов тузган «Манбашуносликдан маърузалар мажмуаси» (Т.: ТДПУ, 2001)да ёзма манбалар тўғрисида талабаларга маълумотлар бериш дарс жараёни хусусиятларини эътиборга олишга ҳаракат қилинган. Фақат А. Ҳабибуллаев қўлланмасида адабий манбашуносликка катта эътибор берилган. Унда дарс қуйидаги тартибда тузилган: 1. Мавзу номи. 2. Адабиётлар. 3. Дарс мазмунининг қисқа изоҳи. Сўнгра дарс мазмуни баёни, алоҳида атамалар ва охирида саволлар берилган.

А.А. Мадраимов тузган маърузалар матнида дарс жараёнининг тартиби қуйидагичадир. 1. Мавзу номи. 2. Дарс режаси. 3. Асосий тушунчалар. 4. Дарснинг муфассал мазмуни. 5. Материални мустаҳкамлаш учун саволлар ва охирида адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ушбу махсус каталоглар ва дарсликлардан ташқари қўлёзма китоб тўғрисида ва шарқ манбашунослигига оид тўплам ва китоблар ҳам мавжуд

бўлиб, улардаги муҳим ёзма манбаларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор берилмаган. Лекин уларда энг муҳимлари тўғрисида матн орасида маълумотлар келтирилади ҳамда манбаларнинг умумий хусусиятлари тадқиқ этилган. Зикр этилган дарслик ва қўлланма, махсус адабиётларнинг барчасида ўзига хос фойдали маълумотлар мавжудлигини тан оламиз. Лекин уларнинг биронтасини илмий-методик жиҳатдан талабаларга манбалар тўғрисида дарс бериш учун мукамал намуна деб олиш мумкин эмас.

Мавжуд илмий адабиётларнинг таҳлили асосида ёзма манбалар тўғрисидаги техник маълумотлар ва асар мазмуни талабаларга комплекс тарзда тушунтиришнинг энг самарали ва илмий-методик асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди.

Талабаларга манба тўғрисида комплекс тарзда маълумот бериш керак. Бу эса ёзма манбанинг кодикологик маълумотлар, муаллиф ва унинг яшаган даври, асар таркиби ва мазмуни таҳлили, унинг тарихнавислигини тушунтиришдан иборатдир. Дарснинг ўзига хос хусусиятлари сифатида унинг режаси, мавзуга оид асосий тушунчалар ва қўшимча кўргазмали қуроллардан фойдаланишни қайд этиш мумкин.

Хуллас, бу асарларда, яъни ёзма манбаларда ҳукмрон синфнинг дунёқараши ўз ифодасини топган, ўша синфнинг мақсад ва манфаатлари ифода этилганлиги билан ажралиб туради.

2. Ўлкашунослик фанини ривожлантиришда архив ҳужжатларининг роли. Ўлка тарихини ўрганишда археология, этнография, ёзма ва моддий маданият ёдгорликлари билан бир қаторда архившунослик, яъни архив ҳужжатларидан фойдаланишнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Архив ҳужжатларини қидириб топиш, улар устида ишлаш ва олинган маълумотларни ҳаётга тадбиқ этиш бу жуда мураккаб ишдир.

Архив-лотинча «архивиум»-ҳукумат биноти сўзидан олинган. Лекин «архив» атамасининг ҳозирги қўлланиш маъноси бутунлай бошқа. Архив-бу идоралар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек тарихий шахслар фаолиятига оид ҳужжатлар сақланадиган муассаса. Ўрта Осиёда архив ёзув билан бир

вақтда пайдо бўлган. 1948-1950 йилларда профессор С.П. Толстов қадимги Тупроққалъа харобаларидан Хоразм шоҳларининг III ва IV аср бошларига оид қадимги Хоразм тилида териға ёзилган 150 га яқин ҳужжатлардан иборат архив қолдиқларини топди.

Сўғд ёзма ёдгорликларининг катта гуруҳи Панжикент шаҳри яқинидаги Муғ тоғида жойлашган қадимги қаср ҳаробасидан топилган. Муғ тоғидан сўғд архиви деб аталувчи бу мажмуа VII аср охири VIII аср бошларига оид 80 га яқин ноёб ҳужжатни ўз ичига олади. Бу ҳужжатлар сўғд подшоллигига тобе бўлган панж ҳокимлиги саройига тегишли эди. Панжикент ҳокими Диваштич 722 йилда араб истилочилари билан жангдан сўнг Муғ тоғидаги қасрга чекинган ва сарой ҳужжатларини шу ерга келтирган. Араблар мазкур қасрни штурм билан олгач, уни вайрон қилганлар, ҳужжатлар қаср ҳаробалари ичида қолиб кетган. Улар 1932-1933 йилларда топилган, ҳужжатлар жами 79 дона бўлиб, 74 таси сўғд, 1 донаси араб, 3 донаси хитой ва 1 таси турк тилидадир. Улар ҳар хил материалларга, чармга, тахтага ва қоғозга ёзилган. Мазкур ҳужжатлар сўғднинг VIII асрнинг биринчи чорагидаги иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Муғ тоғида топилган ҳужжатлар А.А. Фермон, А.В. Василев, И.Ю. Краковский, М.Н. Боголюбов, В.А. Лившиц томонидан ўрганилган, ўзбек олимларидан сўғд ҳужжатларини ўрганиш уларни тарғиб қилишда т.ф.д профессор М. Исҳоқовнинг хизматлари каттадир.

IX-X асрларда Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухорода Абу Али Ибн Сино фойдаланган йирик архив кутубхона бўлган. Ўрта Осиёда архив иши XI-XII асрларда Қорахонийлар давлатида, XII-XIII асрларда Хоразм давлатида, XIII асрдан мўғиллар ҳукумронлиги, темурийлар ва аштархонийлар даврида ҳам мавжуд эди. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ва Ўзбекистон Шарқшунослик институти архивида сақланаётган X-XX асрларга оид вақфномалар ва бошқа ҳужжатлар Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг архивлари бўлганлигининг гувоҳидир. Тўхтовсиз ўзаро феодал урушлари, вайронагарчиликлари натижасида

кўпгина архив ҳужжатлари йўқ қилиб юборилди. Айрим хонликларда архив қолдиқларигина сақланиб қолган. Октябр инқилобигача Туркистонда давлат архиви бўлмаган, фақат идора архиви бўлиб, тартибсиз ҳолда, зах биноларда сақланган. Бу архив ҳужжатларининг ёппасига йўқ бўлиб кетишига олиб келган.

Архившунослик ишлари ҳам фақат 1917 йилдан кейин ўз раванқини топди. 20-йиллардан бошлаб, архив ишларига катта эътибор берилди. Ҳужжатларни сақлаш ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш мақсадида халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 1 июнда «Архив ишини қайта қуриш ва марказлаштириш ҳақида» деб номланган декретига асосан Москвада Давлат архиви фонди (ДАФ) ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда ДАФ таркибига тўнтаришгача бўлган давр, тўнтаришдан кейин барча ташкилотларнинг фаолияти, муассасалар ва айрим шахслар шунингдек, тарихий ёзма ёдгорликлар, ҳуқуқ, санъат, адабиёт ва ҳамдўстлик давлатлари халқларининг маиший маънавий маданияти, кинофото ҳужжат фондлари, кинофильм негативлари, фотосуръатлар, уларни тўлдирувчи позитивлар, граммафон, патефон пластинкалари ва ёзиб олинган овоз материаллари, илмий тарихий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бошқа нарсалар: иллюстрациялар қўлёзма негативлар, шунингдек агитация ва пропаганда мақсадида нашр қилинган, плакатлар, варақалар, чақириқлар, эълонлар, микрофото ҳужжатлар киритилган.

3. Муассаса ва давлат архивлари. Ўзбекистон Республикасида жуда кўп архивлар мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда 2 гуруҳга бўлиш мумкин: муассаса архивлари ва давлат архивлари. Республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган марказий ва маҳаллий бошқарув органлари (вазрликлар, ҳокимиятлар ва бошқалар) турли ташкилотлар, корхона ва жамоат ташкилотлари ҳақида жорий архивлар мавжуд, бундай архивлар муассаса архивлари деб аталади. Муассаса архивларида ҳужжатлар маълум муддат сақланади. Шу боисдан бу архивларда сақланаётган ҳужжатларнинг таркиби ўзгариб туради. Белгиланган муддатдан сўнг муассаса

архивларидаги ҳужжатлар давлат архивлари фондларига топширилади. Ҳужжатларнинг сақланиши мазкур муассасалар фаолияти билан боғлиқдир.

Давлат архивлари шахобчалари республикамизнинг маъмурий тузилиши низомида ташкил қилинган. Республика давлат архивлари зиммасига қуйидаги архивлар киради:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва давлат архивлари, ҳамда уларни жойлардаги органлари.

2. Республика Марказий давлат архивлари.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхандарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари Давлат архивлари ҳамда Тошкент шаҳар Давлат архиви мавжуд. Жойларда уларнинг филиаллари фаолият кўрсатиб келмоқда. Фарғона вилояти Давлат архиви фондлари, Фарғона вилоят ва Фарғона шаҳар тарихини қисман бир вақтлар Фарғона вилояти таркибига кирган Андижон ва Наманган вилоятлари тарихини акс эттиради. Марғилон ва Қўқон шаҳарларида Фарғона вилоят давлат архивининг органлари фаолият кўрсатмоқда.

Республика Марказий давлат архивлари тизимида қуйидаги учта архив киради.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви.

2. Ўзбекистон Республикаси кино-фото-фоно ҳужжатлар Марказий Давлат архиви (1943 й.).

3. Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва медицина ҳужжатлари Марказий Давлат архиви (1962 й.).

Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎЗР МДА) сақланаётган қимматбаҳо ҳужжатларнинг сони ва моҳияти жиҳатидан Ўрта Осиё республикалари Марказий Давлат архивлари ичида энг йиригидир. Унда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, то ҳозирги кунимизгача бўлган жуда кўп сонли ҳужжатлар сақланмоқда.

Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли ҳозирги Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва қисман Қозоғистон Республикалари ҳудудидаги вилоятлар, уездлар, волостлар, муассасалар ва корхона фаолиятига доир барча ҳужжатлар мана шу Марказий архивда мужассамлаштирилган.

Архивда Туркистон ўлкасидаги Россия империяси ҳукуматининг маъмурий ташкилотлар фаолиятига доир ҳужжатлар тўлиғича сақланган. Бу ҳужжатларнинг кўпчилиги чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатига оид бўлиб, унда маҳаллий аҳолини аянчили аҳволи, чоризмнинг шафқатсиз зулми, империя амалдорларининг хатти - ҳаракатлари, жойларда халқ оммасининг миллий озодлик учун олиб борган курашлари, сувсизлик, қурғоқчилик, қашшоқлик ва ҳуқуқсизликка қарши курашларга оиддир. Архив ҳужжатлари ўша даврда тартибли сақланмаган.

Ўрта Осиё хонликлари, бекликлари, диний бошқармалари фаолиятига доир ҳужжатлар деярли йўқ бўлиб кетган. Айрим мавжуд материаллар эса, ўлкани Россиянинг босиб олиш жараёнидаги ҳарбий тўқнашувлар даврида йўқ қилиб юборилган.

Академик В.В. Бартольднинг сўзларига қараганда, босиб олинган жойлардаги ҳокимларнинг кутубхоналари ва архив ҳужжатларини сақлаб қолиш учун ҳеч қандай чора тадбир кўрилмаган. Умуман улар Ўрта Осиё халқларининг маданияти ва тарихий ёдгорликларини сақлаб қолишга етарли аҳамият бермаганлар. Тарихчи А.И. Добросмысловнинг ёзишича, ерли архив ишлари назоратсиз қолган, фақат биргина генерал-губернатор канцелярияси архиви кўнгилдагидек олиб борилган, холос.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, 1917 йилгача архив ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Ундан кейин сақланиб қолган ҳужжатлар эса Ўзбекистон Марказий давлат архивининг махсус бўлимларида архив қондасига мувофиқ сақланмоқда.

XIX асрнинг бошларида олдинги архив фондлари сақланаётган ҳужжатлар учун тузилаётган кўрсаткич 8 бўлимдан иборат. Улар:

1. Бўлим «Давлат маъмурий бошқарув органлари» деб аталади.
2. «Ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари ва олий мартабали муассасалар» деб номланган. Унда Тошкент шаҳар думаси, шаҳар бошқармаси, Самарқанд ва Янги Марғилон хўжалик бошқармаси ташкилотларига доир ҳужжатлар марказий архивнинг 718, 37, 472, 473, 277, 286, 79 фондларида жойлашган.
3. Суд ва прокурор фондлари. Бу бўлим ўз навбатида 3 бобдан иборат, яъни вилоят судлари, округ судлари ва уезд судларидан иборат, суд ижроси, жанжалли ишлар комиссияси, халқ судлари, қозилар, нотариуслар ҳақидаги ҳужжатлар (127, 134, 353, 178, 122) ва хоказо фондлардан иборат.
4. Хўжалик-иқтисодий ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар деб аталади. 47 бобдан иборат.
5. «Илмий моддий муассаса ва ташкилотлар» деб номланган.
6. «Жамоа ташкилотлари» деб номланган ва бу бўлимга тегишли ҳужжатлар 596, 27, 81, 268, 611, 34, 8, 595, 76, 490, 279 фондларида сақланмоқда.
7. «Диний назорат» фонди деб номланган ва бу ҳақидаги маълумотлар архивнинг 182, 85 фондларида сақланмоқда.
8. «Картотека ва адабиётлар» ни ташкил этади.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган бу бебаҳо ҳужжатлар XIX асрнинг иккинчи ярмида то XX асрнинг бошларигача бўлган Ўрта Осиё шу жумладан ўзбек халқлари тарихини, айниқса ўлка тарихини ўрганишда катта манба бўлиб хизмат қилади.

1931 йил 20 майда Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитасининг қарорига асосан Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архиви ташкил этди. Ўша пайтгача 20-30 йилларга доир ҳужжатлар Ўзбекистон ССР Марказий архиви ишлари бошқармасининг ҳар хил секцияларида сақланиб келинар эди.

1924 йили Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишни ўтказилиши муносабати билан Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм совет халқ Республикалари тугатилиб, уларнинг ўрнида Ўзбекистон ССР ташкил топгач соҳа архивларидаги барча ҳужжатлар Ўзбекистон Марказий Давлат архивига

топширилди ва архив фондлари шу хужжатлар ҳисобига бойитилди. Шундан сўнг Ўзбекистон ССРнинг барча ташкилотларидаги хужжатлар мунтазам равишда Марказий архивга кела бошлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1958 йил 20 ноябрдаги 750-сонли қарорига асосан Марказий Давлат архиви қайта тузилиб, унинг фондлари асосида ўлкани индустрлаш бўлими ташкил қилинди. 1959 йилнинг 1 январига келиб, бу бўлимдаги фондлар сони 1527 тага ва ундаги хужжатлар сони 503604 тага етди. Бу эса Ўзбекистонда архив ишларини ниҳоятда ривожланиб кетаётганлигидан дарак беради. Марказий архив фондларидан жой олган бу хужжатлар фақат ўзбек халқининг тарихигина эмас, балки туркман, тожик, қирғиз, қozoқ ва бошқа қардош халқлар тарихини ҳар томонлама ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

«Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг уч жилдини яратишда ҳам архив хужжатларидан кенг фойдаланганлар. Нашрдан чиққан кўпгина йирик илмий ишлар шу архив хужжатларидан фойдаланган ҳолда майдонга келди. Ўтган даврда ўзбек халқи эришган ютуқ ва камчиликлар ҳақида маълумотлар олишда архив материалларидан жуда кўп фойдаланилади ва йирик илмий ишлар қилинди.

Архив хужжатлардан фойдаланишни осонлаштириш учун «Кўрсаткич» (Путеводителлар) нашр қилинган. Булар эса архивда сақланаётган фондларнинг маъно ва мазмунини очиқ беради, хужжатларни ўрганувчиларга қулайлик туғдиради. Кўрсаткич 8 бўлимидан иборат бўлиб, улар тармоқлар ва соҳаларга мослаштирилган. Ҳар бир бўлим ва бобларда воқеалар тартиб билан тафсирланган ва хронологияга асосланган «Кўрсаткич»да айрим фондларнинг илмий жиҳатдан муҳимлигини акс эттирувчи индивидуал характеристика 4 қисмдан, яъни фонднинг номи, фонд ҳақидаги справка-маълумотлар, фонднинг ташкил қилинган вақти, ва материалларнинг саҳифалари, фонд материаллари ҳақида анотация қисмлардан иборат. Маълумотлардан фонднинг рақами, фонди сақланаётган ишнинг ҳажми, хужжат ёзилган йил, илмий ахборот аппаратларининг ҳаммаси кўрсаткичга

киритилган. Аннотациялар фонд материалларининг асл моҳиятини, қисқача мазмуни, фаоллигини очиб беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, республикамизнинг ҳамма туманларида ва вилоятларида туман ва вилоят давлат архивлари мавжуд. Туман архивлари ўз қўл остидаги барча муассаса ва ташкилотлардаги давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжатларни йиғиб олади ва маълум муддатдан сўнг уларни вилоят давлат архивларига, улар эса ўз соҳа ва тармоқлари бўйича республика архивларига ёки бошқарма ё вазирликларга, улар ҳам ўз навбатида бир қанча муддат сақланганлардан сўнг Марказий давлат архивнинг конун-қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳужжатларни тайёрлаб сўнг Марказий Давлат архивига топширади Ўзбекистон Марказий Давлат архивидаги ҳужжатлар ўз аҳамиятига қараб, бир умр ёки бир неча йил сақланади ва ёки акт қилиб қўйиб ташланади.

Ўлкашуносликнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланган архившунослик Ватан тарихини шу жумладан ўз ўлка тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишда талабаларга катта ёрдам беради.

Архив ҳужжатлари ҳар бир дарснинг ғоявий сиёсий томонларини фактик материаллар билан бойитишдан ташқари, унинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини оширади, ёш авлодни эса ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Таянч сўзлар

Архившунослик, архив иши тарихи, ёзма манба, ёзма манбаларни туркумлаш, архив ҳужжатларини каталоглаштириш, археография архив ҳужжати, архив рўйхати, МДАФ, ДАФ.

Савол ва топшириқлар

1. Ўлкашуносликни ривожлантиришда архившуносликнинг ўрни қандай?
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви ҳақида гапириб беринг?

3. Муассаса архивлари деганда қандай архивлари тушунасиз?
4. Давлат архивларида қандай ҳужжатлар сақланади?

6-Мавзу. Музей экспонатларининг ўлка тарихини ўрганишдаги ўрни

Режа:

1. Ўзбекистон музейларида ўзбек халқи тарихини ёритилиши.
2. Андижон вилояти адабиёт ва санъат, ўлкашунослик музейи экспонатларида ўлка тарихини акс эттирилиши.
3. Мустақиллик йилларида ўлка тарихини ўрганишда музейлар ва музей иши.

1. Ўзбекистон музейларида ўзбек халқи тарихини ёритилиши.

Тарихий ўлкашунослик манбалари орасида ҳақиқий илмий ва маданий оқартув муассасага айланиб қолган музейнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоят каттадир. Ўлкашунослик моддий ва маънавий, маданий ёдгорликларни археологик томондан материалларини йиғади, уларни таҳлил қилади ва натижаларини экспедиция жиҳатидан оммалаштиради.

Музей-юнонча музеион-музаларга бағишланган жой, тарихий моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш ишларни бажарувчи илмий, илмий-маърифий муассасалардир.

Сиёсий, илмий, маданий, иқтисодий эҳтиёжларни қондирувчи музейнинг пайдо бўлиш тарихи узоқ қадимга бориб тақалади. Музейнинг ўтмишдошлари табиат ва ижтимоий ҳаётдан олинган асл буюмларни хўжалик мақсадларида ва моддий бойлик сифатида эмас, балки мемориал гувоҳнома ва эстетик қимматли асл нарсалар сифатида сақлана бошлаган даврда юзага келган. Критдаги Кнос сарой хазинаси (мил. авв. XVI аср), Ванлар саройи ва инк қоҳинларининг архиви (мил. авв. XIII – XII асрлар, Хитой), Ниневия сарой кутубхонаси (мил. авв. I-минг йиллик) ва бошқалар шулар жумласидандир. Қадимдан ибодатхона, кейинроқ хусусий тўпламларда (мил. авв. III асрдан) асосан санъат асарлари жамланган (Варрес, Сулла галереялари, Сервилий, Красс, Лукулл, Помпей, Цезарь ва бошқа тўпламлари). Византия собор ва монастирларида, кейинроқ Франция.

Италия, Германия ва бошқа мамлакатлар соборларида турли хил тўпламлар сақланган. Европада илмий вазифалар юклатилган. Музейнинг пайдо бўлиши буюк географик кашфиётлар амалга ошаётган давр - Уйғониш даврига тўғри келади. Бу даврда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси намуналари минераллар, геодезия ва астрономия асбоблари, этнографик аҳамиятга эга нарсалар жамланган. Табиий, илмий, этнографик ва тарихий-бадиий ноёб нарсалар жамланган сарой тўпламлари (кунсткамералар, мюнц-кабинетлар ва бошқалар) шуҳрат қозонган. Дастлаб музей ва улар ҳақидаги дастлабки тавсифлар шунингдек, музейшунослик ҳақидаги назарий асарлар ҳам шу даврда пайдо бўлди. Флоренция (Л. Медичи. XV аср), Рим (Ватикан музейи, XVI аср), Дрезден (Август Саксонский, XVI аср) ва бошқа жойлардаги антик давр ёдгорликлари тўпламлари шу даврга мансуб. Лондондаги Британия музейи (1753), Париждаги Лувр музейи (1793), Ғарбий Европадаги илк оммавий музейлар, Жаҳондаги йирик музейлар, асосан XIX пайдо бўлди. Мадриддаги Прадо музейи (1890, Москвадаги тарих музейи (1873), Ленинграддаги ҳозирда Санк-Петербург Эрмитаж (1852), Нью-Йоркдаги Метрополитик музей (1870) шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда музейлар XIX-асрнинг II-ярмида ташкил этила бошлаган. XX-аср бошида Ўзбекистонда фақат 3 музей - Тошкент ўлкашунослик музейи (1876 йил, ҳозирги *Ўзбекистон тарихи музейи*). Самарканд халқ музейи (1896, ҳозирги А. Икромов номидаги *Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи*). Фарғона халқ музейи (1899, ҳозирги *Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи*) бор эди. Уларнинг коллекциялари ҳам, экспозицияларининг кўпи тасодифий материаллардан ташкил топган.

1975 йил собиқ ЎзССР да 34 давлат музейи, 60 дан ортиқ халқ музейлари иш олиб борган. Ўзбекистон маданият ва санъат тарихи Республика музейи (1955) деб номланган музейга 1968 йилда Акмал Икромов номи берилди. Музейда ўзбек халқини энг қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар бор.

Ўрта Осиёда илк ташкил этилган бадиий музей 1888 йил апрел ойида очилиб, Тошкентда яшаган Княз Н.К. Романовнинг саройидаги шахсий коллекцияси асосида вужудга келди. Дастлаб халқ университети музейи, кейинроқ Тошкент марказий бадиий музейи деб номланган. Музей фондини катта қисмини Ўзбекистон тасвирий санъати асарлари ташкил қилади. Шунингдек, музейда Россия, Италия, Испания, Германия, Нидерландия, Финляндия, Голландия, Франция, Англия рассомлик санъати асарлари, хайкалтарошлик, графика, амалий санъат намуналари қаторида Шарқ санъат (Ҳинд, Япон, Хитой, Вьетнам) намуналари бор.

Ўзбекистон табиат музейи 1876 йил 12 июлда очилган. 1918 қадар Тошкент музейи, 1921 йилгача Туркистон халқ музейи, 1922 йилгача Ўрта Осиё музейи, 1935 йилгача Ўрта Осиё табиат музейи деб аталди. 1935 йил июндан ҳозирги номи билан аталади. Зоология, ботаника, геология ва маданий оқартув бўлимлари бор. Музейда 400 мингдан ортиқ экспонат сақланади. 1979 йилдан музей ўлкашунослик ва музейшунослик масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боради.

Республикаимиз ҳудудида 3 турдаги музейлар мавжуд бўлиб, биринчи турдаги музейларга илмий тадқиқот ва маданий маърифий ишларни олиб борадиган музейлар киради. Улар бир вақтни ўзида илмий тадқиқот ва маданий ва маърифий ҳамда таълим-тарбиявий ишларни олиб боради.

Иккинчи турдаги музейларга фақат бир соҳа бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борадиган музей лабораторияларига эга бўлган махсус музейлар (Масалан, ЎзР Фанлар Академияси қошидаги бактерология ва минералогия музейи) киради. Бундай музейлар тармоқ музейлари деб аталади.

Учинчи турдаги музейларга фақат ўқув туридаги ёки бўлмаса меъмориал музейлар киради. Меъмориал музейлар, муҳим тарихий воқеалар, атоқли арбобларга бағишланади.

Музей турлари кўп жиҳатдан унда сақланаётган коллекция фондларининг характери ва фаолиятининг йўналишига боғлиқдир.

Музей фаолияти, иши музей фонди асосида юритилади. Бу ишнинг амалга ошириш ва қиммати музей ходимларининг манба тўғрисидаги билимларини, манбанинг маданий қиммати, хиссий таъсири, тарихий жараёни ҳақидаги маълумотларни аниқлаш ва ойдинлаштириш йўлидаги саъйи ҳаракатлари билан белгиланади. Манбани сотиб олиш, сақлаш, тадқиқ этиш, уни илмий ва таълим-тарбия ишига тадбиқ этиш эса янада муҳим вазифа ҳисобланади. Музей фонди ўтмиши, ҳозирги замон ва келажакни боғловчи, уйғунлаштирувчи манбадир. Музей фондининг архив ва кутубхона фондларидан фарқи шундаки, у тарихий жараённи комплекс ҳужжатлаштиради. Музей учун маълумотнинг ҳажми ва мундарижаси, предметнинг жойлашишигина предметнинг табиати, унинг қайси мақсадда қачон ва қандай йиғилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам муҳимдир. Предметнинг табиатига, унинг маълумот бериш имкониятига кўра тарихий манбалар қуйидаги турларга бўлинади:

- а) моддий манбалар;
- б) тасвирий манбалар;
- в) ёзма манбалар;
- г) фоноёзув ва кинофильмлар.

Моддий манбаларга моддий маданий ёдгорликлар, меҳнат қуроллари, ҳаракатлантириш мосламалари, маиший предметлар, қуроллар в.б.лар киради. Моддий манбалар фақат предметнинг таркибидангина маълумот бермай, унинг шакли, қурилиши, ўлчови, оғирлиги, ранги в.б.лар ҳақида маълумот беради. Улар яна ўша давр тарихий жараён, маданияти, илмий ютуқлар ҳақида ҳам маълум маънода тасаввур ҳосил қилади. Моддий манбалар мавҳум тушунча эмас, балки аниқ тушунчалар ҳосил қилиш имкониятини беради.

Тасвирий манбалар турли буёқ, фигура, белги в.б. нарсалар воситасида яратилиб, улар мусаввирлик ишлари, графика, ҳайкалтарошлик, бадиий плакатлар ва фотография маҳсулотлари киради. Бу тасвирий манбалар воқеалар ҳақида, портретда акс этган шахслар

ҳақида, план ва карталар эса аниқ геометрик шакл, ўлчов ҳамда географик жойлашув ҳақида илмий маълумотлар беради.

Ёзма манбалар сўз ва белгилар ёрдамида маълумот бериб, уларга йилномалар (летопись), солномалар, қонунлар мажмуи, сиёсий партиялар ҳужжатлари, статистика материаллари, илмий ишлар, адабиётлар, публицистик асарлар, нодир китоблар в.б.лар киради. Ёзма манбалар турфа ва кенг маълумот бериш имкониятига эга. Уларни 3 гуруҳга булиб ўрганилади:

а) илмий ва иш юритиш ҳақида маълумот берувчи(қонунлар, сиёсий ва статистик ҳужжатлар, илмий изланишлар);

б) эстетик манбалар (бадий адабиётлар);

в) умумий маълумот берувчи манбалар (публицистик асарлар, мемуарлар, йилномалар ва солномалар).

Фоноёзув ва кинофильмлар музей предметлари орасида муҳим ўрин тутди. Фоноёзувларда мусика, маълум шахснинг нутқи, қурилиш иши шовқини, ўқишдаги маълум талаффуз ёки санъаткорларнинг ижро этган куйлари акс этган бўлиши мумкин. Кинофильмлар овозли ва овозсиз бўлиши мумкин. Фоноёзув ва кинофильмлар музей фондининг махсус, сермахсул гуруҳи ҳисобланади.

Шунингдек, турли фан соҳаларига бўлинган музейлар ҳам бор. Бу музейлар орасида кўпроқ маълум бўлганлари ёки фақат ўша соҳа мутахассисларигагина равшан бўлган маълум тармоқни акс эттирувчи музейлар ҳам мавжуд. Масалан, Тошкентдаги Ойбек номи Ўзбекистон тарихи музейини, тасвирий санъат музейини, Алишер Навоий номи адабиёт музейини, Туркистон Ҳарбий Округи музейини, табиатшунослик музейини кўпчилик яхши билади. Аммо археология, этнография, ҳарбий-тарихий, меъмориал, регионал, санъатшунослик, техник музейларни кўпроқ ўша соҳа мутахассислари билдилар. Булардан ташқари яна Тошкентда мураккаб ва комплекс соҳали музейлар ҳам мавжуд. Тошкентдаги мавжуд музейлар ўзбек ва бошқа қардош халқлар томонидан ташкил этилган турли-туман

соҳаларнинг узок ўтмишидан то ҳозирги кунга қадар бўлган ривожланишни кўрсатиш билан бир қаторда, Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан ўзбек халқининг ибтидоий жамоа, ўрта асрлар давридаги ҳамда 1917 йилгача бўлган даврдаги ҳаёт йўлини акс эттирувчи экспонатлар билан бирга тўнтаришдан кейинги Туркистонда Шўролар ҳокимиятини ўрнатилишига доир фуқаролар уруши халқ хўжалигини қайта тиклаш, мамлакатда электрлаштириш режасини амалга оширилишга доир материаллар ҳам музей экспонатлари ичида жой олган.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек номидаги Ўзбекистон тарихи музейи Туркистоннинг машҳур олимлари ва жамоат арбобларининг ҳаракати билан 1876 йилда биринчи бўлиб ташкил этилган. Бизга маълумки, XIX асрда осори атиқалар устида археологик кузатишлар, қидирув ишлари олиб борилган. Бу соҳада П.И. Лерх, Н.И. Веселовский, В.А. Жуковский, В.В. Бартольд, М.С. Андреев, В.Л. Вяткин, А.А. Диваев, А.А. Зимин, В.А. Каллаур, А.М. Кун, Н.П. Остроумов тўплаган материаллари, Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликларини ҳисобга олиб, таърифлаш ва текшириш илмий муассасалари, император археология комиссияси, Рус археология жамиятининг Шарқ бўлими, шунингдек 1903 йилнинг апрел ойида ташкил қилинган Ўрта ва Шарқий Осиё тарихий археологияси, лингвистика ва этнография жамиятларининг қимматбаҳо материаллари ҳамда рус ҳаваскор коллекциянерлари Баршчевский, Вяткин, Добросмыслов, Косталский, Комаров ва бошқалар тўплаган кўпдан-кўп ажойиб материаллари бу музейнинг асосий фондларини ташкил этади. Музейни ташкил этишда Федченко фаол иштирок этган. У тиббиёт, антропология ва этнографияга оид материаллар тўплаган. Бу материаллар дастлабки экспонат сифатида музейга қўйилган. Федченко вафотидан сўнг унинг ишини Мушкетов, Сверцев, В.Ф.Ошанин каби рус олимлари давом эттириб, ўзларини муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Биринчи маҳаллий археолог Ақром полвон Асқаровни хизматлари ҳам катта бўлди. Умуман бу музейни очилиши, ўлка маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Музей экспонатлари халқаро

кўргазмаларида намоиш қилинди, унда тузилган каталоглар эса ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

1920 йиллардан кейин бу музей ҳақиқий илмий, маданий ва маърифий муассасага айланиб қолди. Музей фонди республиканинг ҳамма вилоятларига юбориб туриладиган археология, этнография илмий сафарларининг материаллари билан доимий равишда бойитиб берилади.

Ҳозирги вақтда музейда 50 мингдан ортиқ археологияга оид экспонатлар, 54 минг қадимги пул нусхалари, 10 мингдан ортиқ турли туман этнографияга оид буюмлар, 2 мингдан ортиқ ноёб ёдгорлик буюмлар мавжуд. Музей фондидаги материаллар орасида қўшни республикалар Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистонга тааллуқли маълумотлар ҳам кўп.

Экспонатлар орасида ноёб нарсалар кўп бўлиб, 1917 йилдан кейинги давр хронологик равишда 1965 йилгача кўрсатилган. Музей 1967 йилда XIX асрнинг меъморчилик ёдгорликларидан бири ҳисобланган бинога кўчди, яъни бу бино 1919 йилда бутун Россия Марказий Ижроия Қўмитаси ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича Комиссияси (Турк комиссия) ишлаган эди. 45 та зал бўлиб уларда 7 мингдан ортиқ экспонат жойлаштирилган.

2. Андижон вилояти адабиёт ва санъат, ўлкашунослик музейи экспонатларида ўлка тарихини акс эттирилиши. Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейи ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 1 сентябрь кунги № 274 - сонли қарори билан вилоят ўлкашунослик музейининг Адабиёт филиали ҳамда Тасвирий ва амалий санъат бўлимлари баъзасида ташкил этилган.

Музейда ҳозирги кунда Адабиёт, Халқ амалий санъати, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёдгорлик музейи, Абдулҳамид Чўлпон» ёдгорлик музейи, тасвирий санъат, таъмирлаш ва Мулла Алихон охунд Оразий ёдгорлик музейи бўлимлари мавжуд.

Андижон вилоят адабиёт ва санъат музейи вилоятда адабиёт, халқ амалий ва тасвирий санъат ҳамда қўлёзмаларни йиғиш, асраш уларни тарихи,

назарияси ва ривожланиш жараёнлари бўйича илмий тадқиқот ва тарғибот олиб борувчи илмий маданият масканидир.

Музейда 2013 йил 1 январ ҳолатига 71 та штатлар бирлиги бўлиб, ҳозирги кунда 65та ходимлар ишлаб келмоқда. Улардан 20 таси илмий ходим ва сайрбонларни ташкил этади. Ҳозирда музей жамғармасида жами 15872 та экспонат мавжуд.

Музейнинг Адабиёт ва халқ амалий санъати бўлимлари Андижоннинг эски шаҳар ҳудудида жойлашган Жомеъ меъморчилик мажмуасининг шарқий қисмида фаолият юритади. Жомеъ меъморчилик обидаси 1882 - 1892 йиллар Марказий Осиёдаги йирик меъморлар сулоласининг етакчи уста Исахон лойиҳаси асосида бунёд этилган. Жомеъ олий диний таълим муассасаси даражасидаги мақомга эга бўлиб 122 та хужра, минора (36,5 метр) маҳобатли масжид биноларидан ташкил топган. Мажмуанинг умумий майдони 2,5 гектарни ташкил этган. 1959-1960 йилларда мажмуанинг жанубий томонидаги хужралар ўрнига Володарский номли тикувчтик фабрикаси қурилган. 1989 йил музей биноси диний жамоага ўтказилган ва мажмуанинг шимолий томонида ертўлали қўшимча бино қурилиши бошланган, ҳозирги кунда битказилмаган ҳолатда.

1995 йил шаҳар ҳокимлиги томонидан адабиёт филиали жойлашган қисми яна адабиёт ва санъат музейига қайтариб берилди. Ҳозирги кунда мажмуага адабиёт ва халқ амалий санъати бўлимлари жойлашган. Жомеъ меъморий мажмуаси 1973 йилда республика аҳамиятидаги маъданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган. Мажмуада сўнгги бор 1970-1974 йилларда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Мажмуанинг асосий қисми, минора ва масжид бинолари бугунги кунда деярли фойдаланилмайди. Собиқ фабрика биноси «Наврўз» савдо корхонаси ихтиёрига берилган.

Музейга йил давомида 17-18 минг томошабинлар бевосита ташриф буюради, шунингдек, музейда ва музейдан ташқарида 10 га яқин кўрғазмалар ташкил қилинади. Музей ходимлари томонидан жойларда 75-80 дан кўпроқ

маърузалар, 50 га яқин йилнинг муҳим саналарига бағишланган турли тадбирлар, ижодий учрашувлар, бадий кечалар ўтказилади.

Музейда 20 нафар илмий ходим ва сайрбонлар бўлиб, улар томонидан адабиёт, санъат, меъморчилик ва маданий мерос ёдгорликлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилади, мавзулар бўйича нодир экспонатлар ва турли ҳужжатлар йиғилади ва жамғарма бойитиб борилади, Шунингдек, музей ходимлари оммавий ахборот воситалари орқали: телевидения ҳамда матбуот саҳифаларида ўз чиқишлари ва мақолалари билан фаол қатнашади.

Музей дастлаб иккита: адабиёт ва санъат бўлимларидан иборат бўлган. Адабиёт бўлими Ҳазрати Навоий ва Бобур давридан бошланиб, асрлар давомида Нодира, Пирим Қори, Оразий, Ҳабибий, Чўлпон, Анисий, Сайфий, Султон Жўра, Восит Саъдулла, Саида Зуннунова, Ўйтибор Охунова, Муҳаммад Али, Муҳаммад Юсуф, Тўлан Низом каби ўнлаб бетакрор сўз санъаткорлари ижодида сайқал топган ва ўзбек адабиётининг таркибий қисмига айланган Андижон адабий муҳити вакиллариининг беназир адабий мероси таркибида мужассам топган. Бўлим жамғармасида мазкур адабий муҳитнинг юздан ортиқ истеъдод соҳиблари шоир, ёзувчи, драматург, адабиётшунос олимлар ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ қимматли ашёлар, ҳужжатлар, фотолар, нашр этилган асарлари, ҳали дунё юзини кўрмаган ўз тадқиқотчиларини кутиб ётган қўлёзмалари ва бошқа тарихий - маданий аҳамиятга эга беш мингдан зиёд илмий-адабий мерос манбалари сақланади. Шунингдек, икки мингга яқин XVIII-XX аср бошларига оид арабий, форсий ва туркий тилларда араб алифбосида битилган қўлёзма ва тошбосма китобларда ҳам ўзбек мумтоз адабиёти, фалакиёт, жуғрофия, табиатшунослик, алжабр, тафсир, фикҳ, тасаввуф ва бошқа дунёвий ҳамда диний илмлар, аجدодларимизнинг китобат, хаттотлик санъатларини нодир намуналари мавжуд.

Санъат бўлими республикаимиз, асосан вилоятдаги ўзига хос, бетакрор халқ амалий, тасвирий ва театр санъати мактаблари, уларнинг етук намоёндалари ҳақида хикоя қилади. Ўзбек халқ амалий санъатида анъанавий

Андижон санъат мактабининг ҳам ўз ўрни бор. Экспозициядан жой олган ва қадимий тепаликлардан топишган 2-2,5 минг йиллик нафис сопол буюмлар, уч юз йиллик сулола анъаналарини ўзида мужассам этган сариқ ва мовий ранглар, «тумор», «белбоғ», «чархпалак», «ошиқча» каби фақат шу сулолагагина хос нақшлар уйғунлигида сайқал берилган Андижон кулолчилик мактаби, айниқса халқаро тоифадаги ЮНЕСКО сертификати соҳиби, сулоланинг 14 - вакили М. Абдувахобовнинг турли катталиқдаги товоқ, коса ва кўзачалари ўз музейнинг нодир ашёлари таркибига киради. Икки юз йиллик анъанага эга уста Эшон бува, унинг авлодлари ва шогирдлари қалб қўри билан сайқал топган Шаҳрихон пичоқлари, Аскар пичоқсоз сулоласи номи билан боғлиқ Қорасув пичоқлари миллийлиги, табиийлиги, кескир ва гўзаллиги билан ўнлаб дунё мамлакатлари ишқибозларини кўнглини забт этган.

Музей хазинасида Самарқанд, Тошкент, Ургутнинг қадимий палаклари, «нон нусха», «кўза», «патнис», «етти оғайни», «тўққиз оғайни», «бўғма» гуллари мато сатҳи бўйлаб хонавор жойлаштирилган водий руҳиятидаги, хусусан, Андижонга хос ёрқин сариқ, қизил, яшил, кук, сапсар, оқ, қора ранглар мутаносиблигидаги маҳорат билан тикилган кашталарнинг ўнлаб нусхалари сақланади. Кашталар музей ходимларининг вилоятнинг Избоскан туманидаги Майгир, Жалақудук, Қўрғонтепа, Хўжаобод туманларидаги бир қатор қишлоқларга қилган тадқиқотлари ва экспедициялари натижасида йиғилган. Экспозицияга улғуворлик бахш этиб турган «қўчқароқ», «чаён» нусхадаги хидирша гиламлари оқ, тўқ қизил ва кўк ранглар уйғунлигида мутахассислар томонидан юксак санъат даражасида эътироф этилганлиги шундаки, гиламнинг гуллари асос, асоси эса нақшлар кўринишида жиловланади. Бу гиламлар XVIII асрдан буён Андижон вилояти чегара ҳудудларида яшаб келаётган кўчманчи қирғизларнинг Хидирша уруғи тўқувчиларига мансуб бўлиб, улар аллақачон ўтроқлашиб, ўзбеклашиб кетган. 1909 йил Германиядаги Халқаро ва 1960 йил Москвадаги ВДНХ (Выставка Достижений Народного Хозяйства - Қишлоқ хўжалигида

эришилган ютуқлар кўргазмаси) кўргазмаларида намоиш этилган Хидирша гиламлари ўзбек - қирғиз халқларининг асрлар давомидаги қардош-қондош эканлигини англатади.

Тарихий манбалар XIX аср охири XX аср бошларида андижонлик; мисгарлик ясаган ва айрим намуналари бўлимда сақланаётган «бодомча» номли бежирим чойдишлар, офтоба, чилочип, чойнак, пиёла, косаларга кўпинча Қўқон ва Марғилонлик кандакори усталари томонидан нақш битилган. Улар савдо карвонлари орқали хонлик ҳудудидан, ташқариларга олиб кетилган. Заргарликни эса балдоқсозлик, узуксозлик, билакузуксозлик каби ихтисослашган бир қанча турлари ривожланган. Айниқса, Андижон, Асака балдоқларининг доврўғи машҳур бўлган.

Андижонлик Одил заргар, асакалик Мамарайим заргарлар томонидан юксак маҳорат билан кумуш ва тилла ранг бериш, яъни савдогарлик усулида тайёрланган пичоқ, ханжар, қиличлар учун қимматбаҳо табиий қинларнинг ишқибозлари, харидорлар хорижларда ҳам кўп бўлган. Одатда жамиятда маълум бир нуфузга эга шахслар томонидан фойдаланиладиган бундай тиглар олий навли қадимий «исфахон» ёки «байза» пўлатларидан, дасталари эса «дандон» (фил тиши) ёки «карк» (каркидон шохи)дан тайёрланган. Музейнинг заргарлик хазинасида Андижон тақинчоқлари, «дахана-пойнак» деб номланувчи кумуш қинли нақшинкор пичоқлар мухлис эътиборини тортади. Шунингдек, бўлимда наққошлик ва ёғоч ўймакорлиги, адрас, атлас, алак, зарбоф каби бадиий матолар, миллий мусиқа асбоблари каби халқ амалий санъатининг бошқа турлари коллекциялари йиғилган.

XIX аср охирларида Россия империяси аскарлари учун маҳаллий аҳолидан ўз-ўзини ҳимоя қилиш мақсадида казарма сифатида қурилган «Қалъа» меъморчилик ёдгорлигининг бир қисмигина сақланиб қолган бўлиб, обида сайёҳлик йўналишига киритилган. Қалъада музейнинг тасвирий санъат галереяси жойлашган жамғармада республика ва вилоят рассомларининг рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик коллекцияси мавжуд. Галереяда 1970 йилларда вилоят республика тасвирий санъати кўргазмалари

дирекцияси томонидан тақдим этилган ўзбек тасвирий санъати намоёндаларидан Ў. Тансиқбоев, Ч. Ахмаров, А. Абдуллаев, В. Фадеев, Р. Ахмедов, Н. Қўзибоев, А. Мирзаев. Қ. Башаров, М. Кагаров каби ўнлаб таниқли ижодкорларнинг асарлари нафақат музей, балки мустақил Ўзбекистон санъатининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Музей экспозициясидан Нажмиддин Казиев, Ўзбекистон халқ рассоми Низомиддин Ҳолиқов, Обиджон Бакиров, мусаввирлардан Улуғбек Болтабоев, Эркин Воробьёв, Убайдулло Боймуродов, Шухрат Тошбой, Қамбарали Юсупов каби ижодкорларнинг асарлари XX асрнинг 60-70 йилларидан шакллана бошлаган Андижон тасвирий санъати мактабининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Андижон ўзбек театрининг бешикларидан бири ҳисобланади. Вилоят театри Ўзбекистон халқ артистлари Асад Исматов, Абдувахоб Азимов, Лутфихоним Саримсоқова, Аббос Иброҳимов каби ўнлаб сахна санъати дарғалари камолотга етган улуғ даргоҳ. Бу даргоҳда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими сахна рассоми Виктор Лигай 50 йилдан зиёд фаолият юритди. Музей коллекцияларидан қарийб юз йиллик тарихга эга Андижон театр санъати мактаби ҳақида ноёб ашёлар, тарихий ҳужжатлар, беназир расмлар сахна безаки эскизлари ва манбалари ўрин олган.

Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ, миллий қадриятларимизни, маданий, меъросимизни тиклаш, тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу йили буюк ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қомусий асари «Бобурнома»нинг 460 йиллиги кенг нишонланди. Янги фаолият бошлаган Адабиёт ва санъат музейи томонидан мазкур музей жойлашган ва Бобур даврининг гувоҳи бўлган XIV асрга оид Арк ичи (Хожар Нойиб) мадрасаси меъморий обидасида бу муҳим санага бағишлаб кўргазма ташкил қилинди. Музейга ЮНЕСКО томонидан уюштирилган «Буюк ипак йўли» халқаро сайёҳлик йўналишидаги Хиндистон, Эрон, Туркия, Покистон, Афғонистон, Россия, Олмония каби хорижий мамлакатлардан жамланган тарихчи, этнограф, бобуршунос олимлар ташриф буюрдилар. Мазкур

кўргазма кейинчалик Бобур ёдгорлик музейини барпо этилишига асос бўлди. 1993 йил ҳукуратимиз қарори билан Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги республика бўйлаб кенг нишонланди. Юбилей маркази Андижонда Бобурнинг маҳобатли отлиқ ҳайкали, Боғи Бобур ва Бобур музейи бунёд қилинди. Кўхна Андижон маркази Хожар Нойиб мадрасаси ва унинг атрофидаги ҳунармандчилик растасида кенг кўламдаги таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бобур музейининг ташкил қилиш асосан Адабиёт ва санъат музейи жамоаси зиммасига тушди тадқиқот ва йиғув ишлари бўйича илмий ишчи гуруҳ тузилди. Андижон Давлат университети профессорлари Ғанижон Абдуллаев, тарихчи-бобуршунос Сайфиддин Жалилов ва бошқа олимлар жалб этилди. Илмий экспедициялар уюштирилди. Тошкентдаги Шарқшунослик ва кўлёмалар институтлари, тарих ва адабиёт музейлари, Хиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси (элчи Далип Мехта), бобурийлар даври билимдонлари Сабоҳат Азимжонов, Фозила Сулаймонова, Бобурийлар ҳақидаги триология муаллифи Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ва бошқа олимлар ҳамда бир қанча муассасалар билан алоқа ўрнатилди. «Бобурнома», Бобур ва бобурийлар даври чуқур ўрганилди. Мавзулар бўйича иқтидорли рассомларга буюртмалар берилди. Йил давомида олиб борилган йиғув тадқиқот ишлари яхши самара берди. Янги музей учун етарли даражада ашёлар, адабиётлар, фотолар, тасвирий ва амалий санъати асарлари ва бошқа манбалар йиғилди. Булар орасида Хиндистондаги Бобурийлар авлоди Тусийлар ҳақидаги манбалар айниқса қимматлидир. Музей ходимлари томонидан мавзулар бўйича экспозиция режаси тузилди ва янги экспозиция дунёга келди.

Музей экспозицияси асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унда Бобурнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, қудратли темурийлар салтанатини тиклаш, Фарғона давлатини мустаҳкамлаш учун қилган ҳаракатлари, ҳарбий юришлари, Қобулдаги ҳаёти, Хиндистонни забт этиши, 332 йил ҳукмдорлик қилган Бобурийлар империяси, уларнинг умумжаҳон маданий цивилизациясига

кўшган улкан ҳиссаси, улар бунёд этган бекиёс маданий мерос ҳамда жаҳон бобуршунослиги натижаларига ҳамда Бобур номини абадийлаштириш мавзуларига алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда бўлимда янги экспозиция устида иш олиб борилмоқда.

1997 йил республикамизда Чўлпон йили бўлди. Андижонликлар ўзининг шерюрак, жасур ўғлонининг 100 йиллигини нишонлади. Абдулҳамид Чўлпон хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Андижоннинг қадимий Сойғузар ҳудудида Чўлпон номли маданият ва истироҳат боғи, боғнинг марказий майдонида шеърят оғушидаги шоирнинг бронза ҳайкали (ҳайкалтарош Ж. Миртожиев) ва адабиёт ва санъат музейининг бўлими сифатида Чўлпон хотира музейи қад ростлади.

Қатағон қурбони Чўлпон ҳақида музей коллекциясида шоирнинг таржимаи холи ва бир нечта фотосуратларгина бор эди. Музей қошида илмий ишчи гуруҳи тузилиб, йиғув ва тадқиқот ишлари бўйича экспедиция ташкил қилинди. Филология фанлари доктори Ҳамидилло Болтабоев илмий маслаҳатчи қилиб олинди. Экспедиция «Чўлпон» драмасининг муаллиф шоир Тўлан Низом ижодхонасида, Қўқон Адабиёт музейида, Тошкентдаги Адабиёт, Давлат тарих ва миллий театр музейларида, давлат архиви, миллий давлат кутубхонасининг нодир китоблари хазинасида, чўлпоншунос олимлар филология фанлари доктори Озод Шарафутдинов, Наим Каримов, театршунос Сирожиiddин Ахмедов, шоирни яқиндан билган, у билан кўришган айрим инсонлар хонадонларида бўлиб, жуда бой манбалар билан қайтди. Андижонда Чўлпоннинг яқинлари, қариндошлари синглиси Фойиқа ая ва жиянлари, айрим кекса зиёлилар билан мулоқот қилинди. Натижада музей жамғармасига Чўлпон ҳаёти ва фаолиятига оид қимматли ашёлар, ҳужжатлар, китоблар, фотолар ва бошқа манбалар билан бойитилди. Музей ходимлари томонидан тузилган режа асосида барпо этилган ва истиқлол ғоялари билан суғорилган музей экспозицияси ўзида Чўлпон шажараси, жадиdчилик ҳаракати, Чўлпон-шоир, адиб, драматург, таржимон, журналист,

танқидчи, жамоат арбоби ва чўлпоншунослик мавзулари музейшунослик талаблари асосида тўлик ифодасини топган.

2009 йилда вилоят ҳокимининг қарори, туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ўзбек мумтоз адабиётининг вакили шахрихонлик маърифатпарварлар шоир Мулла Алихон Охунд Оразий таваллудининг 140 йиллигини нишонлаб, Шаҳрихонда шоирнинг хотира музейи очилди. Адабиёт ва санъат музейининг бўлими бўлган музей экспозицияси ўлкашунослик музейининг Шаҳрихон тумани филиали билан ҳамкорликда қилинди. Оразийнинг ота касби кулолчилик бўлиб, шеърят билан бирга мактаблар очилишида, театр студиялар ташкил қилишда, меҳнат артелларида фаол иштирок этган, инсонларга, меҳнатга меҳру-муҳаббат, ҳалоллик, маърифат, эътиқод руҳиятидаги шеърлари шу кунгача таниқли ҳофизлар томонидан қуйланиб келинди.

2012 йилдан бошлаб музей захирасидаги ашёларнинг «ЗКМ-пшгеу» электрон каталогини тузишга киришилди. Бунинг учун асосий экспонатлар илмий ўрганилиб, рўйхатдан ўтказилиб, уларга илмий паспортлар ёзилмоқда. Шу кунгача 5000 дан ортиқ асосий ашёлар илмий рўйхатдан ўтказилган. Музей бўлимлари меъморий ёдгорликларда жойлашганлиги боис, музей халқаро маданий туризм талаблари асосида хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Тошкентда ўтказилиб келинаётган «Буюк ипак йўли» халқаро туризм ярмарка- анжуманларида ўзининг реклама тарғибот воситалари билан мунтазам қатнашиб келади. Тасвирий санъат галереясида музей хазинасидан ва маҳаллий ижодкорлар асарлари кўргазмаларини ташкил қилади. Вилоят ва республика маданий ҳаётида фаол иштирок этади.

3. Мустақиллик йилларида ўлка тарихини ўрганишда музейлар ва музей иши. Мустақил Ватанимизда миллий ўзликни тиклашга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, бизнинг юрт аجدодларининг тарихда кўрсатган буюк хизматларини холис ўрганиш ва тарғиб этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Совет даврида фақат «Қизил империя» мафкурасига хизмат қилган музейлар эндиликда миллий ўзликни англашга хизмат қилиши лозим.

Мустақиллик даврида музейлар ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг бир қанча омиллари бор:

Биринчидан, мустамлакачилик йилларида онгимиздан ўчириб ташланган миллий туйғуларни қайта тиклаш;

Иккинчидан, миллий ғурур, миллий онгни юксалтириш учун унутилган тарихимизни қайта тиклаш;

Учинчидан, аجدодлар хурматини жойига қўйиш, ёш авлодни аجدодлар номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, миллий ғурурини юксалтириш, буюк анъаналарнинг давомчиси этиб тарбиялаш;

Тўртинчидан, миллий қадриятларимиз бизга демократик, ҳуқуқий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» ғоясини рўёбга чиқариш учун керак;

Бешинчидан, миллий қадриятларимиз мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун керак.

Ушбу йўналишларга Ислом Каримов асарларида қайта - қайта тўхталиб ўтилган. Ана шу мақсадлар ҳукумат сиёсий тадбирларида ўз ифодасини топмоқда. 1998 йил 12 январда «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» ЎЗР Президентининг Фармони эълон қилинди. Фармонда асосан Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимининг шаклланган музейлар тизимини, янада такомиллаштириш, уларнинг халқнинг маънавий - ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихини мустақиллигимизнинг одимларини акс эттирувчи, ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимизнинг онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларнинг

замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий - техника базасини мустахкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шароитлар чора тадбирлар - маданият ишлари вазирлиги қошида музейларни қўллаб қувватловчи «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма музейлар фондларида йиллар давомида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихидан гувоҳлик берувчи ноёб нодир экспонатларни авайлаб асраш, уларни илмий томонларини ўрганиш, таъмирлаш, янги экспонатлар билан музей залларини бойитиш билан шуғулланмоқдалар. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги турли муассасалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ, жамоа бошқарув хўжаликлари қошида, шаҳар, туман, вилоят марказларида, халқ таълими тизимида 1200 дан ортиқ музейлар бўлиб, уларнинг энг йириклари пойтахтимизда жойлашган. Шу билан бирга, ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва машҳур санъат арбоблари уй музейлари мавжуд.

Бу музейлар халқимизнинг узоқ тарихидан хикоя қилувчи, мозийдан садо берувчи маънавият масканлари бўлиб, миллий мафкура ва тафаккурни ривожлантирувчи, ёшларда миллий ғурур ва ифтихорни юксалтиришда улуғ қадамжолар бўлиб қолмоқда.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб қувватлаш масалалари тўғриси» даги 5 март 1998 йил 98 сонли қарори «Ўзбекмузей» жамғармасига, Ўзбекистон музейлар жамоатчилиги кенгашининг халқаро музейлар кенгаши - ИКОМга аъзо бўлганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон музейларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди. Ушбу қарорда мамлакат музейларини таъмирлаш, зарур техник воситалар ва замонавий асбоб - ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда маблағ билан таъминлаш вазифалари юклатилган.

Мазкур қарордан илхомланган «Ўзбекмузей» ходимлари қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Мавжуд барча ўзбек музейлари фондидаги экспонатларни ягона рўйхатини тузиш, экспонатларни доимий ҳимоя

қилиш шароитларини яхшилаш, сақланаётган экспонатларнинг қатъий назоратини таъминлаш, илмий концепсиялар ишлаб чиқиш, хорижий мамлакатлардаги музейларда сақланаётган тарихимизга ва маънавий бойлигимизга оид осори атиқаларни, шунингдек, қадимий қўлёзмаларни рўйхатга олиш, уларни халқимизга таништириш, шунингдек, музейлардаги нодир экспонатларни дунёга олиб чиқиш, жаҳон халқларига таништириш соҳасида тегишли ташкилотлар билан ҳужжатлар ишлаб чиқиш шартномалар тузиш ишларини олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий ва маънавий муҳитни янада соғломлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Маънавий ва маърифий ислохотларни самарадорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғриси»даги қарорларига жавобан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунга кўра, мамлакатдаги барча музейларда ҳар ойнинг бир куни «Очиқ эшиклар куни» деб эълон қилинди. Шу куни музейларга ўқувчилар, талабалар ва бошқа томошабинларга музей ходимлари бепул хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, тарихимизнинг ёрқин из қолдирган алломаларга бағишлаб, музейларда «Барҳаёт сиймолар» мавзусида адабий кечалар, «Истиқлол, маънавият ва музей» мавзусида тадбирлар ўтказилиб келмоқда. Айниқса, Имом Бухорий, Ахмад ал - Фарғоний, Камолиддин Бехзод, Жалолиддин Мангуберди, Огаҳий ва бошқа алломаларга бағишлаб музейларимизда ўтказилаётган тадбирлар ёшларни аجدодлар меъросига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тарихдан маълумки, Турон Мовароуннахр, Туркистон дея атаб келинган, «Буюк ипак йўли»да жойлашган Ўзбекистон Шарқ билан Ғарбни боғловчи, уларни иқтисодини, маданиятини, санъатини, тараққиётини боғлаб турадиган бир макон бўлган.

«Буюк ипак йўли»нинг вориси сифатида Ўзбекистонга кўплаб мамлакатлар АҚШ, Япония, Германия, Франция ва Италия каби давлатлар жуда катта қизиқиш билан қарамоқда. Улар аждодларимиз меърос қилиб қолдирган музейларимизда сақланаётган ноёб осори -

атиқаларни кўриш, қадимий - тарихимиз, бой маданиятимиз билан танишиш истакларини билдирмоқдалар.

«Америка Қўшма Штатларида қадимий «Буюк ипак йўли» да жойлашган, уйғониш даврида ҳам, ўрта асрларда ҳам жаҳон тараққиётининг, илм - фан ривожининг ўчоғи, буюк алломалар макон топган, бой тарихи, маданиятга эга бўлган бугун ҳам катта илмий - иқтисодий тараққиёт имкониятларига эга бўлган сизнинг Ўзбекистон Республикангизга хурмат, кизиқиш жуда каттадир» - деб ёзибди Ислон Каримовга йўллаган хатида АҚШдаги Марказий Осиё музейи директори, Пенсилвания университетининг профессори, доктор Фредрик Т. Хиберг.

Шу мазмундаги хатлар Япониядан, Франциядан, Германиядан, ЮНЕСКОдан, Халқаро музейлар ташкилоти ИКОМдан тез - тез келиб турибди. Гап шундаки, ҳаммаси ҳам ўз мамлакатларида музейларимиздаги экспонатларни кўчма кўрғазмасини ташкил этишни таклиф этмоқдалар. Мустақиллик даврида юртимизда буюк тарихий сиймоларга аталган ҳайкал ва музейлар сони кўпайиб бормоқда.

Мустақиллик даврида буюк тарихий сиймоларга аталган ҳайкал ва музейлар қурилди. 1993 йилда Амир Темур хиёбони ўртасида Соҳибқирон Амир Темурга Суворий ҳайкал ўрнатилди. 1996 йилнинг 18 октябрь куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга атаб шарқ миллий меъморчилигининг ноёб ва мўъжизавий намунаси сифатида бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Биринчи Президент Ислон Каримов музей очилиш маросимида сўзлаб «Бугун зўр шодиёна - билан очилаётган Темурийлар тарихи давлат музейи соҳибқирон шахсига нисбатан юртимиздаги тарихий адолат тантана қилганинг яна бир амалий исботидир.

Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир. Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбех ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади.

Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади. Кимки, ўзбек номини, ўзбек миллатини куч қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини эслаш керак.

Амир Темурнинг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳоламоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсида кенг нишонланганлиги ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир.

Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурдек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизни, томирларимизда Амир Темур шижоати жўш ураётганини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси - Ватан озодлиги, ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир. Умумий майдони беш минг квадрат метрни ташкил этган бу музей 6 ой давомида қурилиб битказилди. Музей қурилишида бутун мамлакат мутахассислари иштирок этдилар.

Тошкентлик қўли гул қурувчилар, чиннисозлик ва керамика, «Миконд» корхоналарининг моҳир ҳунармандлари, «Уста» бирлашмаси, Югославиянинг «Торевик» фирмаси ва бошқа ўнлаб меҳнат жамоалари бу ишга муносиб ҳисса қўшдилар. 1996 йил 1 сентябрда давлатимиз мустақиллигининг 5 йиллик тўйида Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов ва Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) раиси Х.А. Самаранч Олимпия шон-шухрат музейининг тантанали равишда очдилар. Музейни очиш маросимида спортчилар, мураббийлар, жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон Олимпия қўмитаси, спорт клублари, ва жамиятлари вакиллари иштирок этишди.

Музейни безаш ишларида энг иқтидорли рассомлар ва ҳайкалтарошлар, Ўзбекистон халқ усталари қатнашдилар. Музейдаги энг асосий мавзу - ҳозирги замон Олимпия ўйинлари. Экспонатлардаги Олимпия ҳаракати қачон пайдо бўлгани, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг барпо этилганлиги, мамлакатимизда олимпия ғояларининг тараққий этганлиги, Олимпия ўйинларининг ўтказилиши ва шу ўйинларда ғолиб совриндор бўлиб чиққан Ўзбекистон спортчиларининг иштирок этаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Музейга ташриф буюрганлар XX аср Олимпия ўйинларининг шонли тарихида ўз номларини қолдирган бир қатор спортчилар билан танишадилар. Г. Шамрай (гимнастика), С. Бабанина, Н. Устинова (сузиш), В. Дуюнова, Л. Павлова (волейбол), Р. Казаков, А. Фадзаев, ака - ука Хадартсевлар (кураш), Р. Рисқиев (бокс), С. Рўзиев (қиличбозлик), Р. Гатаулин (лангар чўп билан сакраш), Л. Ахмедов, А. Хан (чим устида хоккей), Р. Ямбулатов (милтиқдан отиш), Н. Мухаммадиёров (оғир атлетика), О. Чусовитина, Р. Ғалиев (гимнастика), Л. Черязова (фристайл), М. Абдуллаев (бокс), Ҳ. Дўстматов (бокс), Р. Нуриддинов (оғир атлетика), Ф. Ғоибназаров (бокс), Ш. Зоиров (бокс), Б. Мелиқўзиев (бокс), Ш. Ғиёсов (бокс) шулар қаторидан ўрин олган.

Экспозицияларда мустақил Ўзбекистон терма жамоасининг 1996 йили Атланта шаҳрида (АҚШ) Олимпия ўйинларида иштирок этгани тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар алоҳида ўрин тутди.

Хорижий мутахассисларнинг эътироф этишларига кўра мамлакатимизнинг спортчиларининг мусобақаларда биринчи марта иштирок этганликлари муваффақиятли чиққан; А. Багдасаров (дзюдо) кумуш медалига, К. Тўлаганов (бокс) бронза медалига сазовор бўлишди, О. Чусовитина (гимнастика), Р. Ғалиев (енгил атлетика), Р. Исламов, А. Очилов (кураш) ўз юксак маҳоратларини кўрсатишди.

Ҳар қандай музейда бўлгани каби, катта қизиқиш уйғотадиган экспонатлар бу ерда ҳам мавжуд. Бу аввало, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов тақдирланган Олимпия олтин нишони ва Осиё Олимпия

Кенгаши нишони, шунингдек, турли хил бошқа мукофотлар, совринлар, медаллар, фристайл бўйича жаҳон чемпиони Л. Черязованинг шахсий спорт жиҳозлари, Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Х.А. Самаранчининг музей очилишида топширган эсдалик совғалари, ранг - баранг нишонлар, айниқса, диққатга сазовардир.

Олимпия шон-шуҳрати музейи фақатгина ўз фаолияти билан чекланиб қолмасдан, балки Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, ҳамда Ўзбекистон Олимпия Қўмитаси билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади: матбуот конференциялари, анжуманлар ўтказиш, спортчиларни мусобақаларга кузатиш, ҳар хил турнирлар ва мусобақаларнинг ғолиблари билан учрашувлар уюштириш каби тадбирларни амалга оширади. Кўпинча, айнан ана шу учрашувлардан кейин спортчилар ўзлари қўлга киритган соврин ва кубокларни мукофот тариқасида музейга топшириб кетадилар.

Музей замонавий видео техникаси билан жиҳозлангани туфайли, бу ерда Тошкентда бўлиб ўтадиган турли хил спорт мусобақалари шунингдек, музейда ўтказиладиган матбуот конференциялари, анжуманлар, кутловларни тасвирга тушириш ва кенгин оммага намойиш этиш имконияти яратилган. Бу лавҳалардан спорт мутахассислари, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан спорт тахририятлари фойдаланадилар. Музейдаги техник жиҳозлар, экспонатлар ва жамғармалар, видео маҳсулотлари, маҳсус адабиётлар ҳар хил спорт турлари мутахассислари, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари, малака ошириш курслари тингловчиларининг илмий, услубий тадқиқотлар ўтказишларига катта имкониятлар яратиб беради.

Музей Лозаннадаги ХОҚ МОК бош қароргоҳи ҳузуридаги Олимпия Шон - Шуҳрати музейи билан алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги икки томонлама шартнома имзолаган, экспозициялар ва адабиётлар сони шу йўл билан ҳам кўпайиб боради.

Олимпия Шон-Шухрати музейи халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Х.А. Самаранч томонидан юксак баҳоланган, у музейга «Музей жаҳонда иккинчи ўринда туради», баҳо берган эди.

Мустақиллик йилларида музейлар ривожланиб бормоқда. «Ўзбекистон халқлари тарихи» музейининг янгича асосда қурилиши, унинг экспозицияларининг қайтадан қўрилиб чиқиши, шунингдек шаҳидлар хотирасига бағишлаб алоҳида музей ташкил этилиши фикримизнинг исботидир.

Таянч сўзлар

Музей, музей иши, музей фонди, музей экспонати, кўргазма материаллари, Давлат музей фонди, музей предмети ўрганиш, музейшунослик тадқиқоти, ИКОМ, ўзбек музей.

Савол ва топшириқлар

1. Музейларнинг шаклланиш тарихи ҳақида гапириб беринг?
2. Нечанчи йили Тошкентда биринчи бўлиб музей очилди. Изоҳлаб беринг?
3. ИКОМ нима?
4. Республикамиз музей тизими қандай музейлардан ташкил топган.
5. Ўзбек музей жамғармаси ИКОМга аъзо бўлиши ўзбек музейларига қандай имкониятлар яратди?
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш ва яхшилаш тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?

7-Мавзу. Таълим муассасаларида ўлкашунослик ишларининг ташкил этиш. Мактаб музейи.

Режа:

1. Мактаб ўлкашунослик тўғаракларини ташкил этиш.
2. Мактаб музейи соҳасини танлаш.
3. Тарихий ўлкашуносликда мактаб музейи ва унинг ўрни.

1. Мактаб ўлкашунослик тўғаракларини ташкил этиш. Ўлкани ва унда мавжуд бўлган тарих ҳамда маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ўрганиш, улардан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Тарихчиларга бу қонун муқаддас дастурамал бўлиб хизмат қилади. Биз ёшларни тарихий ёдгорликларни авайлаб сақлашга, тарихий обидаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга ўргатиб, бу ёдгорликлар фақат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, шу билан бирга илм-фанни, халқ маорифи ва маданиятни янада ривожлантириш учун ҳам бебаҳо дурдона эканлигини сингдириш руҳида тарбиялашимиз керак.

Мактаб музейи ёшлар олдида қуйидаги вазифаларни:

Биринчидан, жамият ҳаёти ва халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеаларни, давлат ва ҳарбий арбобларнинг, халқ қаҳромонларининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган бинолар, иншоотлар, эсдалик жойларни ўз ўлкасига боғлаб ўрганишни;

Иккинчидан, археология ёдгорликларни, қўҳна шаҳарлар, қўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истехкомлар, корхоналар, каналлар, йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дафн жойлар-мозорларни, тош ҳайкаллар, қоялардаги тасвирларни, қадимий буюмларни ўз жойига боғлаб ўрганишни;

Учинчидан, меъморчилик обидалари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган манзилларнинг қадимий тузилиши, қурилиши ва қолдиқларини, фуқаро, саноат, ҳарбий, диний, халқ меъморчилиги иншоотларини, табиат ландшафтларини ўз ҳудудига мослаб ўрганишни;

Тўртинчидан, санъат ёдгорликларини-монументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарларини;

Бешинчидан, ёдгорлик ҳужжатлари-давлат ҳокимият органлари ва давлат бошқарув органларининг актлари, бошқа ёзма ва график ҳужжатлар, кино-фото ҳужжатлар ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий ва бошқа қўлёзмалар ҳамда архивлар, фольклор, музика ёзувлари ва шу каби нодир материалларни излаб топиш, ўрганиш ҳамда умумлаштириш вазифаларини қўяди.

Мактаб музейи олдига жуда муҳим вазифалар қўйилган бўлса-да, халқ ва давлат музейларидан ўзига хос хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади.

Биринчидан, мактаб музейи ўқувчилар учун мўлжалланган.

Иккинчидан, бу музей мактаб ўқитувчилар жамоаси ҳамда ёшлар ташкилотлари томонидан йиғилган материаллар асосида ташкил этилган.

Учинчидан, музейдан фақат юксак тарбиявий мақсаддагина эмас, балки таълим жараёнида ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Политехника таълимида кичик музейни ташкил этиш бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Мактаб музейи ташкил қилинган мактабларда ўқувчиларнинг ижтимоий фанлардан олаётган билимлари, мустақил ишга ва меҳнатга, ўтмиш тарихи ва маданиятига қизиқишлари ўсиб бораётганлиги аниқланмоқда. Шунингдек, юқори синф ўқувчиларининг билим доираси кун сайин кенгайиб, дастлабки илмий-тадқиқот ишларига бўлган қизиқиши сезиларли даражада ўсмоқда. Давлат музейлари бўлмаган туманларда мактаб музейининг вазифаси янада мураккаброқ бўлади. Бундай ҳолларда мактаб музейи маҳаллий аҳолини ҳам ўзига жалб қилади ва тарихий ёдгорликларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланишга бўлган қизиқишини орттиради.

Мактаб музейи қандай бўлиши керак? У қандай ташкил этилади. Ундаги ишлар қандай уюштирилади?

Мактаб музейи илмий тизимга солинган, барча материаллар тўпланиб, намоёни қилишга тайёрланган, тарих ва маданият ёдгорликларининг имкони борида асл нусхасини ёки ҳар хил воситалар ёрдамида қўчирма

(нусха) олиб, ўлкашуносликнинг манбалари бўйича даврлаштирилиб қўйиладиган, мактаб жамоаси, ўқувчилар ҳамда ўша ҳудудда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолига мўлжалланган кичик бир бошланғич илмий, маданий муассасадир.

Музейга материаллар жойлаштирилаётганда, албатта туман ёки вилоят ўлкашунослик музейлари ходимларидан маслаҳат олиш зарур. Чунки материалларни хронологик асосда жойлаштириш давлат ва халқ музейларидан фарқ қилмаслиги керак. Мактаб музейи тушунчаси кўпинча унинг танлаб олган соҳасига қараб аниқланади.

2. Мактаб музейи соҳасини танлаш. Мактаб музейи соҳасини танлаб олишда мактаб ёшлар ташкилотлари ва ўқитувчилар жамоаси ҳамда оналар кенгаши унинг ғоявий-сиёсий ва таълим-тарбиявий вазифаларини ҳисобга олишлари керак.

Мактаб музейига асосий соҳа қилиб маданият обидалари ва тарихий жойлар танлаб олинса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда бевосита юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўз ўлкасидаги мавжуд тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни қидириб, у ерлардан музей учун яроқли бўлган археология, этнография, топонимикага оид топилмаларни музей фондига топшириш ва шу йўл билан экспонатлар сонини кўпайтириш мумкин.

Бунда ўлкашунос раҳбар-ўқитувчи маълум ҳудудни танлаб олиши ва тадқиқот олиб борадиган маҳалла, қишлоқ, туман ва шаҳарларни аниқ чегаралаб қўйиши зарур. Айрим ҳолларда мактаб музейи фақат мактаб тарихини ўрганиш билангина чегараланиб қолади. Бунда, албатта, мактабнинг қадимги ҳаёти, археологияси, этнографияси ва топонимикасига оид материаллари билан ҳам қизиқиш керак. Шу билан бирга ўша ҳудудда яшаб меҳнат қилган, ҳозирда ҳам ишлаб турган халқ қаҳрамонларининг ва меҳнат қаҳрамонларининг, фуқаролар урушида ва иккинчи жаҳон урушида қатнашган кишиларнинг фаолиятига оид материаллар музей фондларидан жой олиши лозим.

Музейнинг хронологик даври ёки рамкаси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Музей ўрганиш объекти қилиб олган ҳудуднинг энг қадимги даврдан то 1917 йилгача бўлган даврини ўрганиш ҳам мумкин, ундан кейинги даврдан то 1991 йил мустақилликкача бўлган даврни ёки мустақиллик даврини ўрганиш мумкин. Жуда кўпчилик мактаблар ўлкашунослик соҳасини танлаб тўғри қилади. Бу нарса биринчидан, мактаб музейини ташкил этишда ва турли-туман материаллар тўплашда қулайлик туғдирса, иккинчидан, бу соҳада музей учун исталганича ўқувчиларнинг бевосита ёрдамида ўз ўлкаларининг маданият тарихини, яъни археологияси, этнографияси, топонимикаси ва архив ҳужжатларини йиғиш имконини беради. Учинчидан, бу ишга ўқувчиларнинг ҳохишлари ва истаклари катта бўлади. Тўртинчидан, у бошқа фанлар билан, яъни тарих, инсон ва жамият, география, адабиёт, тилшунослик фанлари билан яқин алоқада бўлади, бу эса музей материалларини кўп миқдорда топишга имкон беради.

Мабодо мактаб шароити учун қадимги даврни ўрганиш қийинчилик туғдиргундай бўлса ёки материал топилмаса, ошкоралик, демократия, тарихни рўй-рост ёритиш кенг авж олдирилган ҳозирги даврни ўрганиш ва шу ҳақда материал тўплаш, мана шулар асосида музей ташкил қилиш ҳам мумкин.

Шундай қилиб, мактабда ташкил этилган тарих ва ўлкашунослик музейи ва унга қўйилган экспонатлар мактаб ўқув таълим-тарбия талабларига тўлиқ жавоб бериши керак.

3. Тарихий ўлкашуносликда мактаб музейи ва унинг ўрни. Мактаб музейи юқорида айтилгандек, аввало ёшлар ҳамда ўқитувчилар жамоасининг, ўқитувчилар ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида ташкил этилади. Музей ташкил этиш учун аввало материаллар йиғиш, ҳужжатлар тўплаш ва уларни ўрганиш зарур. Музей ташкил этиш ишининг ташкилотчиси ўлкашунос-тарихчи ўқитувчи бўлиши шарт. Мактаб ўлкашунослигини аввало ўқувчиларнинг ўзлари ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу иш жамоатчилик асосида бошқарилади.

Мактаб музейини ташкил этиш учун авваламбор қуйидаги ташкилий ишларни амалга ошириш лозим: музей соҳаси мактаб ўқитувчилари мажлисида муҳокама қилиниб, унга раҳбар тайинланади; музей ташкил қилиш масаласи юқори синф ўқувчилари йиғилишларида муҳокама қилинади. Йиғилишларда ўқитувчилар мажлисида тайинланган раҳбар музей ташкил қилиш юзасидан ахборот беради; ўқувчилар йиғилишида музей кенгаши сайланади. Улар вақти-вақти билан музей ишлари қандай бораётганлиги ҳақида ўқувчилар йиғилишида ахборот бериб туради.

Кўпинча ўлкашунослик тўғараги аъзолари бу ишнинг ташаббускори бўлишиб, улар тарих ва ўлкашунослик бўйича ташкил қилинган саёҳат ва илмий сафарларда тўпланган коллекциялари, археология, этнография, топонимияга оид материалларни мактаб музейига экспонат сифатида топширадилар. Бу материаллар музей фондига айланади. Музей кенгаши ҳар йили сайланади. Унинг таркибида 10-13 кишидан иборат фақат аъло ўқийдиган ва шу ишга жуда қизиқадиган жамоатчи аъзолари бўлади. Булар ўртасида ишлар қуйидагича тақсимланади:

1. Музей кенгаши раиси. У ўқувчининг бевосита раҳбарлигида кенгашнинг иш режасини тузади, режага асосан ишларни тақсим қилади. Кенгашнинг ташкилий масалаларини ҳал қилади, материал тўплаш, экспозиция тузиш, музейдаги навбатчилик жадвалини тузиш билан бу ишларнинг бажарилишини кузатади.

2. Музейнинг катта сақловчиси. У музейдаги барча материаллар ва экспонатларнинг сақланишига ва ўрни-ўрнига қўйилишига жавоб беради. Музей материалларини ҳисобга олиш дафтари юритади ва музей материалларининг асл нусхаларига картотекалар тузади.

3. Музей кенгашининг котиби. У саёҳатлар ва илмий сафар ишларининг якунига бағишлаб ўтказиладиган ва музейдаги барча ишлар бўйича ўтказиладиган йиғилишлар қарорларини мунтазам ёзиб боради. Барча олиб борилган ишларни ҳисобга олиб боради.

4. Музей кенгаши аъзолари. Улар экспозиция тузишга, материал тўплашга, экспозицияларни безаш ишларига жавобгар шахслар тайинлайди, маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ва иккинчи жаҳон уруши фохрийлари билан учрашувлар ташкил қилади ва ҳаказолар. Бундан ташқари, Кенгаш аъзолари музейга материаллар йиғиш, илмий сафар ва саёҳатлар уюштириш, музейшуносликка оид бўлган адабиётларни ўқиш, жамоат ўлкашунослиги ходимлари ва коллекционерлар билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказиш бўйича аниқ режа тузиб чиқади.

Музей кенгаши яқинроқда жойлашган туман ёки вилоят ўлкашунослик музейи ходимларидан экспозицияларни тўғри ва илмий равишда ўрганиш ва жойлаштиришда мунтазам маслаҳат олиб туришлари керак.

Мактаб музейи ўзининг асосий фондида бўлган материаллар ҳақида ўлкашунослик музейларига қуйидаги шаклда маълумот бериб туриши керак:

1. Музейдаги топилмаларни тартиб рақами.
2. Экспонатларнинг инвентарь рақами.
3. Топилмаларнинг номи.
4. Топилманинг топилган жойи.
5. Топилманинг ким томонидан топилиб, музейга қачон топширилгани.

Музей Кенгашининг асосий вазифаларидан яна бири ўқувчиларнинг музей ишига доимий фаоллигини оширишдан, яъни материал тўплаш, экспозиция тайёрлаш, музейни безаш, навбатчилик қилиш кабилардан иборат. Мактаб музей кенгаши таркибига ота-оналар қўмитаси аъзоларидан киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Мактаб музейи фондига қуйидагилар: тарихий ва маданий ёдгорликларнинг ёки топилмаларнинг асл нусхалари, моддий топилмалар, ёзма тарихий манбалар, тасвирий санъат ёдгорликлари, моддий ва маънавий манбалар, этнография ва топонимикага оид материаллар киради. Шунингдек, туман ёки вилоят ўлкашунослик музейларидаги мавжуд экспонатлардан кўчирмалар, фотосуратлар, ҳар хил материаллардан ўшанга ўхшатиб ясалган макетлар ҳам киради.

Мактаб музейини доимо материаллар билан бойитиб бориш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилади: ўрганилаётган соҳа бўйича мунтазам

равишда материал йиғиб бориш; бунинг учун тартибли равишда саёҳат ва илмий сафарлар уюштириб бориш; музей материалларини бойитиш мақсадида аҳоли қўлидаги мавжуд топилмаларни йиғиб олиш ва уларни ҳам бу ишга жалб қилиш.

Мактаб музейи фонди қуйидагича бўлимларга бўлиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади. Асосий бўлимлардан олдин мактаб музейи тарихи ҳақида ва уни ташкил этувчилар тўғрисида, ундаги экспонатларнинг сони ва ундан ўқувчилар ва ўқитувчилар ўз фаолиятларида қандай фойдаланаётганликлари ҳақида қисқача таъриф берилади, сўнг асосий бўлимларга ва уларда жойлаштирилган материалларга таъриф бериш бошланади. Масалан, биринчи бўлимни «Ибтидоий жамоа даври» деб номлаш мумкин. Бу бўлимга асосан ўз ўлкасидан ёки ўрганаётган ҳудудидан (агар шундай манбалар бўлса) топилган археологияга оид материаллар, масалан, Тешиктош ғорининг ясама кўриниши, М.М. Герасимов томонидан қайта қилинган 8-9 яшар неандерталь боланинг дарсликдаги ҳайкалининг тасвири, археологияга оид қазилмалар натижасида топилган тош даврига оид турли хил меҳнат куроллари, сопол идишларнинг синиқлари, хуллас, палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза ва темир даврига оид куроллардан намуналар, асл нусхалари бўлмаган ҳолда уларнинг ясама кўринишларини ёки кўчирма нусхалар қўйиш мумкин.

Музей учун йиғилган материаллар ҳажмига қараб иккинчи бўлимни «Ўрта асрлар даври» деб номлаш ва бу бўлимга ўрта асрлар даврида яратилган тарихий ва маданият ёдгорликларидан Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги меъморчилик ёдгорликларини акс эттирувчи фотосуратлар ва Ватанимиз ҳудудларидан топилган археологияга оид ҳар хил топилмалар ва сопол идиш-товоқлар (асл нусхаси бўлмаса расмлари ёки ясама кўринишларини қўйса ҳам бўлади), ўша даврга доир танга-чақа пуллардан намуналар қўйиш мумкин. Учинчи бўлимни «Ўлкамиз Россия империяси даврида» деб номлаш мумкин. Бунда Россия империяси зулмидан маҳаллий омма ва жафокаш, тўрт девор ичида тутқинликда ҳуқуқсиз кун кечирган

Шарқ хотин-қизлари, жумладан, ўз ўлкаси хотин-қизлари ҳаётига тааллуқли бўлган материаллардан қўйилса, Қўқон хони ўрнига келган Россия империяси ҳукумати зулмидан ҳувиллаб қолган қишлоқлар ҳақидаги маълумотлар музей материалларида акс эттирилса ўқувчилар кўз ўнгида ўтмиш аниқ тасвирланади ва чоризм сиёсатига нисбатан қаҳр-ғазаб, меҳнаткаш оммага нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади.

Тўртинчи бўлим «Ҳозирги даврда жонажон ўлкам» деб номланса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу бўлимда Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини қўлга киритиб, унда яшаётган халқлар ўз тарихи, маданияти, ўзлигини англаган, хорижий давлатлар билан ҳам иқтисодий, ҳам маданий алоқалар кун сайин яхшиланаётган ҳозирги давргача бўлган ўз ўлкасининг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётини исботловчи далиллар музей экспонатлари қаторидан жой олса, музей ўшандагина мактабнинг ҳақиқий музейига айланади ва унинг таълим-тарбия ишларига қўшаётган ҳиссаси янада ошади.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят ва туман ўлкашунослик музейларида сақланаётган материаллардан фойдаланмай туриб Ватанимиз тарихини рўй-рост яратиш мумкин эмас. Шунинг учун «Мактаб музейи» деб номланган мазкур мавзуни ўрганишда тарих, инсон ва жамиятдан дарс бераётган ўқитувчилар ўз вилоят ёки туманидаги ўлкашунослик музейларида сақланаётган материаллардан ўринли ва унумли фойдаланишларини тавсия этамиз. Шундагина биз мактаб музейи материалларидан фойдаланишни йўлга қўйган ҳамда ўқувчиларнинг бу материаллардан ўз вақтида самарали фойдаланишларига эришган бўлар эдик.

Таянч сўзлар

Мактаб музейи, музейшунослик, музей материаллари, мактаб музей соҳаси, музей кенгаши, коллекция, мактаб музей фонди, музей экспонатлари, экспонатларнинг инвентарь рақами.

Савол ва топшириқлар

1. Мактаб музейининг вазифалари нималардан иборат?
2. Мактаб музейи ёшлар олдига қандай вазифаларни қўяди?
3. Мактаб музейи қандай бўлиши керак?
4. Мактаб музейи фонди бўлимлари ҳақида гапириб беринг?
5. Мактаб музейини доимо материаллар билан бойитиб қандай амалга оширилади?
6. Мактаб музей Кенгаши қандай ташкил қилинади?

ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: 1998.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. –Т.: 2008.
3. Алимова Д., Буряков Ю.Ф. Самарқанд тарихи. –Т.: 2009.
4. Вехи времен. Альманах. –М.: 1989.
5. Вахидов М.М., Мирзаев Ш.Р. Меъморчилик. 1-қисм. Меъморчилик тарихи. –Т.: Тафаккур, 2010.
6. Историческое краеведение. –М.: 1980.
7. Историческое краеведение: вопросы периодизации и изучения. –Тверь, 1992.
8. Исомиддинов М.Ҳ, Яркуллов А.А Нахшаб хунармандчилик тарихи. (V-IX асрлардаги кулолчилик, темирчилик ва шишасозлик материаллари асосида). –Т.: Yangi nashr, 2014.
9. Караматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. –Т.: 2009.
10. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. –Т.: 2008.
11. Матбобоев Б.Х, Машрабов. Андижон тарихи (қадимги даврлардан XX аср бошларигача). -Т.: SHARQ, 2014.
12. Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. –Т.: 1996.
13. Очилдиев Ф.Б. Тарихий ўлкашунослик. –Т.: 2008.
14. Очиқ осмон остидаги музей. –Т.: 1981.
15. Саидбобоев З.А. Европада Ўрта Осиё тарихига оид тарихий картографик маълумотлар. –Т.: Фан, 2008.
16. Саидбобоев З.А. Тарихий география. –Т.: 2010.
17. Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. –Т.: Шарқ, 2013.
18. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Т.: Шарқ, 2001.
19. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. –Т.: 2008.

Қўшимча адабиётлар

1. Алексеев В.П., Аскарлов А.А., Ходжайов Т.К. Историческая антропология Средней Азии. –Т.: 1990.
2. Алимов И., Эргашев Ф., Бутаев А. Архившунослик. –Т.: 1997.
3. Аннаев Т.Ж., Шайдуллаев Ш.Б. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Самарқанд, 1997.
4. Арциховский А.В. Археология асослари. –Т.: 1970.
5. Асанова Г., Набиханов М., Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. – Т.: 1994.
6. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. –Л.: 1973.
7. Булатова В.А., Шишкина Г.В. Самарканд. Музей под открытым небом. – Т.: 1986.
8. Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. –Т.: 1994.
9. Жабборов И.М. Жаҳон халқлари этнографияси. –Т.: 1985.
10. Жалилов С. Андижон. Тарихий ўлкашунослик очерки. –Т.: 1989.
11. Жалилов С. Бобур ва Андижон. –Т.: 1993.
12. Жалилов С. XV-XVI аср бошларида Фарғона ва Андижон. Маданият ва маънавий ҳаёт. -Андижон, 2005.
13. Кабиров А., Сагдуллаев А.С. Ўрта Осиё археологияси. –Т.: 1990.
14. Массон М.Е. Столичные города в вилояти низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. –Т.: 1973.
15. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изохли луғати. –Т.: 1988.
16. Пугаченкова Г.А. Самарканд. Бухара. –М.: 1968.
17. Рустамов М. Ўзбек этнографияси. –Т.: 1990.
18. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Т.: 1996.
19. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. –Т.: 2002.
20. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. –Т.: 2000.
21. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. –Т.: 1958.

22. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. – М.: 1976.
23. Хужайов Т. Қадимги аждодларимиз қиёфаси. –Т.: 1992.
24. Хужайов Т., Хужайова Г. Ўзбек халқининг антропологияси ва этник тарихи. –Т.: 1995.
25. Чориев З., ва бошқа. Ал-Ҳаким Ат- Термизий. –Т.: 2008.
26. «Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» Биринчи Президент Ислом Каримовнинг 2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро анжуман очилиши маросимидаги сўзлаган нутқи бўйича материали.
27. Тарихий ўлкашунослик. Ўқув-услубий мажмуа.
28. www.history.ru
29. www.natura.com
30. www.archaeology.ru
31. www.archaeology.com

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
1-МАВЗУ. ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	7
2-МАВЗУ. ЎЛКАШУНОСЛИК ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	23
3-МАВЗУ. АНТРОПОЛОГИК ВА ЭТНОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ЎЛКА ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	42
4-МАВЗУ. ЎЛКА ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ТОПОНИМИК АТАМАЛАР АСОСИЙ МАНБАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА.....	73
5-МАВЗУ. ЎЛКА ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	91
6-МАВЗУ. МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРИНИНГ ЎЛКА ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ.....	104
7-МАВЗУ. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎЛКАШУНОСЛИК ИШЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ. МАКТАБ МУЗЕЙИ.....	127
ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	